

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Бекбулатова Г.А.

«Туризм ва рекреация географияси» fanidan

maruzalar matni

Нукус

Сўз боши	4
-----------------------	---

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1. Экотуризм - мустақил фан соҳаси	5
1.2. Экотуризм мақсади, вазифалари, объекти, предмети	9
1.3. Экотуризмнинг таснифланиши	15
1.4. Экотуризмнинг ривожланиш тарихи	20
1.5. Экотуристик дунёқарашлар тизими (концепциялар)	27
1.6. Экотуризмнинг йўналтирувчи қоидалари (принциплари)	31
1.7. Экотуристик хавфсизлик.....	36
1.8. Туризмда экотуризмнинг тутган ўрни	40
1.9. Ўзбекистоннинг экотуристик имкониятлари	43
1.10. Экотуризм бўйича дунё тажрибаси	47
1.11. Экотуризмнинг келажак истиқболлари	56

II. АМАЛИЙ ҚИСМ

2.1. Экотуристик маршрутлар тушунчаси ва мазмуни	58
2.2. Экотур талаблари ва тавсиялари	62
2.3. Ўзбекистондаги экотуристик ташкилотлар ва экотурлар.....	65
2.4. Ўзбекистон ҳудудини экотуристик районлаштириш	65

III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	73
--------------------------------------	----

IV. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ	75
---	----

V. МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ	79
---------------------------------------	----

VI ТЕСТ САВОЛЛАРИ	80
--------------------------------	----

VII. ЭКОТУРИЗМДАН АТАМА ВА ИБОРАЛАР ЛУҒАТИ	82
---	----

VIII. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	92
---	----

СЎЗ БОШИ

Дунё хўжалиги таркибида энг жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири туризмдир. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотига кўра 2004 йилда туристик оқимнинг ҳаракати 760 млн. кишини ташкил этган. 2003 йилга нисбатан ўсиш суръати 10 фоизга ошган. Замонамизда туризм оқими, XX асрдан фарқли равишда нафақат ривожланган мамлакатлардан ривожланганларига, балки ривожланаётган мамлакатларга томон ҳам ўзгармоқда. Бу ўринда туристик бозорнинг деярли ярмини қамраб олган Осиё-Тинч океани минтақалари, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари етакчилик қилмоқда. Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан умумэътироф этилётган масалаларидан бири маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришишдир. Барқарор ривожланиш эса экологик муаммоларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолар билан ягона тизимда туриши, уларни кишилиқ жамияти фаолиятининг барча жабҳалари орқали ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатади. "Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари,- деган эди Президент Ислом Каримов ўзининг, - саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади"¹. 2006 йил 17 апрелда "Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президентимизнинг қарори қабул қилинди. 2007 йил 25 апрелда эса Ислом Каримовнинг Сингапурга қиладиган давлат ташрифидан аввал унинг "Today" газетасига берган интервьюсида "Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир...." деб бежиз айтмаганлар.

Туризм, айниқса *экологик туризм(экотуризм)*нинг аҳамияти беқиёс эканлиги амалда исботланган. Туризм индустрияси ўзига катта сармоя ва ресурсларни мужассамлаштириши билан бир қаторда давлат ва жамият учун зарур бўлган маърифий-маънавий функцияларни бажарувчи иқтисодиёт тармоғидир. Экотуризм орқали чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон деган юрт ҳамда унинг бой ва бетакрор табиати ҳақидаги тасаввурга эга бўлсалар, фуқаролар эса ўз Ватани билан яқиндан танишадилар. Туризм орқали уларда она юртига нисбатан миллий ифтихор ҳамда ғурур туйғусини шакллантириш имконияти туғилади. Ушбу ижобий функцияларни юзага келтириш учун илмий асосланган экотуристик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш асосий вазифалардан биридир.

Мазкур қўлланмада янги фан соҳаси, таълим йўналиши ҳамда иқтисодиёт тармоғи. Экотуризмнинг назарий ва амалий асосларига оид

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998.- 99-б.

мавзуларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда экотуризм объекти, предмети, тушунчаси, методологияси, методик томонлари, тараққиёт жабҳалари, амалий аҳамияти, экотуристтик маршрутлар каби маъруза мавзулари, семинар машғулотлар режаси, амалий ва мустақил ишларини ягона бир тартибда ва кетма-кетликда кўриб чиқилган.

*Дунё, ривожланиш ва атроф муҳит муҳо-
fazasi ўзаро боғланган ва ажралмасдир.*

Барқарор ривожланиш қоидаси

І. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1. Экотуризм – мустақил фан соҳаси

Замонамизда компьютер, информатика, ҳуқуқ, қонун, давлат каби тушунчалар қаторида энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири экологиядир. Экология ўзи нима? Анъанавий изоҳларга кўра, Экология – ўзаро организмлар ва уларнинг яшаш муҳити билан бўладиган муносабатлари ҳақидаги фандир. Бу маъно унинг грекча атамасидан келиб чиққан тарзда ифода этилган, «oikos»-уй, яшаш жойи, яшаш муҳити, «logos»-таълимот деган тушунчани англатади. Экологияни биринчи бўлиб немис табиатшунос олими Эрнест Геккель 1866 йилда «Организмларнинг умумий морфологияси» деган китоби орқали фанга олиб кирди. Унинг таърифига кўра, «Экология – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антагонистик ва ноантагонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиқ бериш». У инглиз олими Чарльз Дарвиннинг тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, ҳар қандай тирик организм атроф - табиий муҳитга мослашиб, ўзининг морфологик(ички) ва морфометрик(ташқи) кўрсаткичларини ўзгартириб боришини, мослашмагани эса табиий танлаш асосида қирилиб кетишини исботлаб берди.

Э. Геккелдан сўнг экология иборасига турлича таърифлар берилди, лекин унинг бирламчи тушунчаси умумий тарзда сақланиб қолди. Турли фикрларни умумлаштирган ҳолда **экологияни ноэволюцион тарзда ривожланувчи табиат тизимидаги тирик организмлар ва уларнинг атроф-муҳит билан бўладиган муносабатларига доир қонуниятларни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билимларни берувчи таълим йўналиши, уларни оптималлаштирувчи халқ хўжалиги соҳаси**, дейиш мумкин.¹

Экология XIX асрнинг иккинчи ярмида биология фанлари тизимига кирган эди. Чунки у тирик организмлар ҳақидаги фан тарихида биринчи

¹ Ниғматов А. Экология. – Т.: Чўлпон, 2006. – 128 б.

бўлиб биологлар томонидан таклиф этилган. Лекин замонлар ўтиб, фан ва таълимотлар ривожлангани сари *экология нафақат мустақил фан соҳаси*, балки *фанлар тизими*га айланиб кетди. Ҳозирги кунда, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 80дан зиёд экологик фанлар мавжуд бўлиб, улардан бири экологик туризмдир (1-расм).

2002 йилда Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Саммитида қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжатлардан бири «Барқарор ривожланиш Бутунжаҳон Саммити (БРБС) қарорларини бажариш режаси»нинг IV бўлими 24-26 моддаларида миллий давлат чегарасида ва унинг ташқарисида атроф-муҳитни туризм орқали муҳофаза қилиш масаласи кўтарилди. Ундан ташқари "Халқаро экотуризм йили", "Халқаро маданий мерос йили"га бағишланган юзлаб учрашув ва анжуманларда (2002 йил), Квебек декларацияси ва Бутунжаҳон туризм ташкилотининг «Глобал туризм этика кодекси»да туризмнинг энг оммалашаётган экотуризмни рағбатлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Экологик муаммоларнинг ечимини топишнинг яна бир янги жиҳати экологик туризмни ривожлантириш орқали аҳолининг экологик онгги ва маданиятини кўтариш. Гўзал ва бетакрор табиий атроф муҳит инсонларнинг нафақат томоша аренаси, балки яшаш макони эканлигини англаган киши атроф-муҳитни муҳофа қилиш, табиий ресурслардан эҳтиёткорона фойдаланиш, бузилганларини қайта тиклаш бугунги ва келажак авлодлар учун қанчалик зарур эканлигини билади ва онгли равишда унга сарф-ҳаражатлар қилади.

Экологик туризм нима ўзи? У бошқа турдаги туризм ва сервис(хизмат)дан нимаси билан фарқ қилади, деган ўринли саволлар туғилади. *Туризм* сўзи француз тилида *tourisme*-саёҳат қилиш, дам олиш билан бир қаторда спорт ва умумтарбиявий ёки сиёсий-маърифий вазифаларни бажариш деган маънони англатади (Краткий словарь иностранных слов.-М.: «Изд.иностран.и нац.словарей»,1958.- С.404).

Шундай қилиб, тор маънода экотуризм – *кишиларни тирик организмлар (жумладан, инсонлар) яшайдиган муҳитга саёҳат қилишлари. Кенг маънода эса экотуризм – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шугулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий(умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф табиатга ёки муайян табиий объектларга экологик мақсадлардаги саёҳатлари.*

Турли адабиётларда Экотуризмни турлича талқин қиладилар. Бизнинг дунёқарашимизга яқин бўлган *Австралиянинг Миллий экотуризм Стратегиясида* экотуризм - табиатга йўналтирилган туризм, деб ифодаланган. Экологик барқарорлик қоидаларидан келиб чиққан тарзда у ўз ичига экологик таълим ва тарбияни қамраб олади.



1-расм. Экотуризмнинг экологик фанлар ўртасида тутган ўрн

Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМҚХИ) экотуризмни “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, унга сайр қилганда “юмшоқ” таъсир кўрсатиш йўли билан маданий ва табиий меросни ўрганиш ҳамда завқланиш нисбатан бузилмаган табиий ҳудудларга экологик маъсулиятли саёҳат”, деб тушунтиради.

ТМҚХИга яқин тушунчани **Экотуризм жамияти** беради. У экотуризмни маҳаллий аҳоли ва ундаги табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашувчи табиий ҳудудларга маъсулиятли саёҳат, дея изоҳлайди.

Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси экотуризмни “атроф - муҳитни муҳофаза қилувчи табиий туризмдир” дейди.

Юқорида санаб ўтилган барча экотуризм тушунчаларида, бизнинг фикримизча, қуйидаги экотуристлик шартлар ифодаланмай қолган:

- экотуризм билан табиий туризм тури аралаштириб юборилган;
- экологик инқирозли ҳудудлар ҳам экотуристлик объект бўлиши мумкинлиги яққол кўрсатилмаган;
- экосаёҳатчиларнинг асосий мақсадалари, доим ҳам табиатни муҳофаза қилиш бўлмайди, лекин уларни атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундаш ва ундан тушган фойданинг аксарият қисмини ўша экотуристлик муҳитни муҳофаза қилишга йўналтириш лозим бўлади. Акс ҳолда экотуризмнинг табиий туризмдан фарқи қолмайди;
- бузилган табиат унсурлари ва уларнинг компонентларини тиклаш масаласи қўйилмаган ёки бу ҳолат етарлича ифодаланмаган.

Экотуризмнинг умумий тушунчасидан келиб чиққан тарзда, унинг мазмунидаги қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш лозим. **Биринчидан жисмоний ва юридик шахслар** экотуризм субъекти ёки унинг қатнашчилари бўлиб чиқиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига биноан **жисмоний шахслар** тоифасига - муайян давлат фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар киради. Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасида эса барча фуқаролар, қандай фаолият билан шуғулланмасинлар, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, дейилган. Афсуски, жисмоний шахсларнинг туристик саёҳатлари стихияли равишда кечиб, муайян ташкилий ва бошқарув имкониятининг камлиги билан ажралиб туради. Маълумотларга қараганда¹ экологик туризм билан банд бўлган жисмоний шахслар юридик шахсларга нисбатан 3-4 баробар кўпроқ табиий атроф муҳитга зарар келтирар эканлар. Биргина АҚШнинг Луизиана штатида «эркин» ҳолдаги туристлар - жисмоний шахслар бир кунда табиатга 13-16 млн. долларлик талофат келтирмоқда. Экологик чора сифатида маҳаллий экологик бошқарув органлари жисмоний шахсларни «экологик сертификатлаш» ва «экологик суғурталаш»га мажбур этишни йўлга қўймоқдалар.

Юридик шахс - ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида экологик туризм билан шуғулланиш имкониятини берувчи мол-

¹ Отчет Межправительственной комиссии по туризму.-Гаага,1989.-123 с.

мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бера оладиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, қўйилган мажбуриятларини бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот, корхона, муассаса.

Юридик шахслар, жисмоний шахслардан фарқли равишда юридик мақомига кўра уюшган, махсус рухсатномага эга бўлган, баланс ва сметасида туризмга оид тегишли ҳаражатларни кўзда тутган, салбий экологик оқибатларга ўзининг мол-мулки билан жавоб бера оладиган ёки даъвогар бўла оладиган шахс ҳисобланилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат, нодавлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бошқариш ва тартибга солиш имконияти юқорилиги билан ажралиб турадиган экологик туризм қатнашчилари бўлиб, юридик шахслар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам келажакда махсус тайёргарликка ва жавобгарликка эга бўлган экологик йўналишдаги туристик ташкилотларни ривожлантириш халқаро ҳамжамият, давлат ва жамиятнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолади.

Ўзбекистонда халқаро Экосан жамғармаси қошида «Экосан-тур» маркази 2002 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. У барча давлат ва нодавлат органлари билан биргаликда Республикаимизнинг гўзал табиат масканларига саёҳатларни уюштириш, фуқароларимизни ўзга юрт табиати билан таништиришни мақсад қилиб қўйган. “Экосан-тур” халқаро маркази “Экотуризм ва барқарор ривожланиш” мавзусида давлат идоралари, шахсий туристик фирмалар ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида 2005 йил март ва 2006 йил июль ойларида Тошкент шаҳрида халқаро конференция ҳамда оммавий байрамларни ўтказди. Конференцияда келажакда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқилди ва уларни тегишли давлат органлари ҳамда туристик компанияларга мазкур тадбирларни амалга ошириш учун тақдим этилди.

Иккинчидан, экотуризм ўз мазмун ва моҳиятига кўра шахсларнинг турғун яшаб турган жойларидан муфйян (экологик) мақсадларни кўзлаган ҳолда ўзга табиий объект(жой ва маконга)га қилган саёҳатлари. Бу ўринда икки масалага аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ. Булар **саёҳатчи**, **сайёҳлик тушунчаси**. Кишиларнинг қандай ҳаракатлари айнан саёҳликка киради (Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида унга туризм деб таъриф берилган¹). *Киши саёҳатчи бўлиши учун доимий яшаш жойидан пул тўланадиган фаолият билан шугулланмаган ҳолда 24 соатдан 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга вақтинчалик яшаш жойига (мамлакатга) бориб келиши ёки у ерда камида бир тунни ўтказиши зарур². Экологик сайёҳлик - замонавий туризмнинг янги йўналишларидан бири бўлиб, охириги ўн йилликда бутун дунёда кенг миқёсда ривожланмоқда. Маълумотларга*

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: «ЎзМЭ давлат илмий нашр.», 2004, 7 – сон. 428 – б.

² Юридик энциклопедия. – Т.: «Шарқ», 2001. 457 – б.

караганда³ у сайёҳлик бозорининг 10-20% камраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2-3 мартаба юкори экан. Шунингдек, экотуризм атроф-муҳит муҳофазасининг самарали воситаси ва барқарор ривожланишнинг мустаҳкам «калити»дир. Экотуризм биринчи навбатда табиат билан бевосита мулоқотда бўлишга, унинг гўзаллигини ва салбий ҳодисаларини хис этишга, табиат қўйнида фаол дам олиш ва экотизимларни тиклаш инсон учун қанчалик катта аҳамият касб этишини англашга қаратилгандир.

Шундай қилиб экотуризм экологик фанлар тизимида турувчи мустақил фан соҳаси, ўқув курси ва иқтисодиёт тармоғи сифатида ривожланиб ва шаклланиб бормоқда, лекин унинг назарий асослари тўлиғича ишлаб чиқилмаган.

Назорат саволлари

- * *Нима учун табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш даркор ?*
- * *Экология нима ?*
- * *Президент Ислам Каримов асарларида экология ва туризм ҳақида нималар дейилган ?*
- * *Экологик туризмга изоҳ беринг .*
- * *Экотуризмнинг табиатни асраидаги роли нимада деб биласиз ?*
- * *Экологик саёҳатчилар кимлар?*
- * *Қайси тоифа экотуристларни тартибга солиш осон – жисмоний шахсларними ёки юридик шахсларними ?*

1.2. Экотуризмнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети

Умумэътироф этилишича экологиянинг мақсади – организмлар яшайдиган муҳитни уларнинг беҳатар яшаши ва эволюцион тарзда ривожланишини сақлаб қолиш, яъни экологик хавфсизликни таъминлаш. Ушбу мақсад экологиянинг барча тармоқлари орқали турли хил воситалар, усуллар ва йўллар воситасида таъминланади. Шунинг учун кўпгина халқаро, регионал, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказилаётган анжуман, тадбир, режа ва дастурларда экологик вазифалардан бири этиб экотуризмни ривожлантириш олинади.

Экотуризмнинг мақсади – *ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишларда оқилона фойдаланиш, уни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш..*

«Бугун, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, - XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча

³ Ердавлетов С.Р. География туризма: история, теория, методы, практика. – Алматы: «Изд КазНУ», 2000. - 336 с.

халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажакдаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир»¹.

Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш учун экологик жиҳатдан ривожланган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва миллий қонунчилик манбалари қуйидаги **вазифаларни бажаришни** талаб этади:

- *экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;*

- *аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;*

- *экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;*

- *экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;*

- *экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;*

- *экотуризм объектларнинг кадастрини ўтказиш ва уларни хар томонлама баҳолаш;*

- *экотуризм мониторингини юритиш ва истиқболни белгилашни йўлга қўйиш;*

- *миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;*

- *экотуризм билан шугулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фалоятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш;*

- *давлатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга юридик мақом бериш;*

- *экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларни яратиш;*

- *ҳуқуқбузарларга нисбатан иқтисодий жавобгарлик санкцияларини кучайтириш ва ҳ.к.*

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг энг муқобил йўлларида бири ҳисобланади. Шунинг учун олиш керакки, ҳозирда Ўзбекистонда сув ва ернинг тақчиллиги, уларни асраб авайлаш ҳақидаги матбуотда, илмий амалий тадбирларда, соҳага доир адабиётларда айтилаётган фикрлар ва телевидение орқали намойиш этилаётган кўрсатувлар хар доим ҳам кутилган натижаларга олиб келмаяпти. Шунинг учун бўлса керак доно халқимиз «Юз эшитгандан кўра бир бора кўрган авзал» дейди. Экотуризм орқали инсонлар ўзи ва ўзгалар яшаб келаётган атроф табиатни кўриб солиштиради, хулосалайди ва тегишли мустақил қарорлар қабул қиладилар. Уларни атрофдагилар билан муҳокама қиладилар, лўнда қилиб айтганда «бирини кўриб шукур қиладилар, бирини кўриб фикр қиладилар». Экологик туризм ҳам айнан фикрлайдиган

¹ Каримовнинг И.А.ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида 1998 йил 6 ноябрда сўзлаган нутқидан // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.-Т.: «Ўзбекистон», 1999. 193-206-б.

ва шукроналар билдирадиган экологик онгли ва маданиятли кишиларни тарбиялашга, туризмдан келган фойдани эса бузилаётган ёки бузилган табиий объектларни қайта тиклаш учун сарфлашга йўналтирувчи жуда улкан имкониятларга эга. Фақатгина ушбу ҳаракатлар илмий асосланган ва амалда текширилиб кўрилган тавсияларга таянган ҳолда амалга оширилиши, яъни янги фан соҳаси сифатида акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Экотуризм янги фан соҳаси бўлгани учун ҳам ҳанузгача унинг объектига нисбатан аниқ бир назарий асос яратилмаган. Назария эса унинг объектини аниқлаштириб олишдан бошланади. Экотуризм ҳам бундан мустасно эмас.

Фанда объект (лотинча object – нарса) деб субъект (тадқиқотчи, изланувчи, ўрганувчи)нинг билиш ва амалий фаолиятига қарама-қарши турадиган объектив реаллик – нарса,¹ яъни бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўлувчи ташқи дунё, моддий борлиқ, демакдир². Экотуризм объектига нисбатан турлича дунёқарашлар мавжуд ва уни биз ўз тадқиқотларимизда таҳлил ва синтез қилиб кўрамиз.

М.И.Егоренковнинг (2003) фикрича ландшафт минтақаси экотизимлари – совуқ арктик саҳролар ва тундра, мўътадил иқлим минтақалари, дашт ва прериялар, чўл ва саҳролар, саванна ва сийрак ўрмонлар, нам тропик ўрмонлар, океан ва денгизлар ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар экотуризм объекти бўла олади. Экотуризм объектига нисбатан билдирилган ушбу таъриф жуда умумлаштирилган. Чунки, биринчидан, табиий географик минтақалар экотизимлар эмас, балки табиий географик таснифланишдаги таксономик бирликлар ё геомажмуалар ёки геотизимлардир. Иккинчидан, экотизим экологиянинг, геомажмуа ёки геотизим эса геоэкологиянинг объекти бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, минтақадан пастки таксономик бирликлар ҳам экотуристик объект бўла олади (А.Нигматов, Н.Шомуротова, 2005, 2006).

Бутунжаҳон туристик ташкилоти экотуризм объекти муайян давлатларда инсонларни туризм нуқтаи назаридан қизиқтира оладиган табиат сифатида изоҳлайди. Лекин унда инсонларни аниқ бир билиш ёки амалий фаолиятида қўллаш мумкин бўлган объектив реаллик нарсанинг ўзи аниқ килиб кўрсатилмаган.

Турли туристик ташкилотларнинг туризм бўйича сайтларида (Rambler, Yahoo, Mail...провайдерларида берилган) экотуризмнинг объекти сифатида экзотик ўсимлик дунёси мажмуалари, ёки биоценозлар (тропик ўрмонлар, гуллаган ёзги тундра, баҳорги чўл), ноёб ландшафтлар, ёввойи муқим ёки кўчиб юрадиган қушлар олинган. Уларда экотуристик объектга нисбатан аниқ бир тушунча ёки таснифий белги кўрсатилмаган. Антропоген ўзгарган ёки инқирозли ҳолатдаги ҳудудлар (Орол ва Оролбўйи каби жойлар) экотуризм объектига кирмай қолган. Худди шундай ёндошув Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи ва Бутунжаҳон ёввойи табиат

¹ Фалсафа. Комусий луғат-Т.: “Шарқ”, 2004. – 309 -б.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд.-Т.: «ЎзМЭ давлат илмий нашриёти», 2003. – 441 -б.

жамғармаси (WWF) томонидан ҳам билдирилган. Улар нисбатан антропоген таъсир доирасида турмаган табиатни экотуристтик объект деб ҳисоблашади.

С.Р.Ердавлетов (2000) "Туризм географияси"нинг объекти – туризм эканлигини эътироф этади. Туризм бу объектив борлиқ ёки нарса эмас, балки инсон фаолияти, яъни ижтимоий муносабатнинг бир туридир.

В.В.Храбовченко (2003) ва Ю.А.Штюрмер (1974) экотуризм объектига нисбатан икки хил ёндашишган, биринчиси, инсон фаолиятидан сақланган ва иккинчиси, у томонидан маданийлаштирилган ёки маданийлаштирилмаган атроф муҳит, деб олган. Маданий атроф - муҳит инсонларнинг хўжалик фаолияти учун табиатан ноқулай ҳудудларнинг (табиат объектларининг) улар томонидан яхшиланиши ва ўзига мослаштириши. Бунга Чотқол тоғ-ўрмон мелиоратив тажриба станцияси (Тошкент вилояти), Омонқўтон тоғ-ўрмон буюртма қўриқхонаси (Самарқанд вилояти), ўзлаштирилган Шеробод, Мирзачўл ёки Қарши чўллари мисол бўла олади.

Халқаро экотуризм ташкилоти (TIES) экотуристтик объектга атроф муҳитни сақловчи табиат зоналари ва областларини киритади. Канаданинг Атроф - муҳит бўйича маслаҳат кенгаши эса экотуристтик объект – маҳаллий атроф - табиат, дея эътироф қилишади. Италияда экотуризм объекти агротуризмнинг бир бўлаги сифатида қаралади ва шунинг учун ҳам агротуризм экотуризм билан баргаликда олиб борилади (В.В.Храбовченко).

Экосан халқаро ташкилотининг "EKOSAN-TUR" бўлинмасининг 2004-2006 йилларда чоп этган барча буклетларида табиий туризм, тарихий туризм, диний туризм билан экотуризм объектилари аралаштириб юборилган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики экотуризм объектига нисбатан аниқ бир фикр йўқ. Бу табиий ҳол, чунки экотуризм тез сураатларида ривожланиб келаётган, лекин ҳанузгача шаклланмаган туризм туридир.

Биз фалсафада фан объектига нисбатан берилган таърифни ҳамда туризмга қўйиладиган талабларни маъқуллаб, улардан экотуризм объектини аниқлаштиришда фойдаланган тарзда қуйидаги хулосаларга келдик. **Экотуризм объекти** сифатида сайёҳларнинг ўзлари яшамайдиган, туризм уюштирилиши мумкин бўлган ва уларнинг онгига боғлиқ бўлмаган объектив борлиқ:

табиат компонент(унсур)лари;

табиий тизим(система)лар;

табиат мажмуа(комплекс)ларини олиш мумкин.

Ушбу табиат объектилари икки кўринишда намоён бўлади:

1. Кишилар фаолияти томонидан нисбатан тегилмаган ёки антропоген ўзгармаган, яъни табиий хосса ва хусусиятларини йўқотиб қўймаган:

табиат компонентлари – табиат ёдгорликлари (шаршаралар, ғорлар, ноёб дарахтлар ва уларнинг композициялари, ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва унинг топилмалари, ўзига хос шаклдаги тошлар...);

табиат мажмуалари – табиат резерватлари, биосфера қўриқхоналари, қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, миллий табиий боғлар каби давлатнинг алоҳида эътибори билан «мутлак» равишда қўриқланадиган ер юзаси ҳудудлари ва сув акваториялари...);

табиий тизимлар – ўрмонлар, тоғ чўккилари, турли ландшафтлар ёки гидрографик объектлар кабилар киритилади.

2. Кишилар фаолияти (антропоген) ёки табиий жараён ва ходисалар (офатлар) натижасида ўзгарган ёки яратилган:

табиат компонентлари – сунъий яратилган шаршаралар, ғорлар, қўлга ўргатилган ёввойи ҳайвонлар, иқлимлаштирилган ёввойи турдаги ўсимлик дунёси ...;

табиат мажмуалари – дендрологик боғлар, ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, аквариумлар...;

табиат тизимлари – сунъий сув иншоотлари ва акваториялари, маданийлашган ландшафтлар...кабилар киради (2-расм).

Ўзбекистонда буларга уч юздан зиёд гидрографик объектлар, қарғишлар, техноген бузилган ерлар, кесилган ва ёқилган ўрмонлар, жарликлар, сурилмалар, ўпқонларни мисол қилиб олиш мумкин. Бу ўринда энг йирик

миллий антропоген ўзгарган экотуризм объекти сифатида Орол денгизи ва унинг атрофидаги бузилган ҳудудларни яна бир бор эслаб ўтиш лозим.

Умуман олганда, экотуризмнинг объекти бўлиши учун ҳар бир сайёҳлик объекти қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

√ *организмлар муайян яшаш макони ёки жойи бўлиши, яъни биосфера доирасидан чиқиб кетмаслиги;*

√ *табиий келиб чиқиши бўйича антропоген ўзгарган ёки ўзгармаганлиги;*


√ *табиат қўйида саёҳларнинг 24 соатдан ортиқ бўлиши ёки тунаб қолиши имкониятининг мавжудлиги;*

√ *эко-тизимлардаги модда ва энергия алмашувида қатнашаётган бўлиши.*

Шундай қилиб, ***эко-туризм объекти*** – экологик мақсадда сайёҳлик уюштирилиши имкониятига эга бўлган табиат компонент(унсур)лари, табиий тизим(система)лар, табиат мажмуа(комплекс)лари. У инсон онгига боғлиқ бўлмаган тарзда келиб чиққан, ривожланади ва шаклланади. Лекин табиат фан-техника ютуқлари билан қуролланган инсон томонидан ўзгартирилиши, яъни маданийлашиши ёки ёмонлашуви мумкин. Афсуски, кейинги икки аср давомида қўпинча экотуризм объекти ёмон томонга қараб юз тутмоқда (Минг йиллик маъруза, Тошкент 2002).

Фанда тадқиқот предмети инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектлар дунёсидан ажратиб қаралган маълум яхлитликни ифодаловчи тушунча. Предмет энг муҳим белги ва хусусиятларни ифода қилади (Фалсафа. Қомусий луғат, 335-б.). Фан борлиқни илмий билиш фаолияти экан (Н.Шермухамедова, 2005), тадқиқот предмети объектни илмий билишга қаратилган фаолият йўналишидир (А.Нигматов, 2006).

Бизнинг ҳолатимизда *экотуризм предмети* – *экотуристик объектнинг туристик имкониятларини экологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, яъни экологик хусусиятдаги сайёҳлик*. Бу туризм субъектларини табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва уни асраш, бузилган табиат



2-расм. Экотуристик объектлар.

тизимлари ва комплексларини қайта тиклаш, табиат унсурларидан оқилона ва самарали фойдаланишга йўналтиришни ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш демакдир.

XX асрнинг 80-йилларида СССР Халқаро ёшлар туризм бюроси “Спутник” экотуризм предмети – атроф муҳитга минимал даражада таъсир этиш ва сайёҳнинг экологик маданиятини шакллантириш, деб ҳисоблаган. Бундай амалий фаолият, тадқиқот эмас предмет сифатида қаралган.

Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов, Е.В.Клименко (1997) экотуризмни тадқиқот предметини атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган илмий билиш жараёни деб билганлар.

Халқаро экотуризм ташкилоти (TIES) Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва маҳаллий аҳолининг фаровонлигини сақлаш экотуризм предмети бўла олади дейди. Канада атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Маслаҳат кенгаши табиатни ўрганиш ва маҳаллий аҳолининг ҳошиш-иродасини инobatга олувчи экотуризмни сақлашга қаратилган тадқиқот дейди. Ушбу фикрни В.В.Храбавченко (2003) ҳам маъқуллайди. М.И.Егоренко (2003) экотуризм предметига экотуристлик объектларга экологик таълим, тарғибот, тарбия масаласига қаратилган амалий ва илмий фаолият деб қарайди. У экотуризмни кўпроқ ўқув предмети сифатида тадқиқ қилган.

С.Р.Ердавлетов (2000) туризмни географ томонидан тадқиқ қилинадиган бўлса, уларнинг билиш предмети кўпроқ маконда юз бераётган туристик ходиса, воқеа ва жараёнларга ўз эътиборларини қаратишлари лозим, дея таъкидлайди. Туризм предметида, у қандай турларга ажратилмасин, сайёҳликнинг ижтимоий, иқтисодий, табиий, техник томонларини кўпроқ тадқиқ қилиш керак дейди. Туризм географияси реал табиий, иқтисодий, ижтимоий ҳолатни инobatга олган тарзда сайёҳлик ҳаракатини бошқаришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиши лозим деган дунёқарашга биз географ сифатида қўшилма олмаймиз, чунки география тадқиқот объектига нисбатан нафақат маконан, балки даврий ва мажмуали ёндашувларни ҳам тадқиқот предмети қилиб олади (А.Нигматов, 2006). Улардан ташқари туризм географияси предмети фақатгина илмий асосини эмас, балки амалий жиҳатларини ҳам ўрганиши лозим. У нафақат бошқарув, балки баҳолаш, мониторинг олиб бориш, тартибга солиш, башоратлаш каби бошқарувга ёрдам берувчи билиш жараёнини ҳам камраб олса фойдадан холи бўлмайди. Чунки экология, география сингари даврийлик хусусиятларини ўз тадқиқот предметига киритади (Д.Л.Арманд, 1973).

Экотуризм экологик ижтимоий муносабатлардан бири экан, экотуризм предметида туристларнинг уч фаолият турини тадқиқ қилиши ва уларга амалий кўрсатмалар бериши лозим:

- √ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- √ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- √ бузилган табиат мажмуалари ва тизимларини қайта тиклаш.

Бу уч тадқиқот предмети бир мақсадни, яъни глобал, регионал, миллий ва маҳаллий миқёсда экологик ҳавфсизлик ва барқарор

ривожланишни таъминлашга эътибор қаратишни талаб этади. Ушбу аксиома экологиянинг барча соғаларига хос бўлган тадқиқот предметиدير. Акс ҳолда ушбу инсон фаолияти экологик характерга эга бўлмайди.

Назорат саволлари

- * *Экотуризмнинг мақсади нимадан иборат ?*
- * *Экологик хавфсизликни таъминлаш учун қандай вазифаларни бажариши лозим бўлади?*
- * *Экотуризмнинг объекти қандай талабларга жавоб бериши лозим?*
- * *Экотуризм объектига изоҳ беринг.*
- * *Экотуризм предмети нима?*
- * *Қандай ижтимоий муносабатлар экотуризм предмети бўла олади ?*

1.3. Экотурларнинг таснифланиши (классификацияси)

Фан ўзи классификациядан (лотинча "classis" – даража, тасниф), яъни даражаланиш, тўғрироғи таснифланишдан иборатдир, - деган эди буюк рус кимёгари Д.И.Менделеев. У бир туркум ичидаги нарса(объект)ларнинг бир - бирига ўхшашлигига ва бошқа туркимдаги нарсалардан фарқ қилишига қараб, уларни туркумларга ажратган. Менделеев ўз “Элементларнинг даврий тизими”да уларни атом оғирлиги, кимёвий сифатлари каби кўрсаткичларига қараб жойлаштириб чиққан.

Туризм объекти, улардан фойдаланиш усуллари, сайёҳларнинг ёши, касби, қизиқиши, саломатлиги, маршрутларининг узоқ ёки яқинлиги, оғирлиги ва моддий қийматига қараб мутахассислар турлича таснифлаш ишларини олиб борганлар. Замонавий туризмни таснифлашда,- деб таъкидлайди қозоқистонлик олим С.Р.Ердавлетов (2000), куйидаги омилларга эътибор қаратишимиз лозим:

- > бўш вақтнинг борлиги ва давомийлиги;
- > саёҳатчиларнинг ёши, жинси, саломатлиги, маънавий-маданий ривожланганлиги, шахсий ҳоҳиш ва моддий танланганлиги;
- > табиий шароитнинг хилма-хиллиги ва мавсумийлиги;
- > ҳаракат қилиш воситасининг борлиги ва ҳ.к.

Туризмнинг мақсади, шароити, йўналиши ва кўламига қараб улар шакл, синф(класс), тур ва кўринишларга ажратилади (Ердавлетов,). Жамиятдаги функцияси ва технологиясига қараб туризм соғломлаштириш, дам олиш, табиий, диний, спорт, даволаш, билиш, ўрганиш каби инсонларнинг жисмоний ва маънавий тикланиш ҳамда ривожланиш мақсадлари учун хизмат қилади. Бу давлатнинг ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларидан бири ва муҳим ички сиёсатидир.

А.С.Солиев ва М.Р.Усмонов (2005) Самарқанд вилояти мисолида туризмни икки – ички(маҳаллий) ва ташқи(халқаро) турга ажратадилар. Турларни эса касбий, спорт, соғломлаштириш, соғлиқни тиклаш, диний, танишув саёҳат кўринишларини ажратадилар. Афсуски улар табиий ёки

экотуризмни мустақил туризм сифатида ажратмайдилар. Лекин тадқиқотчилар туризмнинг географик ва экологик жиҳатларига алоҳида урғу берадилар.

Туризм, хусусан экотуристик таснифлашдаги дунё тажрибаси бизларга ҳам ўзига хос таснифлаш тизимини таклиф қилишга асос бўлди. С.П.Ердавлетов (2000) айтишича, таснифлашни ягона иерархик боғлиқликда, реал ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, табиий, экологик шароитларни инобатга олган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир фанни ёки амалий йўналишни таснифлаш ўта муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки айнан таснифлаш орқали ҳар қандай инсон фаолияти бирор мазмун ва моҳият касб этади. Экотуризм ҳам бундан истисно эмас. Одатда экотуризмни унинг турли кўрсаткичларига қараб таснифлаш амалга оширилади. Масалан экотуризм экотурларда қатнашувчи сайёҳларнинг ижтимоий ҳолати ёки ёши, экологик сайёҳликнинг давомийлиги ёки мавсумийлиги, сайёҳатчиларнинг қаердан келганлиги, мақсади ёки экологик онги ва маданияти каби ўнлаб кўрсаткичлар асосида таснифланиши мумкин. Экотуристик таснифлашда қайси бир таснифлаш омили ёки кўрсаткичининг олиниши таснифловчининг мақсади ва вазифаси, касбий маҳорати, билим даражаси, ижтимоий-иқтисодий имкониятидан келиб чиққан тарзда амалга оширилади.

Кўриқланадиган ёввойи табиат чегарасидаги экотурлар давлатнинг алоҳида эътибори билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни инобатга олади. Янги таҳрирдаги, 2004 йилда қабул қилинган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ уларга – миллий боғлар, кўриқхоналар, буюртма кўриқхоналар, резерватлар, экологик марказлар, сувларни муҳофаза этиш зоналари, алоҳида бир ўзига хос кўринишга эга бўлган табиат ёдгорликлари (антиқа шаклдаги тошлар, шаршаралар, улкан дарахтлар, ноёб нодир тошлар ва ҳ.к.), ноёб эндемик тарздаги ландшафтлар каби табиий ҳудуд ҳамда табиий объектлар киритилган. Ҳудудларни иккига бўлиб синфларга ажартишнинг сабаби муайян турдаги ҳавонот дунёси яшайдиган ва озикланадиган ёки ўсимлик дунёси тарқалган ареални сақлаб қолиш мақсадида буфер тегралари, яъни кўриқланадиган ҳудудларнинг атрофидаги табиий зоналар белгиланади.

Мазкур ҳудудларни ифодалашда “ёввойи” сўзини ишлатиш бизнингча ўринли эмас. Чунки, биринчидан, ёввойи табиат бўлмади ёки уни шундай аташ фанда қабул қилинмаган. Тўғрироғи табиий ҳолда сақланиб қолган атроф муҳит, ҳудудлар ёки минтақалар деб атаган маъқул. Иккинчидан, соф ҳолда ёввойи табиат Арктиканинг ўта совуқ ҳудудларида ҳам, Амазонканинг қалин чакалакзорли ўрмонларида ҳам деярли сақланиб қолмаган. Улар озми кўпми антропоген таъсирга учраган.

1-2 – синфдаги экотуризмга қуруқликдаги ҳудудлар билан бир қаторда кўриқланадиган ёки кўриқланмайдиган сув акваториялари ҳам киради. Умуман олганда, экотуристик синфларни ажратишда бу экотур “Австралияча” ёки “Шимолий америкача” модел деб ажратиш одат тусига кириб қолган. Чунки экотуристик синфларнинг чегарасини белгилаб чиқиш

ёки уларда олиб бориладиган экотурларнинг мазмун-моҳияти бевосита минтакавий ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Маданий ландшафтлардаги экотурлар сақланиб қолган табиатдагисидан кескин фарқ қилади. Ушбу синфдаги сайёҳлик кўпгина ҳолларда бошқа турдаги туризм билан биргаликда кўшиб олиб борилади. Қадимий шаҳар ва унинг атрофида тарихий туризм билан, қишлоқ хўжалиги кенг тарқалган ва ривожланган ҳудудларда агротуризм билан биргаликда олиб борилади (буни кейинги мавзуларда ёритилган Италиядаги “Агроэкотуризм” мисолида кўриб чиқиш мумкин). Бу синфга туризмнинг экологияга йўналтирилган жуда кўп тармоғини киритиш мумкин. Масалан «Италияча агроэкотуризм», “Немисча самолётдаги экотуризм” моделларини айтиб ўтиш кифоя.

Маданий ландшафтларни кўпгина ҳолларда маданийлаштирилган ландшафтлар деб ҳам атайдилар. Туризм соҳасидаги таълимда уни оддий ва содда қилиб маданий ландшафтлар ёки ҳудудлар деб атаган маъқул. Чунки ҳудудлар ёки ландшафтлар ё маданийлашган ёки маданийлашмаган бўлади. Албатта, уларни маданийлашиш даражасига қараб яна синфларга ёки гуруҳларга ажратиш мумкин. Лекин бундай таснифлаш синфга нисбатан кўйроқ таксономик (таснифлаш) даражада амалга оширилади.

Экотуризмни кўринишлари бўйича классларга ажратишда уларнинг мақсади ва саёҳат олиб бориладиган объектига қараб таснифланади.

Экотурларни мақсадига кўра:

- *“Ёввойи” ёки “маданий” табиатни кузатиш ва ўрганиш (экологик таълим ва тарбия элементлари билан бирга);*
- *атроф табиий муҳитда эмоционал ва эстетик жиҳатдан дам олиш;*
- *табиий омиллар билан даволаниш;*
- *спорт билан шугулланиш ва саргузашт каби турларга ажратилади.*

Экотурлар объектига кўра:

- *ботаник, зоологик, геологик, географик ва шу кабилар;*
- *экологик-этнографик, археологик, экологик-маданий;*
- *агроэкотур ёки агротур;*
- *спелеологик, сув, тоғ ва шу кабиларга ажратилади.*

Ваҳоланки, юқорида мақсад ва объектига кўра ажратилган синфлар ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисидан келиб чиқади. Лекин, амалда экотурларни ташкил этувчи шахслар уларнинг энг асосий турларини танлаб олиб, ташкилий – бошқарув масалаларини муайян турга қаратиши лозим. Масалан, АҚШ экотуризм агентлиги томонидан келтирилган 1998 йил учун статистик маълумотларга кўра 48% америкалик туристлар ўзларининг таътилларини табиатга йўналтирилган туризм орқали ўтказишни маъқул деб билдилар. Миллий экотурларнинг аксарият қисми миллий боғлар ва шу каби алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларга ташриф буюриш орқали режалаштирилган.

Экотуризмнинг шаклларига кўра мутахассислар экотур катнашчиларининг ёши ва саломатлигига асосий кўрсаткич сифатида қарамоқдалар. Чунки табиат инжиқликлари ва ноқулай туристик шароитлар сайёҳларнинг уларга қарши туриш қобилиятига қараб таснифлашга мажбур этади. Ҳеч қачон мактаб ёшидаги болаларни экстремал экотурларга, саломатлиги ёмон бўлган кексаларни баланд тоғ экотурларига қўйиб бўлмайди, кўриқхонларда эса катта-катта гуруҳларга бўлинмайди. Шунинг учун ҳам туризмда, айниқса экотуризмда экологик хавфсизлик деган тушунча мавжуд ва у экотур ўтказишнинг асосий талабларидан ҳисобланилади.

В.В.Храбовченко (2003) экотуризм ва экотурларни таснифлашда оддийгина қилиб 4 та кўринишини ажратган – илмий, табиий-тарихий, саргузашт, табиий резерватларга қилинадиган саёҳат. Афсуски у экотуристтик таснифланишга бир томонлама ёндош□□в эътиборга олинмаган, яъни иерархик супасимон ва ўзаро тизимлашган кўринишда ифодаламаган.

Экотуристтик таснифлаш – экотурларнинг муайян бир кўрсаткичларига кўра уларни тизимли даражалаш ёки туркумлаш.

Экотуристтик таснифлашда, дунё тажрибасидан келиб чиққан тарзда, уларни экотурлар бўйича амалга ошириб, қўйидагича иерархик қисмларга ажратиш маъқул: шакл → синф → тур → кўриниш → гуруҳ → даража (3 расм).

Иерархик поғоналар	Шакл	Синф	Тур	Кўриниш	Гуруҳ	Даража
I	Экотуризм предметиға кўра					
II		Экотуризм объектиға кўра				
III			Экотуризм туриға кўра			
IV				Экотуризм воситасиға кўра		
V					Иштирокчиларға кўра	
VI						Иштирокчиларнинг иқтисодий имконтяларига кўра

3-расм. Экотуризмнинг иерархик (поғонали) таснифланиши.

Экотурларнинг энг юқори таксономик бирлиги - шаклида миллий ва халқаро туризмни ажратиш шарт эмас деб ўйлаймиз. Чунки улар умумий туризмнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади. Экотуризмнинг предметидан келиб чиқиб экотурларни шаклан учга ажратамиз (1-жадвал):

1. Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экотурлар. Кишилар фаолияти томонидан нисбатан тегилмаган ёки антропоген ўзгармаган, давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида эътибори билан

1-жадвал. Таснифий қатордаги экотурлар.

Иерархик босқич	Таснифий қаторлар	Экотурлар
I.	Шакл	<ol style="list-style-type: none"> 1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экотурлар. 2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган экотурлар. 3. Бузилган табиат ёдгорликлари, мужмуалари ва тизимларини қайта тиклашга қаратилган экотурлар.
II.	Синф	<ol style="list-style-type: none"> 1. Табиат компонентларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган экотурлар; 2. Табиий тизимларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган экотурлар; 3. Табиат мажмуа(комплекс)лар муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган экотурлар.
III.	Тур	<ol style="list-style-type: none"> 1. Экстремал экотурлар; 2. Илмий экотурлар; 3. Рекреацион экотурлар; 4. Даволаниш экотурлари; 5. Маърифий-маънавий экотурлар; 6. Спорт экотурлар ва ҳ.к.;
IV.	Кўриниш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Рафтинг экотурлар; 2. Велосипед экотурлар; 3. Отлардаги экотурлар; 4. Пиёда (яёв) экотурлар; 5. Самолет ва верталётдаги экотурлар; 6. Шарлардаги экотурлар; 7. Буғи ёки итлар қўшилган аравадаги экотурлар; 8. Чанғидаги экотурлар;

		<ul style="list-style-type: none"> 9. Ўргатилган ёввойи ҳайвонлардаги экотурлар; 10. Кемадаги экотурлар; 11. Уй ҳайвонлардаги экотурлар; 12. Каноя ёки қайиқдаги экотурлар; 13. Сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурлар 14. Маҳаллий аҳолининг муайян табиий шароитга мосланган усуллари қўллаган экотурлар ва ҳ.к.
V.	<i>Гуруҳ</i>	<ul style="list-style-type: none"> 1. Мактаб ёшдаги болалар учун муўлжалланган экотурлар; 2. Талабалар учун муўлжалланган экотурлар; 3. Илмий тадқиқотчилар учун муўлжалланган экотурлар; 4. Тадбиркорлар учун муўлжалланган экотурлар; 5. Ногиронлар учун муўлжалланган экотурлар; 6. Қариялар учун муўлжалланган экотурлар; 7. Оилалар учун муўлжалланган экотурлар; 8. Раҳбар ходимлар учун муўлжалланган экотурлар; 9. Аёллар учун муўлжалланган экотурлар; 10. Эркаклар учун муўлжалланган экотурлар ва ҳ.к.;
VI.	<i>Даража</i>	<ul style="list-style-type: none"> 1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг экотурлари; 2. Ўртача таъминланган аҳоли учун экотурлар; 3. Юқори даражада таъминланган аҳоли учун экотурлар; 4. Кам таъминланган аҳоли учун экотурлар ва ҳ.к.

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларга қилинадиган саёҳат. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунида акс эттирилган объектлар – кўриқхона, резерват, буюртма кўриқхона, табиат ёдгорликлари.

2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган экотурлар. Кишиларнинг хўжалик фаолияти турган экотуристлик объектлар бўйича ўтказиладиган экотурлар. Улар кўпинча бошқа турдаги (агро, диний, тарихий) туризм билан биргаликда олиб борилади.

3. Бузилган табиат мужмуалари ва тизимларини қайта тиклашга қаратилган экотурлар. Антропоген ёки табиий жараён ва ходисалар натижасида ўзгарган экотуризм объектларига уюштириладиган экотурлар. Жигаристон сурилмаси, Бўзсув жарлари, Катрин сунамийси вайрон этган АҚШнинг жанубий штатлари, Орол ва Оролбўйи, Чад кўли, Чернобил АЭС зонаси, Семипалатинск полигони, Турсунзода алюмин заводи таъсир этувчи минтақалар кабиларга қилинадиган экотурлар (4-жадвал).

Экотур шакллари ўз навбатида синфларга ажратилади. Синфларни уч экотуристлик ижтимоий муносабат предмети қайси бир экотуристлик объектга қаратилганига қараб фарқлаймиз:

1. Табиат компонент(унсур)ларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга оид экотурлар;

2. Табиий тизим(система)ларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга оид экотурлар;

3. Табиат мажмуа(комплекс)ларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашга оид экотурлар.

Экотурнинг функционал таснифланишидаги 3-босқич (қатор) бевосита унинг аниқ бир туризм турига бориб тақалади:

- 1.Экстремал экотурлар;
- 2.Илмий экотурлар;
- 3.Рекреацион экотурлар;
- 4.Даволонаш экотурлар;
- 5.Маърифий-маънавий экотурлар;
- 6.Спорт экотурлар ва ҳ.к;

Экотуристлик сайёҳликни қайси воситалар орқали амалга оширилишига, яъни аниқ бир кўринишига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1.Рафтинг экотурлар;
- 2.Велосипед экотурлар;
- 3.Отлардаги экотурлар;
- 5.Самолёт ва вертолётдаги экотурлар;
- 6.Шарлардаги экотурлар;
- 7.Буғу ёки итлар қўшилган аравадаги экотурлар;
- 8.Чанғидаги экотурлар;
- 9.Ўргатилган ёввойи ҳайвонлардаги экотурлар;
- 10.Кема экотурлари;
- 11.Уй ҳайвонларида экотурлар;
- 12.Каное ёки қайиқдаги экотурлар;
- 13.Сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурлар;
- 14.Маҳаллий аҳолининг муайян табиий шароитга мосланган

усулларини қўлланган экотурлар ва ҳ.к.

Экотурлар юқорида санаб ўтилган таксономик бирликларининг мазмун ва моҳиятига кўра сайёҳларнинг ёши, ижтимоий ҳолати, саломатлиги, қизиқишлари, иқтисодий аҳволи каби гуруҳларга ажратилади:

- 1.Мактаб ёшидаги болалар учун экотурлар;
- 2.Талабалар учун экотурлар;
- 3.Илмий тадқиқотчилар учун экотурлар;
- 4.Тадбиркорлар учун экотурлар;
- 5.Ногиронлар учун мўлжалланган экотурлар;
- 6.Кексалар учун мўлжалланган экотурлар;
- 7.Оилалар учун мўлжалланган экотурлар;
- 8.Раҳбар ходимлар учун экотурлар;
- 9.Аёллар учун экотурлар;
- 10.Эркалар учун экотурлар ва ҳ.к.;

Экотуризм сайёҳларнинг иқтисодий имкониятларига кўра даражаланиши ҳам мумкин:

- 1.Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг экотурлари;

2. Ўртача моддий таъминланган аҳоли учун экотурлар;
3. Юқори даражада моддий таъминланган аҳоли учун экотурлар;
4. Кам таъминланган аҳоли учун экотурлар ва ҳ.к.;

Шундай қилиб экотуристтик таснифлаш экотурларнинг мақсади ва вазифаларига қараб турли таснифий белгиларга эга бўлиши мумкин. Уни таксономик бирликларга ажратишда бирор қатъий мезон ишлаб чиқилмаган. Ушбу келтирилган таснифлар илк бор назарий тарзда амалга оширилган, лекин яқуний бўлмаган тажрибадир. Экотуристтик таснифлаш реал имконият, шароит, ҳолатдан келиб чиққан тарзда турлича кўриниш ва шаклларни олиши мумкин. Унга глобал, регионал, миллий ва маҳаллий миқёсда қайта кўриб чиқиш ҳамда тегишли ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши табиий ҳолдир.

Экотуристтик таснифлаш илмий тадқиқотларни мақсадли йўналтириш, экотурларни режалаштириш ва олиб бориш, миллий ва халқаро миқёсда лойиҳа, дастур, режа ва ҳаттоки, тегишли қонуний меъёрларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Назорат саволлари

- * *Таснифлаш (классификация) нима ?*
- * *Экотурлар нима учун таснифланади?*
- * *Экотуристтик таснифлашда нималарга ёки сайёҳликнинг қандай белгиларига эътибор қаратилади ?*
- * *Экотурларни шакл ва синфлар бўйича таснифлаб беринг*
- * *Экотурларнинг тур ва кўринишлари бўйича қандай таснифлаш мумкин ?*
- * *Экотурлар қандай гуруҳ ва даражаларга ажратилади ?*

1.4. Экотуризмнинг ривожланиш тарихи

Гарчанд, экология ва унга тегишли фан тармоқлари фалсафа, математика, география, ҳуқуқ каби энг қадимий фанлар бўлиб ҳисобланмасда, улар кейинги 30-40 йил ичида жадал суръатларда ривожланиб ва шаклланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам унинг ривожланиш даврлари жуда катта бўлмаган босқичларни ўз ичига қамраб олади. Экотуризм экологиянинг мустақил фан тармоғи сифатида ундан ҳам қисқа муддатларда ривожланмоқда. Экотуризм нуктаи назаридан, у янги фан соҳаси бўлгани учун ҳам, даврий босқичларга ажратиш тажрибаси ҳозиргача ишлаб чиқилмаган.

Экотуристтик даврийлаш – экотуризмнинг тарихий ривожланиш босқичларини унинг муайян кўрсаткичларига кўра ажратиши..

Илмда ва амалиётда, одатда, муайян бир фан ёки фанлар тизими ҳамда амалиёт соҳасининг ривожланиш ёки шаклланиш босқичларини ажратаётганда қуйидаги кўрсаткичларга эътибор берилади:

√ *илм тармогининг мустақил фан ёки амалиёт тармоғи сифатида эътироф қилинганлик вақти ва уни жамоатчилик ҳамда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилиниш даври;*

√ *фаннинг янги босқичга кўтариллиши даври;*

√ *фаннинг фанлар тизимига айланиш даври;*

√ *фан ёки фанлар тизимнинг методологик асосларини қайтадан кўриб чиқиш даври;*

√ *тегишли фан йўналишида содир этилган илмий-технологик ўзгаришлар даври;*

√ *фандаги концептуал дунёқарашлар ўзгарган давр ва ҳ.к.;*


Туризм соҳасидаги адабиётларнинг таҳлили ва юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни инобатга олиб илк бор **экотуризм**нинг қуйида келтирилган **босқичлар**ни ажратиш тавсия этилади:

I. XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр – экотуризмнинг маҳаллий ва миллий мустақил туризм соҳаси сифатида юзага келиш даври.

II. 1990 – 2000 йиллар - туризмнинг регионал миқёсда, экотуризмнинг туризм индустрияси сифатида ривожланган даври.

III. 2000 йилдан кейинги босқич-глобал миқёсда экотуризмнинг ривожланиш даври (4-расм).

I. Экотуризмнинг мустақил туризм соҳаси сифатида юзага келиш даври. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Европанинг яхлит қитъасига инглиз туристлари маҳаллий аҳолининг маданияти, тарихини ўрганиш билан бир қаторда ажойиб табиатини кўриб кетиш учун саёҳат қилганлар. Чунки Альп тоғлари ландшафтлари ёки Карпатнинг тоғли ўрмонлари Англияда учрамаганлиги учун ҳам туризмнинг асосий объекти сифатида қаралган. Лекин ушбу туризм комплекс туристик маршрутлар билан кўшиб олиб борилган. Инглизларнинг табиат кўйнига қилинадиган сайёҳликка қизиқишини инобатга олиб Швейцариялик ишбилармонлар “Гранд-тур” таркибида табиий туризм хизматини ташкил этганлар ва у ташкилотчиларга жуда катта миқдорда молиявий фойда келтирган. Кўп



4-расм.. *Экотуризмнинг ривожланиш bosqichлари.*

ўтмай гранд-турлар табиат қўйнига қилинадиган саёхлик билан бир қаторда маҳаллий халқларнинг фольклорлари билан танишиш саёхлигини қўшиб олди. Чунки қадимдан шаклланиб келган маҳаллий халқ фольклори кўпинча жой табиатининг инъикоси эканлигини улар яхши билишар эдилар.

Айнан Швейцарияда биринчи бўлиб 1913 йилда минтакавий миқёсдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид конференция чақирилди ва тегишли хужжатлар қабул қилинди. Шу даврда Швейцарияда давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқланадиган табиий худудлар ажратилди. Қўриқхоналарга қилинадиган саёхат гарчанд экотуризм деб номланмаса-да, улар "табиатга йўналтирилган туризм" сифатида юзага кела бошлади. Табиат туризмига мисоллар қаторида кўпгина мамлакатларда амалга киритилган туристик маршрутларни киритиб бўлмайди. Масалан, 1872 йилда АҚШдаги

Йеллоустон миллий боғини ташкил этишдан мақсад табиат туризмини эмас, балки фуқароларнинг дам олиши ва ижодий фаолиятларини тиклашни уюштириш эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, туризм атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиий комплексларини қайта тиклашга йўналтирилган тақдирдагина экотуризм бўла олади. Бунда дам олиш, хордиқ чиқариш ёки инсонларнинг бирор рухий ёки жисмоний имкониятларини тиклаш иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади. Мазкур ғоя кишилик жамияти учун яқинда пайдо бўлган, деб бўлмайди. Бундан 2500 йил аввал Марказий Осиёда ҳукм сурган зардуштийликнинг “Авесто” китобида табиатга бўлган муносабатни, кишиларнинг қандай хўжалик фаолият юритишларидан қатъи назар, ёзма равишда чекланганлиги фикримизнинг яққол далили сифатида хизмат қилиши мумкин. Унга зарар келтириш Митра “худо”сига шак келтириш билан тенглаштирилган. Афсуски, жазо тариқасида қоидабузарларга нисбатан экотизимдаги захарли ёки ваҳший ҳайвонларни ўлдириш қўлланилган.¹

Альдо Лепольднинг машҳур “Ер этикаси”да: “Бир бутунликка, барқарорликка ва гўзалликка интилаётган ҳар бир жамоа ҳаёти - тўғри ва акс ҳаракатлар эса - нотўғри” деб битилган. Кишилик жамиятидаги бир бутунлик, барқарорлик, гўзаллик табиат билан бевосита боғланган ва шунинг учун ҳам фалсафий жиҳатдан экотуризмни оддий шаклда намоён этган.

Туризмнинг экологик йўналиши аслида XX асрнинг 70 - йилларидан бошланган. 1972 йилда Скандинавия мамлакатлари фуқаролари учун китларни томоша қилиш ва уларни ўрганиш мақсадида туристик маршрутлар уюштирилган. Ушбу туризмдан тушган маблағ китларни муҳофаза қилиш учун ишлатилгани ҳам экотуристтик маршрут сифатида эътироф этилган. Кейинчалик бундай туристик маршрутлар Европанинг бошқа мамлакатлари, Узоқ Шарқ, Шимолий Америка давлатларида ҳам уюштирила бошланди.

80-йиллар ўрталарида Россияда “Спутник” Халқаро ёшлар туризм бюроси Иркутск области маъмурияти билан биргаликда “Байкал атрофи темир йўли бўйича экотур”, “Голоуст дарё водийси бўйича экотур” ва шу каби йўналишларни ишлаб чиқди. Ўша даврдаги экотуристтик маршрутлар табиатга кам таъсир этган ҳолда дам олиш билан бир қаторда Байкал кўли муаммосини ҳал қилишга қаратилган таълим ва тарбия билан шуғулланишни мақсад қилиб олди. Бир пайтнинг ўзида экотуризм Иркутск қишлоқ хўжалик институти овчилик факультетида экологик ҳаракатлар билан бирга олиб борилди.

Собиқ иттифоқ даврида Байкал кўли атрофидаги экологик туризм тажрибаси Кавказ, Помир ва Болтиқбўйи ҳудудларига ҳам тарқалди. Лекин бу ҳудудларда экотурлардан келган фойдалар атроф - муҳит муҳофазасига йўналтирилмай, балки бошқа мақсадларга маблағ йиғиш ва айрим шахсларнинг бойиш манбаига айланди.

¹ **Авесто.** Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.

1977 - йилда собиқ Иттифоқда 9058 та туристик маршрутлар мавжуд бўлиб, улар мамлакатнинг кўпгина сайёҳлик районларини қамраб олган эди. 996 махсус туристик меҳмонахоналар, база ва кемпинглар ҳар йили 26 млн. туристни қабул қилиб, 140 млн. экскурсантларга хизмат кўрсатар эди. Замонавий туризмнинг экологик йўналиши XX асрнинг 80 – йиллари охирида ривожлана бошлади. Лекин китлар билан боғлиқ бўлган биринчи экотуристлик акция бундан 10 йил аввал ташкил этилган ва ҳайвонлар муҳофазасига қаратилган эди.

II. Экотуризмнинг регионал миқёсда туризм индустрияси сифатида ривожланган даври - 1990-2000 йилларни ўз ичига олади. 90-йилларнинг бошларида “Экологик туризм” халқаро, минтақавий ва миллий миқёсда расмий мақомга эга бўлди. Айнан шу йиллари Европада Халқаро экологик туризм иттифоқи иш бошлади.

Охирги вақтда барқарор риволаниш халқаро концепциясининг кенг миқёсда амалга татбиқ этилиши билан экологик барқарор туризмнинг роли янада ортиб бормоқда. Атроф - муҳит муҳофазаси соҳасида энг муҳим воқеа 1992 йил 3-14 июнь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Атроф - муҳит ва ривожланиш”га доир конференциясида қабул қилинган “XXI аср кун тартиби”да экотуризм ҳам барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳужжат ундан кейинги даврлардаги халқаро ҳаётда экотуризм нуқтаи назардан экологик – ижтимоий - иқтисодий масалалар доирасида бир қатор халқаро норматив ҳужжатлар қабул қилинишига сабаб бўлди:

- 1995 йилдаги Атроф - муҳит бўйича ЮНЕП дастури.
- 1995 йилда Лансаротда қабул қилинган “ЮНЕСКОнинг барқарор туризм хартияси”.
- 1997 йилда Осиё-Тинч океан минтақаси туризм ва табиат муҳофазаси вазирликларининг “Туризмнинг барқарор ривожланиш декларацияси”
- 1997 йилда "Биологик хилма-хиллик ва барқарор туризмга бағишланган Берлин декларацияси”
- 2000 йил ЮНЕП экологик барқарор туризм принциплари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман олганда XX асрнинг 90-йилларига келиб Европанинг бир қатор мамлакатларида, жумладан собиқ Иттифоқда ҳам “Экотуризм” атамаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. И.В.Зорин ва В.А.Квартальновларнинг экотуризм атамасининг талқини бирмунча оммалашди. Бу Россияда 1996 йилда Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) Узоқ Шарқда таркиб топиши билан бевосита боғлиқдир. WWF дастурининг бир қисми алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни таъминлаш билан боғланди.

Бизнинг мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб Джозиф Мак-Налти раҳбарлигида халқаро экспертлар гуруҳи “Ўзбекистон Республикасида туризмнинг барқарор ривожланиши дастури” бўйича тадқиқотлар олиб борди.

III. XXI аср - глобал миқёсда экотуризмнинг ривожланиш даври.

2001 йилда Россияда экологик туризм ассоциацияси ташкил этилди. 2002 йил БМТнинг атроф муҳит дастури (ЮНЕП) ва Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) ташаббуси билан “Халқаро экотуризм йили” деб эълон қилинди. Ана шу ташкилотлар ташаббуси билан экотуризм йилида Канада туристик комиссияси ҳамда Квебек шаҳрининг туристик бошқармаси ҳомийлигида Бутунжаҳон экотуристтик Саммити 2002 йил 19-22 май кунлари бўлиб ўтди. Унда 132 мамлакатдан давлат, нодавлат ва хусусий сектордан мингдан ошиқ вакиллар иштирок этдилар. Ушбу Саммит тегишли соҳада бир неча йилдан буён олиб борилган машаққатли тайёргарлик босқичларининг якуни бўлди. Квебек Саммити экотуризмни глобал миқёсида акс эттирувчи ҳамда янги туристик йўналишни тубдан янги йўсида бошлаш нуқтаси эди. У 2002 йил август-сентябр ойларида ўтказилган Бутунжаҳон барқарор ривожланиш Саммитидаги тегишли туристик йўналишдаги асосий тактик ва стратегик вазифаларни яқин ўн йилликкача аниқлаб берди. Саммитда қабул қилинган Декларация БМТга жўнатилди ва унинг мазмуни қуйидагидан иборат эди:

➤ *Эътироф этиладики*, экотуризм нафақат иқтисодий айирбошлаш, балки маҳаллий халқларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга ҳамда экотизимларнинг назоратини йўлга қўйиши билан бошқа туристик тизимларидан ажралиб туради. Шу билан бирга, экотуризм, ривожланган мамлакатлар учун ривожланаётган мамлакатлардаги қадриятларни тушуниш, экотизимлар муҳофазасини амалга ошириш ва барқарорлик принципларига амал қилишга чақиради.

➤ *Эътироф этиладики*, экологик туризм иштирокчиларига тегишли экологик маълумотларни етказиш туристик марказлар, тур операторлар, журналистлар ва ушбу жараёнда иштирок этаётган шахсларга боғлиқдир.

➤ *Тан олинадики*, экотуристтик жараёнда қатнашаётган истеъмолчилар ҳам, унинг таъминотчилари ҳам ирқий, жинсий ёки бошқа турдаги камситишларга йўл қўймасликлари зарур.

➤ *Эътироф этиладики*, экотуризмнинг шакли ёки ўтказиш модели ҳамда фаолият турини танлаш орқали улар ташриф этаётган тур марказлари ҳамда атроф - муҳитнинг барқарорлигини таъминлашда масъулдирлар.

Мазкур Квебек Декларацияси асосида ҳукуматлар, нодавлат ташкилотлари, хусусий сектор, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари, тадқиқот марказлари, ривожланишга ёрдам берувчи агентликлар, маҳаллий ва туб жамоалар учун қуйидаги мазмундаги тавсияномалар тайинланди:

Миллий, минтақавий ва маҳаллий бошқарув ҳокимиятига:

1. Миллий ва маҳаллий экотуристтик сиёсат ҳамда ривожланиш стратегиясини барқарор ривожланишнинг умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экотуристтик жараёнлар қатнашишлари билан бевосита ва билвосита кенг миқёсда маслаҳатлар асосида *ишлаб чиқиш*.

2. Маҳаллий жамоатчилик, хусусий сектор, нодавлат ташкилотлари ва бошқа экотуристтик жараён қатнашчилари билан ҳамкорликда табиатни

муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият, айниқса, урф-одатлар, генетик ресурслар, ерга ва сувга бўлган ҳуқуқлари ҳамда мулкчиликни *кафолатлаш*.

3. Экотуризм соҳасида қарорларни қабул қилишда ва экотурстик жараёнларни олиб боришда миллий, минтақавий, маҳаллий бошқарув органларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (зарур ҳолатда идоралараро ишчи гуруҳларни ташкил этиш), туристик жараёнларни ташкил этишдаги бошқа қатнашчиларнинг иштирокини таъминлаш. Мазкур мақсад ва вазифаларни амалга татбиқ қилиш учун адекват (альтернатив) тарздаги бюджетни ташкил қилиш ва тегишли қонунчилик тизимини яратиш...;

4. Юқорида қайд этилган тузилмага маҳаллий, минтақавий ва миллий миқёсда экотуризмни тартибга солиб турувчи ва унинг мониторингини олиб боровчи механизмни татбиқ қилиш...;

5. Халқаро даражада туристик маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган (халқаро транспорт инфраструктураси билан бирга) экологик сарф-ҳаражатларни халқаро миқёсида тақсимлаш механизмни ишлаб чиқиш...;

6. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда, буфер зоналари (муҳофаза теграларида) ҳамда экотуризм ривожланаётган ҳудудларда маҳаллий ва муниципал миқёсда бошқарув воситаларини ишлатиш учун зоналлаштириш ва ердан фойдаланиш режаларини фаоллаштириш...;

7. Барқарор экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган, халқаро миқёсда аниқлаштирилган ва тасдиқланган сертификацион схемалар, эко-ёрлиқлар, ихтиёрий ташаббуслардан фойдаланиш...;

8. Экотуризмнинг асоси бўлган микро, кичик ва ўрта туристик корхоналарни техник ва молиявий қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланиш мақсадида инсон ресурсларини ривожлантиришга ёрдам беришни таъминлаш....;

9. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга ташриф буюраётганлар сонининг мунтазам ўсиши, нозик экотизимлардан фойдаланишни барқарорлаштириш мақсадида тегишли сиёсат йўналишини, менежмент режаларини ва ташриф буюриш дастурларини ишлаб чиқиш;

10. Халқаро миқёсда ҳамда ички бозорда миллий туристик тармоқни бошқарув органлари маъмурияти томонидан амалга оширилаётган дастурларга кичик ва ўрта экотуристик компаниялар ҳамда туристик операторларни киритиш ва ҳоказо.

Миллий, минтақавий ва маҳаллий органларга Квебек Декларацияси орқали тавсия этилаётган кўрсатмалар 19 та бўлиб, улар деярли экотуризмнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Декларацияда *Хусусий сектор намоёндаларига* 14 та банддан иборат бўлган тавсияномалар тақдим этилади. Уларнинг аксарияти хусусий компаниялар, турсоператорлар ёки ташкилотларни экотуризмни ташкил этиш, уни бошқариш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш учун йўл - йўриқ кўрсатиб ўтади.

Квебек Декларациясида алоҳида кўрсатмалар **нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари ва илмий марказларга** ҳам берилган. Ушбу кўрсатмалар 4 та банддан иборат бўлиб, улар экотуризмнинг илмий ва техник асосини яратишга оид тадқиқотларни олиб бориш, ўзаро ва давлатлараро ҳамкорлик шартномаларини тузиш, илмий – техник ютуқларни экотуризмнинг ривожига йқналтирувчи кўрсатмалардир.

Хукуматлараро ташкилотлар, халқаро молиявий муассасасалар ва ривожланишга кўмаклашувчи агентликлар учун тавсияномалар Декларациянинг 37-44 моддаларини ўз ичига олади. Мазкур тавсияномаларда экотуризмнинг бошқа туристик турларидан фарқли хусусиятларини инобатга олган тарзда халқаро ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш, ижобий, миллий ва минтақавий экотуристлик ҳаракатларни кўллаб-қувватлаш, минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда халқаро стандартларни белгилаш, экотуристлик жамғармаларни тузиш ва уларни тақсимлаш механизмини яратиш каби тавсиялар берилган.

Маҳаллий ва туб халқлар жамоатчилигига Декларацияда келтирилган 44та моддада акс эттирилган ва уларга тегишли бўлмаган тавсияномалардан ташқари маҳаллий аҳоли имкониятлари, анъаналари, табиий ва ижтимоий ресурсларини инобатга олган ҳолда стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ қилиш принциплари кўрсатиб ўтилган.

Квебек Декларациясининг охириги 47-48 бандлари бевосита Йоханнесбургда бўлиб ўтадиган **Бутун жаҳон барқарор ривожланиш Саммитига йўналтирилган** бўлиб, унда қуйидаги тавсиялар акс эттирилади:

- Барқарор ривожланиш принципларини туризмга ҳам татбиқ этиш;
- Барқарор ривожланиш принципларида иқтосодий, ижтимоий ва экологик афзалликларга эришишда экотуризмнинг ролини кўрсатиб ўтиш.
- Барқарор ривожланиш Бутун жаҳон Саммитининг биринчи ва иккинчи тур натижаларига туризм, жумладан, экотуризмнинг аҳамиятини киритиш.

Саммитда экотуризмнинг ривожланиш принциплари - Квебек декларацияси қабул қилинди. Худди шу йили, яъни 26 август-4 сентябрь кунлари Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида БМТнинг “Барқарор ривожланиш” рукни остида Бутунжаҳон Саммити бўлиб ўтди. Ушбу Саммитда 2002 йилнинг “Халқаро экотуризм йили” “БМТнинг маданий мероси йили” натижалари умумлаштирилган тарзда экотуризмнинг барқарор ривожланишдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилди.

Халқаро миқёсда ривожланиб бораётган экотуризм Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. 2001 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғистон республикалари билан биргаликда ТАСИС дастури асосида “Ғарбий Тянь-Шанда биологик хилма-хилликни сақлаш” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ягона экологик давлатлараро тизимдаги ноёб тоғ табиатининг хилма-хил ва

бетакрор ландшафтларини сақлаб қолиш мақсадида ягона халқаро экологик резерват ташкил этишга қарор қилинди. Унда бир қатор алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва объектлар билан бирга экологик сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш учун моддий ва молиявий ресурслар ажратилди. Ҳозирги кунда юзлаб экотуристтик маршрутлар ушбу ҳудудда ишламоқда. 2004 йил 3 мартда эса Тошкент шаҳрида “Экотуризм ва барқарор ривожланиш” халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни халқаро Экосан жамғармаси ва унинг қошидаги экологик туризм маркази “Экосан-Тур” ташкил этди. Унда Марказий Осиёда маҳаллий, миллий ва регионал миқёсда барқарор ривожланиш учун экотуризмни юритиш муаммолари кўриб чиқилди. 2005 - 2006 йилларда Ўзбекистонда экотуризмга бағишланган ўнлаб учрашувлар, давра суҳбатлари, байрам кечалари, анжуманлар бўлиб ўтди, уларда экотуризмнинг маънавий, маърифий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятининг нечоқлик катта аҳамияти очиб берилди.

Назорат саволлари

- * Экотуризмнинг ривожланиш тарихини босқичларга ажратишда қандай кўрсаткичлар инобатга олинади ?*
- * Экологик сайёҳлик қачон ва қаерда пайдо бўлган ?*
- * XX асрнинг 90- йиллаиргача бўлган экотуристтик давр қанда й номланади ?*
- * Регионал миқёсдаги экотуризм нима ?*
- * 2000 йилдан кейинги босқичда қандай экологик сайёҳлик ривож топди ?*
- * Экотуризм йили ким томонидан тақлиф этилган ва қачон нишонланган ?*
- * Биологик хилма-хиллик ва барқарор туризмга бағишланган Берлин декларацияси қачон қабул қилинган ?*
- * Квебек Бутунжаҳон Саммити қачон бўлиб ўтган ва унда қандай ҳужжатлар қабул қилинган ?*

1.5. Экотуристтик дунёқарашлар тизими (концепциялар)

Биз экотуризмнинг ривожланиш босқичларини кўриб чиқдик. Лекин экотуристтик дунёқарашлар ҳамма жойда ҳам бир эмас. Чунки инсонларнинг табиатга нисбатан, хусусан экотуристтик саёҳликка бўлган дунёқарашлари, айниқса унинг тизими, уларнинг характерлари каби турлича бўлиши табиий ҳол. «Инсонларнинг дунёқарашлари, – деган эди Абу Наср Форобий, – уларнинг ташқи кўринишига ўхшаб турлича бўлади, фазилат уларнинг илмига, ҳаёт тарзига, яшаш муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир». Биз ҳам ўрта асрнинг буюк файласуф олими Форобийнинг фикрига қўшилган тарзда экотуристтик дунёқарашлар, яъни концепцияларни кўриб чиқамиз. Эколог олим, профессор Николай Феодорович Реймерс: «Экология кенг маънода инсонларнинг яшаб кетиши ҳақидаги таълимот», деб айтган эди. Чунки

инсонларнинг Ер куррасида яшаш муддати уларнинг экологик дунё-қарашларини амалга татбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади.

Экотуристик концепция – табиат ва туризмнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги қарашлар, яъни бу моддий дунёда сайёҳликнинг ўрни, аҳамияти, мазмуни ва моҳиятини акс эттирувчи дунёқарашлар тизими.

Жамият қонунлари – кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ёки бирон-бир объектга нисбатан (бизнинг ҳолатда табиатга нисбатан) муносабатини белгилайдиган ижтимоий меъёрлар йиғиндиси.

Табиат қонунлари – кишиларни ўраб турувчи табиий муҳитда кечаётган ходиса ва жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсунмайдиган ва кишилар фаолиятсиз ҳам намоён бўла оладиган ҳолати. Табиат қонунларига: табиий омилларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, табиий модда (сув, энергия, кислород, углерод...)ларнинг катта ва кичик айланиши, модда ва энергия тезланиши, тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши ва шу кабилар киради.

Ҳозирги илмий адабиётларда экотуристтик дунёқарашлар мазмуни ва моҳияти бўйича гуруҳлаштирилмаган (классификацияланмаган). Шунинг учун ҳам бизнинг субъектив фикримизча ҳозирги замонда қуйидаги **экотуристик концепцияларни** ажратиш мумкин:

барқарор ривожланиш учун экотуризм;

натуралистик;

истеъмолчилик;

алармизм;

ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар стратегияси;


экотуристик ривожланиш чегараси концепцияси;

муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси;

экотуристик инқилоблар концепцияси;

Барқарор ривожланиш учун экотуризм концепциясига кўра табиат кўйнига қилинадиган сайёҳликни жамиятнинг экологик-ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ечимини топиш орқали комплекс равишда маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда ўзаро уюшган тарзда ҳал қилиш мумкин. Ушбу дунёқараш концепциясини амалга ошириш масалалари 2002 йилда Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтган «Барқарор ривожланиш» халқаро Саммитда кўриб чиқилган ва у бўйича тегишли халқаро декларация ва шартномалар қабул қилинган.

Натуралистик концепция – жамиятдан устун турувчи табиатни илоҳий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Натуралистик концепцияга қарама-қарши бўлган дунёқараш **истеъмолчилик концепцияси** – туризмни ёки кишиларнинг сайёҳлик фаолиятини табиатдан устун қўйиш ва инсонларнинг ҳукмронлик ғоясини илгари суриш.



5-расм. Экотуристик концепциялар

Улар бозор муносабатларини шакллантирган ва капитализмнинг бошланғич даврида турган «янги бизнес» соҳибларидир. «Истеъмолчилар» америкалик ёзувчи Жек Лондоннинг асарларида акс эттирилган ва олтин орқасидан қувиб бутун борлиқ табиатни фақатгина уларнинг сайёҳлик ила бойликка эришиш талабларини қондириш манбаи, деб қараганлар. Ҳозирги кунда айрим «янги бойлар» ҳам буларга яққол мисол бўла оладилар. Улар учун дам олиш бирламчи, табиат ва инсонлар ҳаёти иккиламчидир.

Алармизмчилар («alarm» – инглиз тилида талафот, огоҳлантириш, ваҳима, бонг деган маъноларни англатади) - маълум бир партиёга бирлашмаганлар ва аниқ бир дастурга ҳам эга эмаслар, лекин улар стихияли туризм экологик инқирозга олиб келиши мумкин, дея бонг ураётган зиёлилар, ишчилар, маиший хизмат ва спорт соҳасида ишлайдиган турли касб соҳибларидир. «Гринпис», «Яшиллар партиясини», «Кедр» каби оқимлар шулар жумласидан бўлиб, улар юзлаб уюшмалар сафларига 30 млн. дан ортиқ кишиларни бирлаштирганлар.

Туризмнинг техник имкониятлари ва унга жалб қилинаётган аҳолининг тез ўсишининг натижасидаги салбий оқибатларидан чиқиб кетишни тавсия этаётган ғарб социологлари **ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар стратегияси** намоёндалари уч йўлни маъқул кўрадилар: 1) экотуризм пайтида табиатда кечаётган ҳодиса ва жараёнларга аралашмаслик; 2) муаммоси бор табиат қонунларига экотуризм орқали аралашини; 3) табиий атроф - муҳит шароитига экотуризмни мослаштириш.

1. Экотуризм пайтида табиатда кечаётган ҳодиса ва жараёнларга аралашмаслик концепцияси намоёндаларини «ҳаракатсизлар» стратегияси дейиш мумкин. Чунки улар экологик тизимларни айрим ҳудуд ва минтақаларда бузилганлигига бефарқ бўлишни ва Ер куррасида яшаётган 6 млрд.дан ошиқ аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирмасликни тавсия этадилар. Ушбу принципни алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар – биосфера қўриқхоналари ва қўриқхоналарда амалга оширса бўлади, лекин оммавий тарзда, яъни табиатдан ажралган экотуризмни асло тассавур қилиб бўлмайди.

2. Муаммоси бор табиат қонунларига экотуризм орқали аралашини ёқлаб чиқувчилар фикри аралашмаслик концепциясидаги фикрларга қарама-қарши бўлиб, улар табиат қонунларини, илмий-техник ютуқлардан фойдаланилган тарзда, экотуризм учун хизмат қиладиган даражада ўзгартиришни таклиф қилмоқдалар. Афсуски, бу оқим намоёндалари табиат қонунларининг туризм қонунларидан аввал шаклланганлиги, тирик организмлар эса ана шундай табиат жараёнлари орқали пайдо бўлганликлари ва ривожланганликларини инкор этишлари ҳозирги кўринишдаги тирик мавжудотларни генетик ўзгартириб юборади. Бундай ҳолат кино кўрсатувларда кенг намоёиш қилинаётган «мутант» одамларни ва ҳайвонларни юзага келтирди ва табиий тизимларни ишдан чиқаради.

3. Табиий атроф - муҳит шароитига экотуризмни мослаштириш орқали экологик инқироздан чиқиб кетишни тавсия этаётганлар, бир томондан, экологик тизимларни ташқи кучларга нисбатан қарши туриш (буферлик) ва ўз-ўзини тиклаш қонуниятларига ишонган ҳолда инсонларнинг ҳаракатларини мослаштиришни тавсия этсалар, иккинчи томондан, кишиларнинг эволюцион жараёнларини жадаллаштиришни ёқлаб чиқадилар. Бундай концепция намоёндалари, табиат қонунларини кўчиришга уринаётганлар, десак муболаға бўлмайди.

Экотуристик ривожланиш чегараси концепцияси намоёндалари Ер табиати имкониятларига монанд равишда экотуризм чегарасини белгилаш ёки бундай илмий асосланган ўсишни чегаралашни муайян минтақа, ҳудуд ёки маъмурий чегарада амалга оширишни тавсия этадилар. Афсуски экотуризмни ривожлантирмасдан туриб тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолининг сайёҳлик эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Туризмни «консервация» қилиш ва экотуризмни «ноль» вариантга тушириш осон эмас.

Глобал экотуристик бошқарув концепцияси – табиат ва туризм ажралмасдир, деган ғояни олға сурувчилардир. Шунинг учун ҳам туризм орқали табиий атроф - муҳитни сақлаб қолиш муайян ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балки халқаро миқёсда - бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширишни ёқлаб чиққанлар. Уларнинг намоёндалари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона бир экотуристик ташкилот тузишни ва у ҳам бошқарув, ҳам назорат ваколатига эга бўлишини ёқлаб чиқдилар. Глобалчилар БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экотуризм борасидаги фаолиятини

кузатадилар ва фактларни келтирадилар, дейдилар. Афсуски, бундай оқим намояндалари Ер куррасидаги ҳамма давлатларнинг суверен ҳукуқи бўлмиш табиатдан ўз миллий қонунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инобатга олишмаяпти. Лекин, глобал экотуристтик бошқарув тизимига инсоният олдинми ёки кечми албатта етиб бориши шарт. Чунки маълум бир жойдаги экологик муаммолар на табиий ва на маъмурий чегарага бўйсунди, яъни улар глобал миқёсдаги таъсир кучига эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммага аён дид.

Муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси намояндалари жамиятнинг экотуристтик талабларини жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш талабларига мослаштиришни таклиф қиладилар. Бундай дунёқарашлар ривожланган «катта саккизлик» давлатларида кенг тарғиб қилинапти. Ҳақиқатан ҳам, экологик, жумладан экотуристтик тадбирлар иқтисодиётлашгандир. Мисол тариқасида Орол денгизи муаммосига тўхталамиз. Пахта яккахокимлигидан Ўзбекистонда олинган даромад (1960–1987 йй) Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик инқирозни тугатишга кетадиган сарф-харажатдан кўра 7–10 баробар камдир. «Экологик инқирознинг олдини олиш, – дейди немис эколог олими Б. Гржимек, – унга қарши курашдан кўра доимо бир неча чандон арзонроқдир».

Экотуристтик революциялар концепцияси – сиёсий тузум ва кишиларнинг экотуристтик дунёқарашларини кескин равишда инқилобий йўл билан истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказиш. Аммо бу таклиф қанчалик яхши бўлмасин, бир қонидани эсдан чиқармасликка ундайди – кишилик жамиятида (табиатдагидек) инқилобий йўл билан бирон-бир тадбирни амалга ошириш уларда кескин равишда салбий оқибатларнинг юзага келишига олиб келади. Лекин ҳозирги экологик инқироз ҳолати экотуристтик онг, маданият, ўқув ва тарбияни кенг миқёсда ва жадал суръатларда замон талабига мослаштиришни тақозо қиладди. Чунки экологик тизимларнинг эволюцион ривожланиш қонуниятини орқага қайтариб бўлмайди, улардаги салбий кечаётган жараёнларни тўхтатиш ёки аввалги ижобий жараёнларни тиклаш имконияти доим ҳам юзага келавермайди.

Юқорида санаб ўтилган экотуристтик концепциялардан ташқари дунёнинг турли жойларида турлича дунёқарашга эга бўлган партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд. Лекин, **экотуристтик концепция табиат билан туризм қонунлари ва қонуниятларининг ўзаро уйғунлашган ва илмий асосланган ҳолда ривожланишини ёқлаб чиқадиган қарашлар тизимидир.** Бизнингча, унга зид бўлган дунёқарашлар ноэкотуристтик концепциялар тизимига киради.

Назорат саволлари

- * *Экотуристтик дунёқараш нима ?*
- * *Экотуристтик дунёқараш билан экотуристтик концепция орасида нима фарқ бор ?*
- * *Экологик концепцияларни санаб ўтинг.*

- * "Барқарор ривожланиш учун экотуризм" концепциясига изоҳ беринг.
- * *Натуралистик концепция билан истеъмолчилик концепцияси ўртасида фарқ борми ?*
- * *Экотуристтик алармизм қандай маъно англатади ?*
- * *Ҳаракатлар стратегияси билан ҳаракатсизликлар ўртасидаги таффовутни айтиб беринг.*
- * *Нима учун "экотуристтик инқилоблар концепцияси" деб аталади.*

1.6. Экотуризмнинг йўналтирувчи қоидалари (принциплари)

Экотуристтик концепцияларидан келиб чиққан ҳолда экологик сайёҳликнинг мақсади ва моҳиятини белгилаб берувчи яна бир қадам – ижтимоий экотуристик муносабатларда амал қилиниши керак бўлган асосий принциплар. “Принцип” сўзи латин тилида “*principium*” – асос, бошлаш қоидаси деган маънони англатади. Улар тамойил эмас балки йўналтирувчи қоидалардир. Экотуризмни ташкил этиш, уни ўтказиш, яқунлаш каби жараёнларни юритишда қандай қоидаларга амал қилиш лозимлигини кўрсатади.

Экотуристтик принцип – экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидалар. Ушбу принципларни яратишда умумий туризм принципларини умумий экологик принциплар билан уйғунлаштириш орқали яратилган ҳамда уларнинг аксарияти миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топгандир. Уларнинг айримлари куйидагилардан иборат:

экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш масаласининг устуворлиги;
экотуризмдан тушган фойданинг экологик мақсадларга йўналтирилганлиги;

экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги;

туризмнинг барча йўналишларида экотуристик таълимнинг мажбурийлиги;

ноэкологик ҳаракатларнинг қатъиян чекланганлиги;
маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал экотуристик ҳаракатларнинг ягона тизимдалиги;

қадамжойларнинг барқарор ривожланишида экотуризмнинг улкан аҳамият касб этиши.

маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтаришда экотуризмни жалб қилиш;

табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириш;

бузилган табиат комплекслари ҳам экотуристик объект;
давлат, жамият, маҳаллий бошқарув органларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги.

Экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш масаласининг устуворлиги, яъни ҳар қандай экорутистик саёҳликдан мақсад – экотуризм орқали маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсда табиий атроф - муҳитни муҳофаза қилишни тартибга солиш ёки йўлга қўйиш. Бунинг учун экорутистик объектларнинг экологик хавфсизлигини инобатга олган ҳолда экорутистик тадбирларни олиб бориш қондасига риоя этиш керак демакдир. Экотуризм ташкиллаштиралаётган жойда кечаётган барча ҳодиса ва жараёнлар инсон ҳаёти билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш кишиларнинг экологик жиҳатдан хавфсиз ҳаёт кечиришлари манбаи ҳисобланади.

Экотуризмдан тушган фойданинг экологик мақсадларга йўналтирилганлиги. Мазкур экорутистик принцип экотуризмдан келаётган даромаднинг бир қисмини экологик мақсадларга, яъни ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсиз муҳитини таъмилашга қаратилганлигидир. Экологик хавфсиз муҳит организмларнинг нормал шароитда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай табиий муҳит ҳолати демакдир.

Экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги. Ўзбекистон Республикасининг Хива, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон каби шаҳар ва қишлоқларида 4000дан зиёд тарихий, маданий ва диний ёдгорликлар ва зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, улар миллионлаб фуқаролар ва чет эллик туристларни ўзига жалб қилади. Биргина Самарқанднинг Улуғбек мадрасасига йилига 100 минглаб туристлар келиб кетади. Шунинг учун ҳам тарихий, маданий, диний, спорт каби туризм турлари билан экотуризмни олиб бориш ҳам экотурларга туристларни кўпроқ жалб қилишга, ҳам туристларда Ўзбекистон ҳақида атрофлича тасавурларга эга бўлишга, ҳам кам ҳаражат орқали кўпроқ фойда олишга олиб келади. "Рабат Малик"саёҳатчилар Ассоциацияси олиб бораётган экотурларининг аксарият қисмини тарихий, маданий, спорт, фольклор туризми билан қўшиб олиб боради. Ундан тушган фойданинг 30 фоизигача бўлган маблағлар экологик тадбирлар учун сарф қилинади.

Туризмнинг барча йўналишларида экорутистик таълимнинг мажбурийлиги. Туризм ва сервис(хизмат кўрсатиш)га оид барча ўқитиш муассасаларида ўқувчиларнинг ёши, ихтисослиги, мутахассислигидан қатъи назар, экологик таълим билан бир қаторда экорутистик таълим берилиши шарт. Акс ҳолда инсонлар яшаб турган ҳаётий зарур табиий муҳитни сақлаб қолиш қийин. Шу боис ҳам 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун”ининг 4-моддасида экологик ўқувнинг мажбурийлик принципи киритилгандир. Туризм таълимига оид барча меъёрий ҳужжатларга экорутистик таълимнинг мажбурийлик принципини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ноэкологик ҳаракатларнинг қаътиян чекланганлик принципи экотурларнинг барчасида, албатта, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш вазифалари туриши лозим. Чунки, ушбу вазифаларни инобатга олмаслик экотуризмнинг табиий туризм ёки спорт туризмига айланиб кетишига олиб келади. Туризмнинг экологик талабларга мос келмаган ҳаракатлари ноэкологикдир.

Маҳаллий, миллий, регионал ва глобал экотуристтик ҳаракатларнинг ягона тизимдалиги. Ушбу принципга кўра умумий экологик принципдан келиб чиққан ҳолда, табиатда кечаётган барча жараёнлар ва ҳодисалар ҳеч қандай маъмурий ва ҳаттоки табиий чегараларга бўйсунмайди. Ҳар қандай маҳаллий миқёсдаги салбий экологик ҳаракатлар кўшилиб ва кенгайиб миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Улар занжир каби бири иккинчиси билан уланган ва ягона тизимда туради.

Қадамжоларнинг барқарор ривожланишида экотуризмнинг улкан аҳамият касб этиши. Ҳар қандай ҳолатдаги экотуристтик объектда тўғри ташкил этилган экологик сайёҳлик, албатта, ўша жойда яшовчи аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маърифий ривожланиши учун хизмат қилади. Маълумотларга кўра Ғарбий Тянь-Шан резерватига уюштирилган саёҳатлар туфайли Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида кейинги 10 йил ичида иқтисодий юксалиш 2-2,5 баробарга ошган. Аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси ҳам деярли шу даражага кўпайган.

Маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтаришида экотуризмни хизмат қилдириши. Экотуризм ташкил этилган ҳар қандай ҳудудда аҳолининг экологик онги ва маданияти ўз-ўзидан ортади. Чунки экотуристлар, агар улар чиндан ҳам шу турдаги туризмга тааллуқли бўлсалар, албатта маҳаллий аҳолига экологик онг ва маданиятнинг кириб келишига сабаб бўладилар. Бунда ҳар қандай муомала лаёқатига эга бўлган инсон ўзи яшаб турган она юрти табиатига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш унинг ўзи учун, оиласи, қариндош-уруғлари, қишлоқдошлари, юртдошлари, халқнинг келажак авлодлари учун фойдадан ҳоли эмаслигини англайди ва тегишли ҳатти-ҳаракатларни қилишга ундайди.

Табиатдан оқилона фойдаланишни экотуристтик маршрутларда акс эттириши. Табиатдан оқилона фойдаланиш – табиий келиб чиққан моддий дунё унсурларининг фойдали хусусиятларини инсонларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун илмий асосланган тарзда ишлатиш¹. Кишилиқ жамиятининг ҳар қандай фаолияти табиий атроф - муҳитга таъсир этади. Лекин ушбу таъмир меъёрида ёки меъёридан ортиқ бўлиши, яъни экотизимларда моддий ва энергиянинг табиий айланиш жараёнига кескин ёки “юмшоқ” таъсир этиши мумкин. Кескин таъсир табиат унсурларининг қайта тиклашланиш имкониятини бермайдиган инсон фаолияти ҳолати ва аксинча. Экотуризм ҳам бундан мустасно эмас. Чунки унда ҳам сайёҳлар экотурлар

¹ А. Нигматов. Экология нима? – Турон-иқбол, 2005. -128 б.

орқали табиий муҳитга таъсир этадилар. Лекин бу таъсир давлат томонидан ўрнатилган меъёрлардан (РЭМ) ошмаслигини таъминлаш ҳар бир экотуристтик маршрут ташкилотчисининг мажбуриятига киради¹. Масалан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг нормативларига биноан шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этиши мумкин бўлган энг юқори даражаси ёки рухсат этилган меъёри (ПДК, ПДВ, ПДС, ПДХВ...) аниқланади. Бундай чегараланишлар шаҳарларда ПДК (захарли моддалар тўпланишининг энг юқори кўрсаткичи) атмосфера ҳавоси ва сув учун олинади. Моддаларнинг атмосфера ҳавоси ёки сувда инсон организмда ҳеч қандай патологик ўзгаришларга олиб келмайдиган даражаси СН 245–71 рақамли йўриқномасида ПДК санитар нормаларининг 160 хил модда ва 35 турдаги комбинацияларда атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг рухсат этилган меъёри бўйича белгилангант эди. Ҳозирги кунда ушбу меъёрлар хили ва тури бўйича деярли икки бараварга кўпайган. Масалан, углерод оксиди бўйича ифлослантириш меъёри суткасига $1,0 \text{ мг/м}^3$, ҳаракатда бўлмаган объектлар учун – 20 мг/м^3 га тенг.

ПДВ (моддаларнинг рухсат этилган меъёри) – шаҳарларда муайян корхона ёки ташлаш манбаи бўлган субъектлар томонидан зарарли моддаларни чиқариш миқдори. Агар муайян объектда 2 ва ундан ошиқ ташлагич манбалари (вентиляция ва энергетик қурилма) бўлса, бу корхона учун ПДВнинг умумий кўрсаткичлари белгиланади. Ҳар бир ПДВ бўйича ташлаш инвентаризацияси (паспорти) тузилади. Унда ташландиқларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар, чиқитларни тозалаш усуллари ва экологик технологияларни такомиллаштиришнинг йўллари берилган бўлади. Бу паспортларни ҳар 5 йилда алоҳида қабул қилинган шаклларни тўлдириш асосида қайта кўриб чиқилади. Худди шундай жараёнлар Давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ПДС (оқаваларнинг энг юқори кўрсаткичи), ПДХВ (кимёвий моддаларни ишлатишнинг энг юқори миқдори) ва бошқа меъёрий кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилади ва шаҳар санитария-эпидемиология хизмати томонидан тасдиқланади.

Бузилган табиат комплекслари ҳам экотуризм объекти. Айтиб ўтилганидек, нафақат гўзал табиат қадамжойлари, балки табиий жараён ва ходисалар (экологияда буни биотик ва абиотик омиллар деб юритилади) ёинки инсонларнинг хўжалик фаолияти (антропоген омил) таъсирида бузилган табиат комплекслари (ландшафтлар ёки жойнинг табиий кўриниши ва ҳолати) ҳам экотуризм объекти бўла олади. Зеро экотуризмнинг асосий вазифаларидан бири айнан бузилган табиат комплексларини қайта тиклашдир. Орол ва Оролбўйи каби инқирозли экологик ҳудудларга қизиқувчи сайёҳларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқдла. Аммо уни

¹ *Масалан:* Оқава сувларни, таҳник кўрсаткичларни инобатга олган тарзда, жой рельефи ва сув объектларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш меъёрларига оид Йўриқнома.- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Раҳбарий ҳужжати. Табиатни муҳофаза қилиш. О'З РН 84.3.6 : 2004.- Т., 2004

экологик нуқтаи назардан тўғри уюштириш лозим. Бу масала замонамизнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Давлат, жамият, маҳаллий бошқарув органларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги принципи. Экотуризм туризм индустриясида энг даромадли (кам сарф - харажат қилиб, кўп фойда оладиган) соҳа бўлганлиги сабабли, ундан келиб тушадиган фойда маҳаллий давлат ва нодавлат органлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг сармояларини кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, экотуризм принципларини жуда хилма-хил ва кенг камровли бўлгани учун ҳам биз уларни шарҳсиз, Сизларнинг мустақил фикрлашингиз мақсадида санаб ўтамиз, холос:

экотуризмда экологик-ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;

*экотуризмда миллий гуруҳ ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурлиги;
экотуризмнинг минтақавий хусусият касб этиши ва ҳоказо.*

Муайян экологик меъёрдаги экотуризм принциплари экологик хавфсизликни сақлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан бир вақтнинг ўзида ҳам сайёҳлик, ҳам табиатни муҳофаза қилиш қоидалари келиб чиқади. Шундай қилиб, экотуристик йўналтирилган ҳаракатлар экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин унинг акси эмас.

Назорат саволлари

- * Экологик принцип нима ?*
- * Нима учун экотурларда табиатни муҳофаза қилиш қондаси бирламчи ҳисобланади ?*
- * Экотуризмда фойда тақсимлаш қондаси қандай ?*
- * Турли туристик сайёҳликни бирга олиб боришдан мақсад нима?*
- * Экотуристик таълимнинг мажбурийлиги нимада?*
- * Экологик қонда билан экотуристик қонданнинг фарқи борми ?*
- * Нима учун маҳаллий аҳолини экотуризмни ташкиллаштиришга кўпроқ жалб этиш лозим ?*
- * Экологик бошқарув турларининг ягоналиги нимада ?*
- * Миллий гуруҳ ва экотуризм ўртасидаги боғлиқлик нимада намоён бўлади ?*
- * Бузилган табиат комплексларига нималар киради ва улар экотуризм объекти бўла оладими ?*

1.7. Экотуристик хавфсизлик

Туризм кишиларнинг ўзга жой, юрт, минтақа ва қитъаларга бориши билан боғлиқ бўлгани учун саёҳатчилар учун муайян даражада ноқулайликларни олиб келади. Улар соат поясининг ўзгариши билан боғлиқ

бўлган биоритмик ноқулайликлардан то турли транспорт ходисалари орқали содир этиладиган фалокатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хўш, хавфсизлик, жумладан экотуристтик хавфсизлик нима ва уни қандай қилиб таъминламоқ керак? Россиялик олим Л. Ю. Хотунцевнинг фикрича хавфсизлик - алоҳида шахс, жамият ва табиат объектларининг кучли даражадаги хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси бўлиб, унинг асосий мезони келажакда ёки ҳозирда содир бўлувчи табиий ёки ижтимоий хатардан келиб чиқувчи қўрқув ҳиссидир.

Бу тушунчага грузиялик мутахассис Т. Арошидзе хавфсизлик - кенг маънода ҳаёт, саломатлик, инсониятнинг асосий ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминловчи манбалар, ижтимоий тартибдаги ресурслар билан боғлиқ хавфларга чидамлик даражаси, деб таъриф беради. В.Н.Бурков, А.В.Шепкинларнинг фикрича хавфсизлик назарияси замонавий, ўзаро тартибли фан йўналиши бўлиб, инсоният, жамият, давлатнинг ҳаётий зарур манфаатларини техноген ва табиий фавқулодда ҳолатлардан ҳимояланганлик даражаси.

Хавфсизлик кенг маъноли тушунча бўлиб, **биринчидан**, у нафақат инсон (шахс эмас, чунки у аниқ бир индивидга тегишли), жамият ёки давлат, балки табиат ва унинг элементлари нуқтаи назаридан ҳам қаралиши мумкин. Чунки экология нафақат инсонлар, балки барча тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар), яъни табиат унсурлари ўртасидаги ва уларнинг табиий атроф - муҳит билан бўладиган муносабатларини ўрганади. Ваҳоланки, хавфсизлик тушунчаси «бехатар яшаш даражаси»ни ифода этар экан, у маълум маънода ҳар қандай табиат унсурларининг ҳам бехатар яшаши нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Чунки, ҳозирги кунга келиб муъайян табиат унсурларининг бехатар яшаши, уларнинг мавжудлиги бевосита ёки билвосита тарзда инсониятга боғлиқ бўлиб қолди. Табиат унсурларининг ўзаро аълоқаси натижасида юзага келувчи ҳар қандай жараён ёки ҳодиса табиий жараён ҳисобланиб, табиатдаги муайян табиий танланиш босқичида туради. Аммо, табиатдаги айрим жараёнлар, масалан, чигирткаларнинг сон жиҳатидан кўпайиб кетиши ва уларнинг ўсимлик дунёси билан бўладиган муносабатлари, албатта, инсон хавфсизлигига таъсир этади. Бу, илгарилари (инсониятнинг табиатга таъсири кам ёки деярли бўлмаган вақтларда) ҳам учраб турган табиий жараён ҳисобланиб, организмлар озуқа майдонининг инсоният томонидан қисқариши эвазига тезлашди. Табиатнинг эса инсондан хавфлироқ унсури йўқ. Умумий экология нуқтаи назардан қараганда барча тирик организмларнинг турли хавф-хатардан сақланганлик даражаси экотуризмнинг мақсадига мосдир.

Иккинчидан, хавфсизлик нафақат техноген ёки табиий фавқулодда ҳолатлар ва жараёнлардан организмларнинг сақланганлик даражаси, балки у кўзга кўринмас ҳамда билвосита таъсир этувчи ҳодиса ва жараёнлар орқали юзага келиши ҳам мумкин. Масалан, иссиқхона самараси (буғхонавий таъсир) туфайли иқлимнинг секин-асталик билан исиб бориши ва унинг натижасида чўлланиш жараёнининг юзага келиши. Оқибатда чўлланган ерларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тур ва хил жиҳатидан камайиши,

яъни биологик хилма-хилликнинг инқирози ҳамда инсонлар учун ноқулай экологик шароитларни юзага келиши. Албатта, бундай хавфсизлик экологик характердаги (хусусиятли) хавфсизликка киради. Лекин у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва шу каби хусусиятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бизнингча «хавфсизлик» тушунчасини алоҳида ибора сифатида муайян фанда ишлатишни ўринли эмас. Хавфсизлик характерига қараб унинг қўшимча, тўлдирувчи ва аниқловчи сўз ёки сўз бирикмалари билан ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Туристик маршрутлар кишиларнинг ўзга жойлардаги ҳатти-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам маълум бир даражада кўзда тутилмаган воқеа ва ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу туристик хавфсизлик унинг турларига қараб турлича кўринишда, шаклда ва даражада намоён бўлади. Масалан шаҳарларда тарихий-маданий обидаларга саёҳат қилишда йўл-транспорт ҳалокатлари, жамоатчилик тартибининг бузилиши, озиқ-овқат ёки овқатланишга оид туристик хавфлилик кўринишлари намоён бўлса, экологик туризмда – сел келиши, қор кўчиши, тош қулаши, сув тошиши, ўрмонларга ўт кетиши, океанлардаги цунами, йиртқич ҳайвонларнинг тишлаши ёки заҳарли илонларнинг ёки ҳашоротларнинг чақиши каби табиий, табиий-антропоген ҳодиса ва жараёнлар хавф-ҳатар туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам туристик хавфсизлик ҳар бир туризм турига қараб алоҳида илмий ва амалий фаолият мавзуси ҳисобланади.

Экологик хавфсизлик тушунчаси турли олимлар томонидан турлича изоҳланади. Уларнинг айримларида тушунча моҳияти тўлиқ очиб берилса, айримларида мунозараларга сабаб бўлувчи фикрлар ҳам учрайди. Масалан, буюк рус экологи Н.Ф. Реймерс (1990) экологик хавфсизликка икки хил ёндашган:

1) табиат объектлари, алоҳида инсон ва инсониятнинг бевосита ёки билвосита ҳаётий муҳим элементларининг зарарланишларига (ёки бу зарарланишдан келадиган хавфларга) олиб келмайдиган фаолият, вазият ва жараёнлар уйғунлиги;

2) Ер қурраси ва унинг турли минтақаларида инсониятнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий, техноген ва сиёсий тайёргарлиги (жиддий бўлмаган талофатларга мослашиши) даражасида экологик мувозанатни таъминловчи вазият, жараён ва фаолиятлар мажмуаси. Т.Тилляев эса *экологик хавфсизлик*-шахс, аҳоли, саноат ва табиат объектларини ташқи таъсирдан ҳимояланганлик даражасидир, деб изоҳлайди.

Бизнинг фикримизча, *экологик хавфсизлик* - организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини табиий ва антропоген омиллар таъсири туфайли турли миқёсда ва тезликда юзага келувчи салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси. Мазкур тушунчада ҳам экологияга (организмлар ва уларнинг яшаш муҳити), ҳам хавфсизликка (салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси) тегишли бўлган иборалар ифодаланган.

Экологик хавфсизликдан келиб чиққан ҳолда, экотуристик хавфсизлик тушунчасига изоҳ беришга ҳаракат қиламиз. Агарда *экологик хавфсизлик*

тушунчасига экотуризм нуқтаи назардан ёндошсак, унда бевосита экотуризмнинг тадқиқот объекти ва предметига оид томонларини ажратиб олишимиз керак бўлади. Маълумки экотуризмнинг предмети ва объекти - саёҳат уюштириш мумкин бўлган атроф табиий муҳит элементлари ёки уларнинг комплекслари (эко-туризмлар).

Бу ўринда хавфсизликни табиатга ва унга саёҳат қилаётган инсонларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Бу ерда икки сўз - "экология" ва "туризм" сўзларининг "омихтасидан" ҳосил бўлаётган сўзлар бирлиги орқали биз хавфсизликка изоҳ бериб ўтишимиз даркор. Агарда хавфсизликка биз экологик нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, унда фақатгина табиий атроф - муҳит унсурларининг хавфсизлиги тўғрисида гап кетади ва натижада экологик хавфсизликнинг қайтарилиши бўлиб қолади. Агарда биз фақатгина саёҳатчининг хавфсизлиги нуқтаи назардан ушбу масалага ёндошадиган бўлсак, унда фақатгина туристик хавфсизликка дуч келиб қоламиз. Шунинг учун ҳам бу ерда "мўътадил" ҳолатни юзага келтиришимиз даркор. Эко-туристик хавфсизликда саёҳатчилар ҳам, табиий атроф - муҳит элементлари ҳам зарар кўрмасликлари керак. Реал ҳолатда бунинг тўлиқ иложи йўқ. Чунки ҳар қандай инсон ҳаракатининг озми - кўпми табиатга зарари тегади, ва аксинча, инсонларнинг табиат қўйнига саёҳатлари мобайнида муайян даражада улар учун ноқулай ва хавфли шароитларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам экотуризмни режалаштириш, уюштириш, олиб бориш ва хулосалаш давомида табиат ва инсонларнинг беҳатарлиги, яъни хавфсизлиги инобатга олинади.

*Шундай қилиб **эко-туристик хавфсизлик** – эко-туристик саёҳатни режалаштириш бошқариш ва яқунлаш давомида кўзда тутилладиган ҳамда амалда реализация қилинадиган атроф табиий муҳит ва саёҳатчиларнинг табиий ҳамда антропоген омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси.*

Экологик хавфли вазиятлар экотуризмда, у антропоген, табиий, техноген ёки бошқа омиллар натижасида юзага келишидан қатъи назар, содир этилиши ва ривожланиши учун Ернинг географик қобиғи макон вазифасини ўтайди. Бундан ташқари экотурларни танлашда ландшафтларнинг инсон таъсирига барқарорлигини аниқлаш ва тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки турли ландшафтлар экотуризмда содир этиладиган антропоген таъсирни турлича қабул қилиши исбот талаб этмайдиган аксиомадир. Бир хил сайёҳлик жараёни, тундра ва чала-чўлларда табиий атроф - муҳитни турлича ифлослайди.

Эндиликда экотуризм «очилган ва баҳоланган» табиий объектларни сақлаб қолиш, яъни муҳофазалаш ва ундан оқилона фойдаланишни мақбуллаштириш масалаларини табиат қонунлари билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш лозим»лигини яна бир бор таъкидламоқчимиз (Нигматов, 2004). Бу ўринда экологик тадқиқотларнинг аҳамияти катталигини эътироф қилар эканмиз, барча табиий ва ижтимоий ёки аралаш турдаги ҳодиса ва жараёнларни айнан табиий географик мажмуалар доирасида ёки унинг таксономик birlikларида ўрганиш талаб этилади. Зеро антропоген таъсир

натиждасида кучаяётган чўллашиш, шўрланиш, радиоактив ифлосланиш, озон қатламининг емирилиши, океанларда планктонларнинг йўқолиб бориши ҳеч қандай маъмурий чегарада эмас, балки табиий географик чегаралар миқёсида кечаётган салбий экологик жараён ва ҳодисалардир.

Фикримизча экотуристлик хавфсизликни табиий географик комплекслар (чўл, чала чўл, дашт, паст тоғ, ўртача баландликдаги тоғ, баланд тоғ каби ҳудудлар) доирасида ўрганиш, ҳулосалаш, баҳолаш, башоратлаш, бошқариш ва турли характердаги ижтимоий механизмларни яратишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан – экотуризм натижасида табиатда содир бўлувчи фавқулодда ва эволюцион тарзда ривожланувчи, сайёҳлар хавфсизлиги ва табиий мувозанатга салбий таъсир этувчи вазиятлар (бўрон, зилзила, сурилма, дегиш ва ҳ.к.);

иккинчидан - экотуристлик омилларнинг табиий географик жараёнлар натижасида экологик хавфли вазият даражасига етиши ва фавқулодда тус олиши (заҳарли газларнинг шамоллар натижасида олиб кетилиши, гидрографик объектлар орқали оқизилиши...);

учинчидан - бундай вазиятларнинг содир бўлиш қонуниятлари ва уларни экотуристлик башоратлаштирган ҳолда табиатдан оптимал (мақбул) фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, экологик хавфсизлик жиҳатидан экотуристлик ҳудудларни районлаштириш;

тўртинчидан – экологик бузилишдан табиат объектларини ҳоли қилиш ва ҳ.к.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки экотуристлик хавфсизликни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланган экологик хавфсизлик энг аввало маҳаллий ва минтақавий доирада табиий географик жиҳатдан қараб чиқиши мақсадга мувофиқ. Албатта, фақат табиий географик жиҳатдан экологик хавфсизликни глобал доирада таъминлаш имконияти бўлмаслиги мумкин, аммо масаланинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа томонларини атрофлича таҳлил қилиш учун табиат қонуниятлари, геотизимлар ва уларнинг замон ҳамда макондаги ўзгарувчанлигини инобатга олмасликнинг иложи йўқ.

Назорат саволлари

* *Хавфсизликни Сиз қандай тушунасиз ?*

* *Экологик хавфсизлик нима ?*

* *Экологик хавфсизликнинг туристик хавфсизликдан фарқи борми ?*

* *Экотуристлик хавфсизликда нималар инобатга олинади ?*

* *Экотуристлик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини санаб*

ўтинг.

1.8. Туризмда экотуризмнинг тутган ўрни

Ҳозирда туризм жадал оммалашиб нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб бормоқда. XX асрнинг ўрталарига келиб табиий туризм ва унинг турли кўринишлари ривожланган бўлса, 70-йилларнинг бошларида ундан экотуризм ажралиб чиқишни бошлади. Экотуризм ўзининг

мазмун - моҳиятига кўра инсонларнинг нафақат она табиат кўйида дам олиш, хордиқ чиқариш ёки муайян соғломлаштириш билан шуғулланиш, шу билан бирга атроф - муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни бажаришга ундайди. Маълумотларга кўра умумий туризм ичида экотуризм 7% дан 60% гача бўлган туристларни қамраб олади. Бундай кўрсаткичларга сабаб бир томондан муаллифларнинг етарли маълумотга эга бўлмаслиги ёки экотуризм билан бошқа туризмни аралаштириб юборишлари бўлса, иккинчи томондан ҳар бир давлатнинг экотуристтик имкониятлари турлича эканлигидан келиб чиқади. Ҳозирда туристик индустрияси ичида экотуризмнинг мавқеи ошиб бормоқда. Масалан, дунё бўйича XX асрнинг 90-йиллари охирида экотуристлар сони 10% дан 30% гача кўтарилган. Германияда экотурларга оид сотилган туристик пакетлар сони 1% гача, АҚШда 3% гача, Финляндия ва Швецияда 2% атрофида, Францияда 4%дан кўп бўлган. Агар экотуризмнинг бошқа туристик турлар билан қўшиб олиб борилаётганини инобатга олсак, унда сотилган пакетлар сони 15-20% гача кўтарилади.

Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, кўпгина Осиё, Африка, Лотин Америка мамлакатларида экотуризм алоҳида бир туризм тури сифатида қаралмайди. Буларда экотуристтик маркетинг ва менежмент ишлари ҳанузгача амалга оширилмаган.

Экотуризм энг ривожланган мамлакатлар, АҚШ ва Канадада кенг миқёсда амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг бой табиатини, инсонларнинг ўз яшаб турган жойларига бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳамда табиат миллий қадриятларнинг бир бўлаги сифатида эътироф этилиши ҳисобга олинган ҳолда 1995 йилда Президентнинг "Республикамызда Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ва республикада халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси иштирокини жонлантириш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. 1999 йил эса туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган Дастури тасдиқланди, 2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Чимён-Чорвоқ курорт зонасида табиий бойликларни сақлаш, соғломлаштириш ва дам олиш тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги махсус қарори экотуризмнинг ривожлантиришга асос солди.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири унинг экзотик табиатидир. Республикада ўта қуруқ ландшафтлардан тортиб доимий қорликлар ва музликлар билан банд бўлган Тянь-Шянь, Помир-Олой тоғ тизмалари, экологик инқирозга мисол бўла оладиган Орол денгизи ва унинг атрофи, узоқ ўтмиш, табиий тарихга эга бўлган Жанадарё қуруқ воҳаси, биологик хилма-хилликка эга бўлган Ҳисор, Угом, Чотқол тоғ тизмалари мавжуд.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерослар рўйхатида 754 та объект киритилган бўлиб, уларнинг 4 таси Ўзбекистонда жойлашган. (Ичанқалъа-Хива, Бухоронинг тарихий маркази, Шахрисабзнинг тарихий маркази, Самарқанд-Маданиятлар чорраҳаси). Ушбу ноёб тарихий туристик объектларда экотуристтик маршрутларни бирга қўшиб олиб бориш ўта муҳим

аҳамият касб этади. Худди шундай экотуристтик имкониятлар нафақат тарихий, балки фольклор, маданий ва диний марказлар орқали ҳам ривожланиши мумкин. Бу ўринда Бойсун тоғли худуди, Термиз атрофидаги буддизм ва зардуштийлик динининг марказлари орқали экотуризмни ривожлантириш мумкин.

Экологик туризм адабиётларда “яшил”, “хлорофилл”, “ландшафт”, “табиий туризм” иборалари остида ҳам тилга олинади. Экологик туризм бу – шахсларнинг доимий яшаш жойидан соғломлаштириш, маърифий ёки бошқа мақсадларда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва бошқа экологик қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган объектларда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга саёҳат қилишдир. Экологик туризм табиий атроф - муҳит билан танишиш ва ҳордик чиқаришнинг энг қулай шаклларида бири сифатида тан олинган муносабатлар мажмуи ҳисобланади. Шу билан бир қаторда экотизимларга ва табиий атроф-муҳитга таъсир кўрсатмайди. Бир вақтнинг ўзида эса мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигини кўтаришда сезиларли ҳисса қўша оладиган соҳа ҳамдир.

Экотуризм нисбатан яқин даврда “яшиллар” ҳаракати тўлқинида вужудга келди ва мамлакатнинг барқарор ривожланиш концепцияси асосида ғарбда кенг авж олди. Экотуризм табиатда қисқа муддатли дам олиш(уик-энд)дан, то табиий мавзуларда илмий тадқиқот ўтказиш мақсадидаги туристлар оқимигача қамраб олади. Кейинги йилларда экотуристлар кўплаб юқори малака талаб этилмайдиган дала ишларига жалб этилмоқдалар. Улар меҳнат таътилларини экзотик машғулотлар; қушлар, туёқоёқлилар ва бошқа ҳайвонларни, планетамизнинг узоқ бурчакларидаги камайиб бораётган ўсимликлар сонини ҳисобга олиш ёки Лотин Америкаси мамлакатларидаги йўқолиб бораётган тошбақалар тухумини йиғиш, ёинки Шарқий Африка ва Осиё кенгликларидаги йирик йиртқич ва туёқли ҳайвонларни кузатишларни олиб борадилар. Экотуристларнинг бир қисмини эса ноёб ўсимликлар дунёси ва биоценози, масалан тропик экваториал ўрмонлар, ёзда гуллаган тундра ёки чўлдаги баҳор, жонсиз табиат объектлари (ғорлар, даралар, тоғ қолдиқлари в.б.), шунингдек антропоген ландшафтлар қизиқтиради.

Экотуризм аҳолининг экологик билими, онги, маданиятини ошириш орқали атроф-муҳит ҳолатини оптимал ҳолатда сақлаб туришга (табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш, бузилган табиий комплексларни қайта тиклаш) йўналтирилган туризм шаклидир.

Экологик туризмни ривожлантириш учун Бутунжаҳон ёввойи табиат Фонди, Табиий ресурслар ва табиат муҳофазаси Халқаро иттифоқи каби Халқаро ташкилотлар фаолияти жалб этилмоқда. Бундан ташқари халқаро ва минтақавий даражада конгресслар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилмоқда, экотуристтик фирмалар сони ошиб бормоқда, туризмнинг барча турларидан кўра экологик туризм афзал кўрилмоқда.

Экотуризм бошқа туризм турларидан нимаси билан фарқ қилади, деган ҳақли савол туғилади. У туризмга нисбатан:

- табиий ҳолатда сақланиб қолган ҳудудларга саёҳат қилиш (қўриқхоналар, миллий боғлар, буюртма қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза остига олинган объектлар қиради);

- табиатдан фойдаланувчи соҳа;

- экологик тарғиботнинг бир кўриниши.

Келажакда давлатлар ва ҳамжамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда экологик туризм асосий омилларидан бири бўлиб қолиши лозим. Чунки инсониятнинг табиий атроф - муҳитга бўлган муносабати кишиларнинг эркин фикрлаш, самарали ишлаш ва ижод қилиш қобилиятини белгилаш, меҳнат қобилиятини тиклаш имкониятини беради.

Амалий жиҳатдан ҳар бир мамлакат “яшил” саёҳатлар уюштириш имкониятига эга. Бугунги кунда асосий экотуристтик оқим АҚШ, Канада, Австралия, Непал, Эквадор, Бразилия, Филиппин, Кения, Жанубий Африка Республикасига қаратилган. Чунки уларнинг иқтисодий имконияти ва табиий муҳити шунга лойиқдир.

Назорат саволлари

** Туризм билан экотуризмнинг нисбатини баҳолашг.?*

** Нима учун экотуризм жадал суъратларда ривожланмоқда ?*

**Экотуризм бошқа туризм турларидан асосий фарқлари нималардан иборат ?*

** Қаерларда экотуризм бошқа туризмга нисбатан яхши йўлга қўйилган ва нима учун ?*

** Экотуристтик сайёҳлик авж олган давлатларни санаб ўтинг ?*

1.9. Ўзбекистоннинг экотуристтик имкониятлари

Ўзбекистон ўзининг туристик ресурслар салоҳияти бўйича Марказий Осиёда олдинги ўринлардан бирини, дунё бўйича эса юқори ўринларни эгаллайдиган 10-15 мамлакатлар ичидан ўрин олган. Республика ҳудудида турли даврларда вужудга келган тўрт мингдан ортиқ архитектура, тарихий ва табиий ёдгорликлар мавжуд.

Туристтик минтақанинг жозибадорлигини ажратувчи асосий омиллардан бири бу Ўзбекистоннинг экзотик табиати, бой ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ранг-баранглигидир. Бугунги кунда муҳофаза остига олинган табиий ҳудудлар экологик туризмнинг асосий бўғини ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра¹ 9 та давлат қўриқхоналари мавжуд бўлиб, улар 209,6 минг га ерни қамраб олган. қўриқхоналардан бири (Чотқол тоғ-ўрмон) давлат биосфера макомини олган.

¹ Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза.- Т.: China ENK, 2006.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида –Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси (Тошкент вилоятида), Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси (Қашқадарё вилоятида).Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида Зомин тоғ-арча (Жиззах вилоятида), Бадай-тўқай текислик-тўқай (Қорақалпоғистон Республикасида), Қизилқум кумли-тўқай (Бухоро ва Хоразм вилоятларида), Зарафшон текислик-тўқай (Самарқанд вилоятида), Нурота тоғ-ёнғоқ (Жиззах вилоятида), Сурхон тоғ-ўрмон (Сурхондарё вилоятида) қўриқхоналари ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида – Китоб геологик қўриқхонаси фаолият юритмоқда.

Ўсимлик дунёси, тирик организмлар қаторидан жой олган тарзда, экологик тизимларда ўз ўрнига ва аҳамиятига эга. Маълумотларга кўра кейинги 200 йил мобайнида ўсимлик дунёси роппа-роса икки баробарга қисқарган. Ер қуррасида учрайдиган 600 минг турдан ортиқ ёввойи ўсимлик турларидан Ўзбекистонда бор-йўғи 4 минг тури учрайди, холос. “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби”дан олинган маълумотларга кўра кейинги 14 йил ичида 138 тур ёввойи ўсимликлар ноёб ва йўқолиб кетиш ҳафви остидаги турлар қаторидан жой олди. 1984 йилда уларнинг сони 163 та бўлса, 1998 йилга келиб 301 тагача кўпайди.

Ҳайвонот дунёси ўсимлик дунёсидан фарқли экологик тизимларда айнан уларнинг тури ва сонининг кўплиги, яъни биологик хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон фаунасининг турлари кўп бўлиб, сутэмизувчиларнинг 97 тури, судралиб юривчиларнинг 57 тури, қушларнинг 410 тури мавжуд. 2006 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури (кенжа турлар билан 51 та), судралиб юривчиларнинг 16 тури, балиқ-ларнинг 17 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури, бўғимоёқлиларнинг 61 тури (кенжа турлар билан 62 та) киритилди¹.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити дам олиш ва экотуризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятлари табиат ёдгорликларига бой бўлган ҳудудлар бўлиб, оммавий экотуризм марказлари бўла олади. Бу вилоятларда ажойиб ғорлар, карстлар, шаршара ва шоввалар, булоқ, жилға ва сойлар, даралар, қояли рельеф шакллари, очилиб қолган ётқизиклар ва бошқа ажойиб табиат ёдгорликлари учрайди.

Ҳозирги кунда фақатгина Самарқанд вилоятидаги Зарафшон қўриқхонаси ва Бухоро вилоятидаги “Жайрон” экомаркази доимий равишда сайёҳларни қабул қилмоқда. Бой имкониятларга эга бўлган Чотқол, Зомин, Нурота, Ҳисор қўриқхоналари, Амударё қайирларидаги тўқайлар амалий жиҳатдан фойдаланилмапти. Шунингдек ажойиб тоғ ва чўл ландшафтлари, ботаник, геологик ва гидрогеологик объектлар сайёҳларни ўзига жалб этиб, экотуризмнинг рекреацион элементини ташкил этиб, спорт туризми,

¹ Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. II жилд - Т.: China ENK, 2006.

альпинизм, тоғ чанғиси, от спорти ва бошқа фаол дам олиш турларини камраб олади.

Лекин, Ўзбекистонда табиатга қилинган ҳамма саёҳатларни ҳам экотуризм деб атай олмаймиз. Чунки шаҳарликларнинг тоққа чиқиб дам олишлари, агарда у экологик мақсадларга йўналтирилган бўлмаса, экотуризм эмас, балки табиий туризмдир. Масалан, тошкентликларни 90 фоизи 100-130 км радиусда табиат кўйнига бир кунлик ташриф қиладилар. Мазкур туризм стихияли равишда ташкил этилиб экологик ва санитар талабларга риоя қилинмайди. Натижада табиий муҳит кескин равишда ифлосланади. Уларнинг аксарияти “ёввойи турлар”дан иборат бўлгани учун ҳам, саёҳатчиларнинг табиатга етказган зарари ҳамда уни қоплаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмайди. Бундай сайёҳларни жонкуяр эколог, экотуристларнинг Республика ассоциацияси бошлиғи В.Цой “қозон-туризм”, яъни яхши овқатланиб дам олишни хуш кўрадиган худбин туристлар, деб аташи бежиз эмас.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг маълумотларига кўра уларнинг умумий сонидан оилали туристлар - 60%, корхоналар жамоаси 30%, тасодиқий компаниялар 7%, бошқалари эса 3%ни ташкил этади. Ҳар бир экотурист учун сарф-ҳаражатлар суткаси 10 дан то 30 минг сўмгача боради. Кундалик сарф-ҳаражатларнинг умумий кўрсаткичи овқатланиш, транспорт, жойлашиш, хизмат кўрсатиш тури ва сифатига боғлиқ равишда ошиб боради. Шаҳарликларнинг "экотуристик саёҳати" кўпи билан 5-7 кунга чўзилади. Аксарият ҳолларда унинг давомийлиги бир кундан ошмайди ва якшанба ёки байрам кунларига тўғри келади. Бу "қозон-турист" ларнинг табиий муҳитга бўлган босимини йил давомида нотекис тақсимланишига олиб келмоқда.

2001-2005 йилларда Ўзбекистонда экстремистик ва террористик оқимларнинг тоғли ҳудудларда фаолият юритишлари кескин равишда экотуризмнинг камайиб кетишига олиб келди. Шунинг учун ҳам эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги энг муҳим барқарор туристик ривожланиш омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган туристик корхоналарининг атиги 5 фоизи экотуризмга йўналтирилган. Уларга тор доирада фаолият олиб борувчи – овчилик, балиқчилик, сафари каби экотуристик, тўғрироғи табиий туристик фирмалар киради. Катта - катта туристик фирмалар аксарият ҳолларда аралаш турдаги саёҳликни таклиф қиладилар. Ҳаттоки «Экосан-тур» компанияси ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Соф экологик туризм ҳалигача Республикамизда туризмнинг мустақил соҳаси сифатида қаралмаган ва шунинг учун ўзи мустақил ҳолатда етарли даражада даромад олиб келишга қодир эмас. Миллий ғурур, миллий мафкура ёки маънавият ҳамда маърифат нуқтаи назардан ҳам ушбу кўшма экотурларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Республиканинг замонавий хўжалик юритиш инфраструктурасида ихтиёрий кўринишдаги маҳаллий аҳолига ёки чет эл туристларига хизмат

кўрсатиш талаб даражасида эмас (2-жадвал). Бу эса ташқи туристик бозорда ўзбек экотуризм маҳсулотларига бўлган талабни тушириб юбормоқда.

2-жадвал.. Ўзбекистонда 2004 йилда туристик ресурсларга ва фойдаланиш потенциалига талаб (Т.Абдуллаева)

<i>Туристтик ресурслар</i>	<i>Маҳаллий туристларига талаб</i>	<i>Чет эл туристларига талаб</i>	<i>Имконият</i>
<i>Тегилмаган табиат</i>	Паст	Юқори	Юқори
<i>Маҳаллий маданият кўринишлари</i>	Ўртача	Юқори	Юқори
<i>Маҳаллий аҳоли билан мулоқот</i>	Паст	Ўртача	Юқори
<i>Таклиф қилинаётган тадбирлар (сайр, фолк-шоу, маросимлар)</i>	Ўртача	Юқори	Юқори
<i>Экзотик муҳит ва саргузашт малакаси</i>	Ўртача	Ўртача	Ўртача
<i>Хизмат кўрсатиш сифати</i>	Паст	Ўртача	Паст

Чет элликларнинг маҳаллий аҳолига қараганда ўзимизнинг миллий анъаналаримиз, тарихий обидаларимизга қизиқишлари кўпроқ. Лекин экотуристтик потенциалимизни паст деб бўлмади Фақатгина унинг очилмаган имкониятларини ривожлантириш талаб этилади. Бунда демократик прициплар ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин рақобат муҳитини яратиш, экологик-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий аҳолининг ўз юрти табиатига бўлган иштиёқининг пастлиги Республикамизда "Ўлкашунослик", "География", "Экология" каби фанларни болаларнинг ёшлигидан ўқитилишига етарли даражада эътибор берилмаётганлигидадир. Шу боис маҳаллий экотуристларнинг янги ўзлаштирилмаган экотурларга қизиқиши кам ва улар ўзи билган табиий муҳитидан четга чиқмасликка ҳаракат қиладилар. Экотуристларнинг кўп қисмини ташкил қилувчи экотуристлар - шаҳарликлар кам ҳолларда маҳаллий аҳоли билан боғланишади ёки уларнинг экотуристтик хизматларидан фойдаланишади. Чет эл меҳмонлари эса қишлоқ аҳолиси, уларнинг яшаш тарзи, анъаналари, маданиятига қизиқишади.

Ҳозирги кунда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тегишли бўлинмалари экологик туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу "Жайрон экомаркази»га қўшни бўлган 27300 га майдонда Марказий Осиёда кам учрайдиган ноёб 6 жуфт туёқли ҳайвонларни (жайрон, бухоро қўйи, бухоро бўғиси, ёввойи эчки, бурама шохли эчки - мархур, ёввойи чўчка кабиларни) сақлаш, кўпайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида миллий боғ ташкил этиш борасида илмий-иқтисодий асосланган лойиҳа тузиш ишларини бошлаб юборди. Тошкент шаҳридан 100 км жануби-шарқда жойлашган "Сайхун" ҳўжалигида (367 гектар) Қўмита Марказий Осиёда йўқ бўлиб кетиш арафасида турган жуфт туёқли ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва уларни табиатга қайтариш мақсадида парваришхона қуриб битказди. Ушбу маскан маҳаллий ва чет эл экотуристларни туризмнинг табиатга саёҳат ва экосафари турларини ўтказиш учун жуда қулай жойдир. Чунки бу ерда нафақат юқорида номлари тилга олинган ҳайвонлар, балки Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган ноёб Бухоро бўғиси, Бухоро қўйи, Северцова қўйи , Бухоро жайронлари, Бурама шохли мархур эчкиси каби бошқа турлардаги камёб жуфт туёқли ҳайвонларни яшаш ва кўпайтириш учун етарли озукавий ресурслар ва ҳимоя усуллари мавжуддир.

Сурхондарё вилояти ноёб ҳайвонат ва ўсимлик дунёсини тиклаш ҳамда кўпайтириш, чет эл экосаёҳатчиларни ёввойи табиат билан таништириш, дам олиш, ов ва балиқ овлаш маскани яратиш мақсадида 2006 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Давлат бионазорати нозирлиги қошида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани, Термиз шаҳридан 30 км шимоли-шарқда, жами 1034 гектар майдонни ташкил этган Ок тепа сув омборининг атрофида жойлашган "Ок тепа" табиат боғини ташкил этди. Мазкур майдон шимол, шарқ ва жануб томонидан 140 гектарни ташкил этган кўл билан табиий чегарага эга. Ушбу ҳудудда ҳайвонлардан – тўнғиз, ёввойи чўчка, чия бўри, қушлардан – қирғовул, ёввойи ўрдак ҳамда сувда сузувчи ёввойи қушлар , балиқлар мавжуд. Ҳозирги кунда унда ёввойи ўрдак ва ғозлар кўпайтирилмоқда, экотуристлар учун дунё талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхона қурилмоқда, ҳайвонлар муҳофазасига тегишли сунъий тўсиқлар ўрнатилмоқда.



2006 йил Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Жиззах вилояти марказидан 65 км шимоли-ғарбида жойлашган, балиқларга бой Айдар-Арнасой кўллар тизимида экотуризмнинг балиқ овлаш билан боғлиқ

турига мўлжаллаб, дунё талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхона қуриб битирилди. Бундан ташқари, Давлат бионазорати Айдар-Арнасой кўллари тизимида тезкор-рейд текшириш ишларини сифатини кучайтириш ҳамда экотуристарни кўл ва унинг атроф табиати, ландшафтлари ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан яқинроқ таништириш мақсадида “Т-65” маркали, узунлиги 17 метр, қуввати 225 от кучига тенг бўлган кемани сотиб олиб, капитал таъмирдан чиқарди.



Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, тўғри ва яхши йўлга қўйилган туризм тармоғи, атроф-муҳит муҳофазаси ва биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ижобий натижаларни бериши мумкин.

Назорат саволлари

- * *Дунё туризмида Ўзбекистоннинг ўрнини аниқланг.*
- * *Юртимиздаги экотурларни юритиш объектларини санаб ўтинг.*
- * *Республикамизда қанча ва қаерда қўриқхоналар мавжуд ?*
- * *Қўриқхоналарда қандай сайёҳликка рухсат этилади ?*
- * *“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ?*
- * *Қизил китоб нима ва унда нималар акс эттирилган ?*
- * *Қизил китобга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қандай қилиб томоша қилиш мумкин ?*
- * *"Қозон – туризм" деганда В.Цой нимани инобатга олган эди ?*
- * *"Экосан – тур" қандай компания ?*
- * *Шаҳар аҳолисидан кимлар кўпроқ экотуристлик саёҳат қилишади ?*
- * *Республикамизнинг экотуристлик имкониятлари қандай баҳоланади ?*
- * *Табиат қўйнига саёҳатни кимлар кўпроқ ёқтирадилар ?*


1.10. Экотуризм бўйича дунё тажрибаси

Табиат қанчалик турли-туман бўлса, экотуризм ҳам шунчалик турличадир. Уларнинг фарқи нафақат иқтисодий ёки табиий кўрсаткичларга, балки маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар, социал ва сиёсий ҳолатга ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун экотуризмни таснифлашда ижтимоий

муносабат кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур бўлимда экотуризмнинг регионал, яъни минтақавий хусусиятларини айрим мамлакатлар мисолида кўриб чиқамиз. Зеро, табиатнинг хилма-хиллиги айнан минтақавий даражада кўпроқ фарқ қилади ва у фанда экотуризмнинг географик жиҳатлари, деб аталади.

Мутахассисларнинг таҳлилига кўра экотуризмнинг минтақавий фарқлари уларнинг иқтисодий–ижтимоий кўрсаткичларини ҳам белигилаб беради.. Масалан, энг ривожланган мамлакатлар (катта саккизлик давлатлари мисолида) Шимолий ярим шарда жойлашган. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича умумий сайёҳларнинг келиб-кетиши ривожланган давлатларда 57 фоизни, ривожланаётган давлатларда – 30 фоизни ва ўтиш давридаги давлатларда – 1,3 фоизни ташкил этади (5-расм).

5-расм. Дунё бўйича сайёҳларнинг кўпайиши, МЛН.КИШИ




Лекин, экотуризм географияси умумий туризмниқидан ўзгачадир. Анъанавий сайёҳларнинг асосий оқими ривожланган давлатлардан ривожланганларига йўналган, унда Франция, АҚШ, Испания, Италия давлатлари етакчилик қилса, экотуристлар эса кўп ҳолларда ривожланган давлатлардан ривожланаётганларига боришмоқда (6-расм). Кўп туристларни ўзига тортувчи, экзотик табиатли Непалнинг осмонўпар тоғлари, Амазонканинг киши юриб бўлмас тропик ўрмонлари, Африканинг ҳайвонот дунёсига бой саванналари етакчилик қилмоқда. Статистика бўйича ривожланаётган давлатлар орасида Кения, Танзания, Эквадор, Коста-Рика, Непал, тез суръатларда иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлаётган Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ҳам булардан қолишмаяпти. Айрим давлатларда экотуристлик ҳолатни таҳлил қилайлик.

Европа мамлакатлари. Улар мўътадил ёки денгиз таъсиридаги юмшоқ иқлим минтақасида жойлашган. Европа жаҳоннинг асосий туристик райони

хисобланади. Туризмнинг ривожини нафақат чиройли табиати ва қулай иқлим шароити, балки туристлар учун яхши ташкил этилган сервис билан ҳам ажралиб туради. Экотуристик нуқтаи назардан Европанинг аксарият қисми мўтадил минтақада жойлашган бўлиб, фақатгина шимолий қисми субарктик ва арктик минтақага, жунубий қисми субтропик минтақага киради. Ўрта ер денгизи атрофи дам олиш учун қулай иқлимга эга учта ярим ороллардан иборат (Пиреней, Апеннин, Болкон).

Европанинг ривожланган давлатлари ва Шимолий Америка мамлакатларининг экотуристлари кўпинча ўз мамлакатларида экотуристик саёҳатни уюштиришади. Бу билан улар ўз юрти ва табиатига бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтирадилар. АҚШнинг миллий боғлари экотуристларнинг гавжумлиги туфайли уларга бориш учун бир йил аввал буюртма бериш лозим. Афсуски туристларнинг "Она табиат" қўйнига қилинаётган босими доим ҳам ўзини оқлаётгани йўқ. Чунки табиатнинг "дош бериш" мезони бор. Бу эса янги рекреацион ҳудудларни яратиш эҳтиёжини туғдирмоқда ва ривожланган мамлакатлардаги экотуристларни ривожланаётган мамлакатларга "ҳайдамоқда". Экотуристлар инсон "етиб бормаган" табиатга ошиқадилар. Лекин бугунги кунда бундай ҳудудларнинг ўзи йўқ. Нисбатан цивилизациядан узокроқда сақланиб қолган табиат бурчаклари кундан кунга камайиб бормоқда ва улар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга айлантирилмоқда.



6-расм. Дунё бўйича анъанавий ва экотуристик оқим.

Шри-Ланка. Экотуризмнинг ўзига хослиги унинг мавсумийлигидадир. Февраль, март, август ойлари Фарбий Европа мамлакатларидан экотуристларнинг экваторга яқин турувчи оролга оқими

кўпаяди. Миллий туристик бозорда сотувлар октябрдан бошланиб, максимал хажми янги йил байрамларига тўғри келади ва май ойларига бориб пасайиб кетади. Декабрнинг охири январь ойининг биринчи ярмида Шимолий Европадан экотуристар сони 30%гача ортади. Унда Ҳинд океани қирғоқларидаги гўзал табиат ва кучли тўлқинлардан юзага келадиган экстремал ҳолат ҳам туристарни ўзига жалб қилади (7-расм). Россиянинг “Коннайсанс Тревел” туристик компанияси директори Ирина Озерова таъкидлашича, экотуристар табиат қўйнига қилинган саёҳат билан чекланиб қолмасдан, оролнинг марказий қисмида жойлашган Дамбулла ғор ибодатхонаси, мамлакатнинг энг қадимий шаҳри Канди ва бошқаларга бормоқдалар.

Шри-Ланкада “яшил туризм” номини олган экваториал ўрмонларга бориш, қўриқхоналарни томоша қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Мазкур давлатда табиатни ҳимоя қилишнинг ўзига хос миллий анъаналари мавжуд. Унинг тарихи “ёввойи табиатни ҳимоя қилиш”га қаратилган биринчи ҳуқуқий норма милоддан аввал III асрда қабул қилинган. Ҳозирда Шри-Ланканинг 12 фоизи алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар билан банд. Унинг таркибида 3 та қўриқхона ва 12 та миллий боғлар фаолият юритмоқда. Ундаги ёввойи қўтослар, филлар, тимсоҳлар, эчкиэмарлар, кийиклар экотур объекти бўлиб хизмат қилмоқда.



7-расм. Шри Ланканинг Ҳинд океани соҳилидаги экстремал экотуризмни жалб қилувчи тўлқинлар.

Италия. Ушбу давлатдаги экотуризмнинг ўзига хос хусусияти, уни агротуризм билан биргаликда олиб боришидадир. Чунки агротуризмнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ҳақида алоҳида қонун 1985 йил 5 декабрда қабул қилинган ва шу кун агротуризм туғилган кун ҳисобланади. Италиянинг Кампанья, Пулья, Трентино-Альто-Адидже, Марке и Калабрия каби провинцияларида агротуризм билан экотуризм биргаликда олиб борилмоқда (8–расм). Охириги 15 йил давомида мамлакатда қишлоқ дам олишнинг мавқеи



8-расм. Италиядаги манзарали эко ва агротуризмни биргаликда олиб бориш имкониятига эга ҳудудлар.

яна кўтарилди. Агар 1985 йилда Италия 550 минг агро-эко турист қабул қилган бўлса, 1999 йилда эса бў кўрсаткич 1,7 млн.га етди. Улар ичида чет мамлакатлардан келганлар сони 10 фоиздан 18 фоизга ошди. XX асрнинг 80-йиллар ўртасига қараганда бу соҳада молиявий айланма 7 маротабага ошди, яъни 85 миллиарддан 615 миллиард италия лирасини ташкил қилди. Бу ўринда ҳукуматнинг асосий диққати аграр районлардан ва аҳолини бандлиги муаммо бўлган жанубий районлар – Базиликате, Пулье, Калабрия, Сицилия ва Сардиния каби провинцияларга қаратилган.

Италия давлат статистика институтининг (ISTAT) берган маълумотларига кўра, 1998 йил охирида Италияда агро-эко туризм билан шуғулланувчи 9718та агрохўжалик рўйхатдан ўтган. Бу 1997 йилга нисбатан 14,7% кўпдир. Мазкур хўжаликларнинг 45 фоизи Италиянинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, уларнинг аксарияти Больцано (27,6%) провинциясида жойлашган. Бугунги кунда Италияда агро-эко саёҳларни қабул қилиш учун жиҳозланган деҳқон уйлари сони 9 мингга ва улар бир пайтнинг ўзида 125 минг саёҳни қабул қила олади. Провинциялар орасида Тоскана (34%), Умбрия (14%), Сицилия (7%) етакчилик қилмоқдалар.

Агрохўжаликлар туристик хизмат кўрсатиш бўйича 3 турга бўлинадилар - табиат ва соғлиқ, анъанавий агроландшафт, агроспорт. Уларнинг биринчи категорияси қишлоқ хўжалик ва экотуризмни бирлашган

холда олиб бордилар. Бубу Къянти, Умбрия, Сицилия провинциялари ҳамда минерал сувлар манбаи, кўрикхоналар ва миллий боғлар атрофидаги худудларда жойлашганлар.

Саёҳлар хонадонда, махсус қурилган алоҳида уйларда ёки апартаментларда жойлашиш имкониятлари бор. Агро-экотуристлар хўжаликларнинг апартаментларда – 44%, хонадонлар ва апартаментларда – 22%, фақат хонадонларда – 30%, 4% эса очиқ хавода, яъни палаткаларда яшашни хоҳловчи меҳмонлардир.

Альп тоғи минтақасидаги мамлакатларидек, Италия деҳқонлари хонадонларида саёҳларни қабул қилишда ягона тариф тизими амал қилади ва уларда кўрсатилиши мумкин бўлган хизматга қараб “гул” белигиси уй олдига осилиб қўйилади. Мамлакатдаги кўпгина агроэкохизматлар (85% атрофидагиларда) 2-3 “гулли” хизмат даражасидаги хонадонлардир. Уларда яшаш нархи 25 дан 60 минг лиргача (ўртача \$13-\$35). 5 “гулли” хонадонларда хизмат ҳаққи ўртача 50 минг лирдан (\$30) бошланади. Деҳқон уйларида яшаш ҳақи мавсумий ҳисобланиб, “А” даражадан (базавий) то “Д” мавсум пикигача кўтарилади. Даврлар орасидаги вақт турли минтақаларда турличадир. Мисол учун Тоскана провинциясида, қоида бўйича, яшаш учун бошланғич нархлар февраль охиридан апрель ойининг бошларигача ҳамда октябрь охиридан декабрь ўрталаригача ҳукм суради. Бу ерда “В” давр апрель ойининг бошларидан май ойининг ўрталари ҳамда сентябрь ўрталаридан октябрь ойининг охиригача тўғри келади. “В” даврнинг бошланғич нархлари “А” даражага кўра 125 % атрофида қимматроқдир. «С» даври май ойи охиридан сентябрь охиригача давом этиб, у “А”га нисбатан 140% га қимматроқ. Декабрь охири – январь бошларида янги йил – рождество муносабати билан нархлар 155% атрофида қимматлашади.

Италиянинг жанубида вазият бирмунча бошқачароқ. Яшаш учун бошланғич нархлар Шимолий Италияга нисбатан 7-10% арзонроқ бўлиб, Калабрии, Базиликате, Пулье, на Сицилии ва Сардинияда фақат икки даврга ажратилади: “А” (январь ўрталар апрель бошларидан – май ойининг бошларигача ҳамда октябрь бошларидан декабрь ўрталаригача) ва “В” даврда хизмат кўрсатиш нархлари 10-15% гача ошади.

Деярли ҳамма провинцияларда агроэкотуристик хизмат ёш болаларга ва ёшларга мўлжалланган чегирмалар асосида иш юритади. Қоида бўйича 2 ёшгача болаларга яшаш лекин, 3 дан 12 ёшгача болаларга 20%гача чегирмалар, яъни арзонликлар мавжуд.

Эстония. Болтиқ бўйи мамлакатларидан бўлмиш Эстонияда инсон кўли деярли тегмаган табиат бурчаклари мавжуд бўлиб у асосан кўрикхоналарда учрайди (9-расм). "Ачинарлиси шуки,-дейди эколог олимлар, - Кингисепп районида кейинги пайтларда экологик туризмнинг ривожланиши маҳаллий аҳоли томонидан ривожлантириб келинмоқда. Давлат томонидан ҳеч қандай қўллашлар бўлмапти" (Л.И.Егоренко,) Ҳозирда туристик соҳанинг экологик сектори ривожланиши тенденцияси ўсиб бормоқда. Бу ўзгаришлар фақатгина экологик туризм халқаро илмий дастурларининг ёйилишигина эмас, балки ҳукуматнинг бундай афзал туризм

турини тушуниб етишидадир. Чунки экотуризм районнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда, табиатини муҳофаза қилиш ва миллий маданиятни ривожлантиришга кўмак беради.



9-расм. *Фин кўрфазидagi экотуризм объекти.*

Эстониядаги минтақаларни экотуризм орқали барқарор ривожлантиришда Фин кўлтиғи, Луга ҳамда Нарва дарёлари энг қулай жойлар ҳисобланиб, уларда ажойиб манзарали ландшафтлар кўп. Бу ерда “яшил” сайёҳларни энг қизиқтирган нарса бу Фин кўлтиғи акваториясида жойлашган ороллар - Гогланд, Катта ва Кичик Тюттерлар, Мошний, Сескар ва бошқалар. Ороллар фойдаланувчисининг ҳуқуқий мақоми аниқ қилиб ўрнатилмаганлиги туфайли ҳанузгача улардан экотуристлик мақсадлар фойдаланиш имкониятини бермаяпти. Фақатгина Кингисепп районининг маъмурияти ўзига тегишли оролдан туристик ва рекреацион мақсадда фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқмоқда.

Кургал буюртма кўрикхонасида жойлашган Липовское ва Белое - табиатан тоза кўллар, экотуризм учун топилма бўлди. Улар ҳам тадқиқот, ҳам рекреацион (лицензиялаштирилган ов ва балиқ ови) нуқтаи назаридан қизиқарлидир. Кўлларга яқин ҳудудларда яшовчи фермерлар экотуризмни ривожлантириш учун керакли амалий ва моддий-техник базага эгадирлар.

1999 йил Балтика табиат фонди ташаббуси, Голландия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Табиат ҳамда балиқчиликни назорат қилиш бошқармасининг молиявий кўмаги билан Эстониянинг Кингисепп районидаги қирғоқ зоналарида Умумевропа Кодекси принципларининг мослаштириш лойиҳаси амалга киритилмоқда. Экспертлар гуруҳига Кингисепп районидаги алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларни

кўриб чиқиш топширилган. Натижада у ерларда Умумевропа принципларига амал қилинадиган экотуристлик ҳаракатлар бошланди.

Туризмнинг экологик йўналиши **Кавказ ва Помир тоғли ўлкаларида** ҳам ривожланмоқда. Экотуризм ушбу тоғ тизмаларини камраб олган давлатларга ва маҳаллий аҳолига муайян миқдорда қонуний даромадларнинг кириб келишига хизмат қилмоқда. "Қонуний даромад" дея алоҳида таъкидлашга сабаб, ушбу ўлкаларда XX асрнинг охирида ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар воситасида сармоя тўплаш авжига чиққан эди. Лекин, афсуски, Кавказорти давлатларида, Қирғизистон ва Тожикистонда экотуризм табиий туризмга айланиб кетмоқда. Бунинг оқибатида табиат қўйнига қилинган саёҳат нозик тоғ экотизимларига тиклаб бўлмас даражада моддий зарар келтирмоқда. Айниқса мазкур жараён XX асрнинг 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида авж олган. СССРнинг парокандаликка учраши, экологик назорат ва жавобгарликни йўққа чиқарди. Янги мустақил давлатлар, уюшмалар ва шахслар максимал даражада "мулойим табиатдан" фойдаланиб қолдилар. Натижада Кавказорти ва Помир-Олой тоғли ҳудудларининг 40 фоизи экологик хавфли ҳолатга келиб қолди.

XXI асрда халқаро ташкилотларнинг аралашуви туфайлигина ушбу минтақаларда табиий туризм экотуризм даражасига олиб чиқилмоқда. Мустақил давлатларнинг турли экологик ташкилотларга аъзо бўлиб киришлари, миллий ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишлари, экологик мониторинг ва бошқарув механизмини яратишлари экологик хавфсиз вазиятни секин - асталик билан юзага келтиришга олиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини олиш мумкин. Кавказорти давлатларида экотуризмни ривожлантириш мақсадида авваламбор куйидаги долзарб масалаларни ҳал қилишга киришилди:

- 1) алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўйича экотурист мутахассисликларни тайёрлаш;
- 2) экотуристлик сервисни маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда йўлга қўйиш;
- 3) биринчи навбатда молиявий маблағлар ва инвестициялар киритилган табиий атропоф - муҳит унсурларини сақлаб қолиш.

Мазкур вазифаларни амалга татбиқ қилиш мақсадида, яъни ички ва ташқи туристларни жалб қилиш учун Грузияда – Тушети, Лагожеки, Васлований, Озарбайжонда – Шох-доғ, Арманистонда – Севан кўли, Делижон экотуристлик объектларни ҳамма томонлама тадқиқ қилинди. Улардаги тадбиркорлик фаолияти туристик маҳсулотларни юқори даражада ташкил этиш ва мазмунан уларни англашга қаратилган эди. Барча Кавказорти экотуристлик марказларда нарх-наво сайёҳлик мавсумига ва талабига қараб фарқланади. СССР давридаги миллий туристик маркетинг хизматининг мақсади - асосий истеъмолчини аниқлашдан иборат бўлса, 90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб улар экотуристлик инфраструктурани шакллантириш

билан бошланди, яъни экологик саёҳларни жойлаштириш, уларнинг экологик хавфсизлик даражадаги йўл-ҳаракатларини таъминлаш, ёввойи табиатнинг узоқ ҳудудларига электр олиб бориш ва озик-овқат билан таъминлаш. Экотуризмдан келиб тушган даромадларни тақсимлашда турли уюшмаларнинг тузилиши жуда кўл келди. Масалан, экотуризмдан **маҳаллий миқёсда тушган даромад қуйидагича тақсимланди:**

*Маҳаллий гидлар ва хизмат кўрсатиш ходимлари ўртасида
Овқатланиш, дам олиш, кўнглил очар учрашувларни ўтказиш,
туристларни ва юкларни ташиш ўртасида
Сувенирлар тайёрловчи ҳунармандлар ўртасида*

Минтақавий ва миллий миқёсда экотуризмдан тушган даромаднинг тақсимланиши:

*Авиа ва темир йўл транспорт хизматлари ўртасида
Автотранспортларни ижарага берувчилар ўртасида
Маҳаллий тур операторлар ўртасида.
Асосий шаҳарлардаги меҳмонхоналар ўртасида.*

Экотуризмдан тушган даромадларни Грузия мисолида кўриб чиқсак, унинг 17% экотуристларни мазкур давлатга жўнатаётган ва миллий экотуризмни инвестициялаётган чет эл компаниялари; 19% экотуристларга хизмат кўрсатаётган маҳаллий аҳоли; 44% миллий давлат ташкилотлари ўртасида тақсимланган.

Қирғизистонда туризм, жумладан экотуризм давлат дастури қабул қилингандан сўнг жадал суръатларда ривожлана бошлади. Бунга биринчидан, тоғли ҳудудларда ёввойи тарзда сақланиб қолган жуда катта майдондаги табиат комплекслари ва унинг компонентлари, иккинчидан хусусий туризм ва унга хизмат кўрсатиш соҳасининг хусусийлаштирилиши сабаб бўлди.

Қирғизистонда экспертлар туристларни қуйидаги гуруҳларга бўладилар:

Мамлакатга экотуристик гуруҳлар сифатида келаётгалар;
Қушларни кузатиш мақсадида келаётган туристлар;
Табиати билан муштарак бўлган миллий маданият ва анъаналар мухлислари;
Тоғларда яёв ёки отлар билан сайр қилувчи экотуристлар;
Экзотик табиатда балиқ овчилиги ишқибозлари.

Умуман олганда миллий ва маҳаллий миқёсда экотуризмни ривожлантириш учун хориж тажрибасини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва маҳаллий шароитга мослаштириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари

- * Нима учун экотуризм бўйича дунё тажрибаси ўрганилади ?
- * Экотуризм маҳаллий ёки миллий аҳамият касб этадимми ?
- * Қайси давлатларда экосаёҳатчилар кўпчиликини ташкил этадилар ?
- * Қайси мамлакатларда ёки давлатларда экотуризм кучли ривожланган ?

- * *Европадаги экотуризмнинг бошқа қитъалардаги экотуризмдан фарқи борми ?*
- * *Анъанавий туристик ва экотуристик оқим қандай суъратларда ривожланмоқда ?*
- * *Шри-Ланкада экотуризмнинг қандай турлари (қайси ҳудудлар)да ривожланган ?*
- * *Океан бўйидаги давлатларда экотуризмга хавф солувчи омиллар нималардан иборат ?*
- * *"Италияча экотуризм"нинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?*
- * *Агроэкотур билан экотур ўртасидаги фарқ нимада ?*
- * *Италияда қишлоқ аҳолиси қандай қилиб экотурларга жалб этилади ?*
- * *Экотурларнинг нархи қандай кўрсаткичларга боғлиқ ?*
- * *Эстонияда экотуризмнинг ҳолати қандай ?*
- * *Тогли ўлкаларда экотуристик имкониятлар қандай ?*
- * *Нима учун янги мустақил давлатларда экотуризмга катта эътибор берилмоқда ?*
- * *Экотуризмдан тушган фойда Кавказorti давлатларида қандай тақсимланади ?*
- * *Қирғизистонда экотуризм ҳолати қандай ?*

1.10. Экотуризмнинг келажак истиқболлари

Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) башоратига кўра, 2020 йилга бориб Хитой дунёда туристик йўналишда олдинги ўринга чиқиб олади. Бугунги кунда ушбу мамлакат 22 млн. сайёҳларнинг ташрифи билан олтинчи ўринни эгаллаган ва дунёдаги кучли бешлик – Франция, АҚШ, Испания, Италия ва Буюк Британиядан ўтиб кетмоқчи. Агарда ҳар йили туристлар сони 8 фоизга ўсса Хитойда сайёҳларнинг ташрифи 20 йиллардан сўнг 137 млн.га етиши кўзда тутилмоқда. Гонконг (Сянган) шаҳрининг ўзидаёқ уларнинг сони 59 млн.га етиши мумкин. Экотуризм ҳам бундан мустасно эмас. Унда туризм билан бирга экотуризм ҳозирги суръатларда ривожланса, фақатгина Хитойнинг ўзида 35-40 млн ташқи туристлар оқими кузатилиши мумкин.

Дунё бўйича энг йирик "Буюк ипак йўли" лойиҳаси қатнашчилари олдида ташриф буюрувчилар юқори бўлган давлатларга кирган турмахсулотларни ишлаб чиқиш масаласи турибди. Бунда туристик маршрутлар куйидаги кўринишга эга бўлади: Германия-Ўзбекистон-Хитой, Франция-Қозоғистон-Хитой ва ҳоказо. Агар авиаташишлардан ташқари сайёҳларнинг кундалик ҳаражатлари 5 млрд. АҚШ долларига чиқиши ҳисобга олинса, ушбу фойданинг бир қисми Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлиши мумкин. Халқаро экспертларнинг баҳолашларига кўра, 2020 йилга келиб сайёҳларнинг асосий қисми анъанавий мамлакатларга ташриф буюришади. Бироқ уларнинг бир гуруҳи ўзларига янги бўлган маршрутларни

Ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Ҳисоб-китобларга кўра, узоқ масофага бориш умумий сондан 24%ни ташкил қилади (ҳозирда бу кўрсаткич 18% ташкил қилмоқда). БТТ эксперти З.Клевердоннинг фикрича, "одамлар борган сари узоқ-узоқларга сайёҳат қилишиб, ўзларининг таътилларини бир неча босқичга бўлишади, бунда унинг давомийлигини ўзгартиришмайди".

Рио-92, Йоханнесбург-2002, Квебек-2002 халқаро анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан тарзда Ўзбекистонда экологик туризмга маҳаллий аҳолининг иштирокини тадбиркорлик асосида жалб қилиш дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу ўринда ТАСИС томонидан молиялаштирилган Фарбий Тянь-Шянь резерватининг биологик хилма-хиллигини сақлашга доир халқаро (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикалари) давлатлараро, табиий муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган Халқаро банкнинг ГЭФ дастурлари таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистонда 38 млн. гектардан ортиқ майдонда овчилик – балиқчилик ер майдонлари, жумладан 1.0 млн. гектар сув фонди ерлари мавжуд. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 балиқ турларига эга. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улардан 9 % эндемиклар, яъни фақат бизнинг юртимизга хосдир. Булардан ташқари, Ўзбекистон Осиёнинг қоқ марказида, экотуризм ривожланиши учун қулай геотуристтик шароитга эга. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра ватанимизда нодир умуминсоний археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, дунёда жуда кам учрайдиган геологик кесмлар, 8000 дан ортиқ табиий ёдгорликлари мавжуд¹.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат бионазорати «Табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш» бўлими Жайрон «Экомаркази»нинг 30 йиллик фаолиятига, жайронлар, прежевалск отлари, қулонларни сақлаш ва кўпайтириш, уларнинг эталогияси, биологияси, физиологиясини ўрганиш, ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида «Жайрон экомарказ»ига кўшни, очиқ чўл ҳудудида жойлашган 27300 гектар ерни ташкил этган марказ тажриба участкасини миллий табиий боғга айлантиришга бағишланган буклет-брошюра 3 (ўзбек, рус, инглиз) тилларда чоп этди.

Юқорида қайд этилган туристик кўрсаткичлар ватанимизда экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда салоҳияти буйича дунё экотуризм индустриясида юқори ўринларни эгалласада, лекин амалда Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун чора ва тадбирлар етарли даражада амалга оширилган эмас.

¹ Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза.- Т.: Chinar ENK, 2006.

Бунга мисол тариқасида, Жаҳон Туристик Ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2005 йилда 262 минг туристлар келиб кетган, ваҳоланки Ўзбекистон туристик ресурслари ҳар йили 1 млн.дан ортиқ туристларни қабул қилиш имкониятига эгадир.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотларига кўра, 2005 йилда туристик хизматнинг ҳиссаси Ўзбекистон Ялпи Миллий маҳсулотининг бор йўғи 0,6 % ташкил этди. Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларидан бири муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуристлар учун қулай экотурларнинг яратилмаганлигидадир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325- сонли қарори қабул қилинди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан биргаликда "Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси"ни ишлаб чиқди.

Экотуризм Ватанимизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, нафақат ҳорижий саёҳларни, балки Она ватанимизнинг ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой ва бетакрор табиати билан таништириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини кенгроқ билиш, қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида кўриқхоналар (Сурхон, Нурота, Ҳисор, Бадай-Тўқай, Зарафшон, Қизилқум, Чотқол, Зомин, Китоб), парваришхоналар (Жайрон «Экомаркази», Сайхун хўжалиги) таркибида ва атрофида дунё талабларига жавоб бера оладиган миллий табиий боғларни яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризм объектларининг моддий-техник базасини яратиш учун кўшимча чет эл инвестицияларини келтиришдан иборат. Шундан келиб чиққан тарзда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибида «Экотуризм» илмий-иқтисодий Марказни тузиш нияти бор.

Экологик туризм оқилона равишда ривожлантирилса у экологик инқироз ва талофатларнинг ечимини топишда жуда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунинг учун бугунги кунда мамлакатимизда табиий ресурс етарлича. Улардан ўта самарадорлик билан фойдаланиш экотуризмнинг ҳам бошқа соҳалар каби гуллаб яшнашида муҳим ўрин эгаллайди. Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий муаммоларнинг ва таълимнинг цивилизация даражасида ҳал этилиши билан бир қаторда атроф муҳитни муҳофаза қилишга олиб келади. Масалан:

жамият томонидан табиий атроф муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳамда экотизимларни асраб-авайлаш зарурлиги тушуниб етилмоқда. Шу боис бундай ютуққа эришиш учун барча саъй ҳаракатлар 2 йўналишда олиб борилмоқда ва бу анъаналарни давом эттириш, такомиллаштириш зарур. Яъни барча фондлар фаолияти ва дастурлар бир томондан табиатни асрашга,

иккинчи томондан эса экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган. Шу ўринда Оролни кутқариш фонди амалга ошираётган тадбирлар ҳам эътиборга сазоворлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу фонд нафақат Орол фожеасини тадқиқ қилмоқда, балки бир вақтнинг ўзида уни тиклаш бўйича инвестицияларни жалб этмоқда. Шу мақсадда ўтказилаётган бизнес-турлар, илмий конгресс – турларда кўплаб чет эллик туристлар иштирок этмоқдалар;

ерлардан фойдаланишдаги янгича ёндашувларнинг вужудга келиши кўплаб давлатлар зарари катта ишлаб чиқариш тармоқларини экотизимлари заиф ерлардан узоқлаштириш ҳасобига у ерларда экологик туризмни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада табиий муҳитнинг ифлосланишининг олди олинмоқда;

экотуризмда янгидан-янги объектлар бўйлаба саёҳат турларини излаб топиш ва қизиқувчиларни жалб этиш зарур бўлади. Масалан, қовун пишиғи даврида поллизлар бўйлаб, пахта йиғим-терим даврида пахта далаларига ёки бошқача саёҳатларни уюштириш. Норвегияда қулупнай, Францияда вино тайёрлаш плантация(узумзор)лари бўйлаб туристик саёҳатлар мунтазам равишда уюштирилиб турилар экан.

Туристлик соҳанинг ривожланишини баҳолаш унинг келажак истиқболларини айтиб беришга имкон яратади. Тўғри ва аниқ белгиланган башорат эса Ўзбекистонни нафақат демографик ва ижтимоий жиҳатдан, балки ташқи ва ички сиёсат, интеграция, экологик вазият, фуқароларнинг хавфсизлиги каби бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга олиб келиши мумкин. Масалан, ҳозирда БТТ 2020 йилга назар солмоқдаки, унда янги мустақил давлатларнинг туристик имкониятларидан кенг ва атрофлича фойдаланиш бирламчи масалалар қаторидан жой олган. Зеро Ўзбекистон каби ўлкаларда нафақат тарихий, балки унинг бетакрор табиати билан боғлиқ бўлган сайёҳлик имкониятлари жуда катта.

Экотуристлик муаммоларнинг ечимини топиш учун олимлар ва мутахассислар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришлари, қулай ҳуқуқий маконни юзага келтиришлари ва албатта, 2002 йил қабул қилинган Квебек декларациясидаги кўрсатмаларни босқичма-босқич амалга тадбиқ этишлари зарур бўлади.

II. АМАЛИЙ ҚИСМ

2.1. Экотуристик маршрутлар тушунчаси ва мазмуни

Экотуристик маршрутлар ёки экотурлар деярли ҳамма экотуристик сайёҳликнинг асоси бўлгани учун ҳам унинг тушунчаси ва моҳиятини билиб олиш зарур.

Экотуристик маршрут – сайёҳларнинг муайян йўналиш бўйича табиат билан боғлиқ бўлган дам олиши, спорт билан шуғулланиши, соғломлашиши, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириши каби мақсадларни кўзлаган экологик йўсиндаги ҳаракатлари.

Экотуристик маршрутлар тушунарли ва оммабоп бўлиши учун турнинг концепцияси (дунёқараши) тўлалигича ёритиб берилиши, саёҳатнинг ижобий томонларини намоён қилиши, сервис ва қулайликларнинг оптимал хусусиятларини белгилаб бериши керак. У, юқорида зикр айтилганидек, турли мақсадда, турли ёшдаги ёки ижтимоий ҳолатдаги кишиларнинг имконият даражасига қараб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Кўпгина ҳолатларда экотуристик маршрутларни қизиқарли, кенг кўламли ва даромадли қилиш учун улар бошқа турдаги туристик маршрутлар билан қўшиб олиб борилади.

Масалан: “Елена-тур” туристик фирмасининг **“Пском тизмаси бўйича” отларда** амалга ошириладиган 2 кунлик экотуристик маршрути этнографик туризм билан «омухта» қилинган. Унда:



1- кун. Тошкентдан тоғдаги Бурчмулла қишлоғига етиб бориш (120 км., 2 соат), маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва ҳаёти билан танишиш. Чорвоқ сув омборида дам олиш ва чўмилиш. Яккатут қишлоғи хонадонларидан бирида тунаш (а.б. 900 м).

2- кун. Човод сойининг юқори қисмига отларда саёҳат қилиш. Келинчак (а.б.2355 м) довонига кўтарилиш. Фарбий Тянь-Шань тоғ тизмалари билан ўралган Чорвоқ сув омборини юқоридан туриб томоша қилиш. Нанай қишлоғидан (а.б.880м) Пском дарёси водийсига тушиш. Маҳаллий аҳоли хонадонида тўхташ. Кечки томон Тошкент шаҳрига Сижжак орқали қайтиб келиш (120 км., 2 соат).

Треккинг - “Кулсой йўлкалари бўйлаб”: 1 – кун. Тошкент шаҳридан тоғдаги Бурчмулла қишлоғига етиб бориш (120 км., 2 соат). Хонадонга ёки чодирларга жойлашиш. Чорвоқ сув омбори қирғоғида дам олиш.

2 - кун. Эрта билан қишлоқдан маршрут бўйлаб йўлга тушиш. Унча қиялиги катта бўлмаган Тиксой довонига (а.б.1560 м) кўтарилиш (1 соат 30

дақиқа). Чорвоқ сув омбори, Овқашқа, Катта Чимён (а.б.3309 м), Кичик Чимён (а.б.2099 м) чўққиларини томоша қилиш. Чорвоқ сув омборининг кирғоғида дам олиш. Оқшом Тошкент шаҳрига қайтиб келиш (120 км., 2 соат).

Ҳозирги кунда қоидага кириб қолган ҳолатлардан бири ҳар бир экотуристик маршрутларнинг ички мазмунини белгилаш учун аввал унинг мақсади, экотур ўтказилиши кутилаётган объект, ундаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ўйлаб кўрилади. Айрим мутахассислар¹ экскурсияларни ўтказишдан аввал қуйидаги амалларни бажаришни тавсия этадилар:

шаҳарлар билан унинг атрофидаги жойлар, қишлоқ жойлари ва табиий ландшафтлар алоқадорлигини аниқлаш;

табиий атроф муҳитга, ландшафтларга, табиатдан фойдаланиш тарихига эътиборни қаратиш;

кишилар фаолияти таъсири остида ландшафтларнинг ҳозирги кўриниши ва келажак истиқболларига, яъни динамик ҳолатига эътиборни қаратиш;

ландшафтларнинг экологик ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш йўллари ишлаб чиқишни режалаштириш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тури ва уларнинг мақомини аниқлаштириш;

саёҳатчиларнинг экологик онги ва маданиятини кўтаришнинг ечимини топиш.

Экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишда сайёҳлик объектининг рельефи, тупроғи, тоғ жинслари, ер ости ва усти сувлари, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотларни мукамал ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қўшимча маълумот сифатида жойнинг экотизимлари, табиатни муҳофаза қилишга оид олиб борилаётган тадбирлар ҳамда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ахборотлар берилса туристик маршрутлар ҳақиқий экологик йўналтирилган бўлади. Экотурларни ўтказишда 3-жадвалда кўрсатилган маршрут схемалари ва унга оид маълумотлар бўлиши талаб этилади.



¹ А.Таксанов. Азбука туризма. -Т.: 2005. С.39-41.

3-жадвал. Экотуристик маршрутларнинг назорат варағи (А.Таксанов)

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>Турлар</i>	<i>Мисоллар</i>
Маршрут номи ва тури	Ўқув-ўрганиш Маънавий-маърифий Жисмоний тарбиявий-соғломлаштириш Этнографик ва ҳ.к.	Хумсон қишлоғи атрофидаги тоғларга “Кумуш кўза афсонаси”
Кимларга мўлжалланган	Якка тартибда Гуруҳларга Ёшларга Нафақахўрларга ва ҳ.к.	Гуруҳлар бўйича (2 кишининг назорати остида)
Гуруҳларнинг оптимал сони, киши хисобида	Камида 3 кишилик 10 тагача 10 -15 кишилик 15-25 кишилик ва ҳ.к.	17 ёшдан кам бўлмаган кишиларга
Маршрут давомийлиги, кун	7 соатгача 7соатдан 14 соатгача 1 суткалик ва ҳ.к.	8 соатлик 5 та 15 дақиқалик дам олиши билан
Маршрут узунлиги, км	5 км гача 5-10 км 10 км ортиқ ва ҳ.к.	2 йўналишдаги узунлик – 24 км.
Агарда маршрут даражаларга ажратилса уни кўрсатиш лозим	Енгил Ўзлаштириш мумкин Оғир Жуда оғир	Ўзлаштириш мумкин
Даврийлик	Баҳор Ёз Куз Қиш Йил давомида	Ёз
Қўлланиладиган транспорт тури	Велосипед Қайиқ Отлар Параплан Жиплар ва ҳ.к.	Отда
Ҳаракат тури	Яёв Чанғида Велосипедда	Отда ва яёв

	Сув орқали ва ҳ.к.	
Керакли анжомлар	Шахсий Ижарага олинади	Шахсий
Жойлашиш шароитлари	Меҳмонхонада Хонадонлардаги меҳмонхоналарда Хусусий хонадонларда Турбаза Палаткада	Хусусий хонадонда
Маршрутларда овқатланиш	Хусусий пакет Умумий овқатланиш жойи	Нонушта –уйда, тушлик – тўхташ жойида, кечки овқат хонадонда. Йўлда хусусий пакет (минерал сув ва курук мевалар)
Асосий томоша килиш объектлари	Тоғлар, кўллар, дарё ва сойлар, ўсимлик ва хайвонот дунёси, ландшафтлар, қурилишлар ва ҳ.к.	Канъон, авлиё жойлари, тоғ ландшафтлари, ноёб ўсимлик ва хайвонот дунёси
Мутахассислар	Гид экскурсовод, Ошпаз Таржимон Отбоқар ошпаз ва ҳ.к.	Гид – таржимон ва отбоқар
Хизмат нарх-навоси	Ўзбек сўмида Америка долларарида Еврода ва ҳ.к.	Хар бир сайёҳдан 40 америка долларарида
Олиб борилган маршрутлар	Маршрутларда қатнашган сайёҳлар сони	25 киши
Маршрут паспорти	Маршрут схемаси ва сертификати. Расмлар ва фотографиялар. Карталар	Схеа ва сертификатлар бор
Ким экотуристтик хизматни таклиф этади	Фирма, Хусусий тадбиркор ва ҳ.к.	Фирма "Елена – тур"

Жадвалда келтирилган талаблар мажбурий эмас, балки тавсия кучига эгадир. Ушбу кўрсаткичлар, турлар ёки мисоллар экотурларни ташкил этаётган фирма ёки шахсларнинг ҳолати, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари ҳамда шароитларига қараб турлича бўлиши мумкин.

2.2. Экотур талаблари ва тавсиялари

Бошқа туризм турларидан фарқли равишда экотуризм табиатда саёҳлар ноқулай шароитларда экотурларга олиб борилгани учун ҳам кўзда тутилган ёки тутилмаган турли салбий ҳолатларга дуч келиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам экотуристтик маршрутларда иштирок этувчиларнинг барчасига, ҳеч ким бу ерда истисно этилмайди, мажбурий талаб ва қоидалар белгиланади. Уларни бажариш нафақат сайёҳларнинг, балки табиий муҳит унсурлари ва комплексларининг, ташкилотчиларнинг ҳамда маҳаллий аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш, уларни эълон қилиш ва ўтказишда, албатта экотуризмнинг туб мазмуни ва моҳиятини тушунтириб ўтиш керак. Иложи бўлса ёзма равишда реклама ва эълонларда экотуризм бу инсонлар яшаб турган табиатни муҳофаза қилишга қаратилган туризм эканлиги, экологик сайёҳлик қилиш учун кишиларнинг қилган сарф-харажатлари охир оқибатда уларнинг туристик маршрути орқали маълум даражада табиатга етказган зарарларини қоплаш учун сарфланишини тушунтириш лозим. Шундагина биз экологик сайёҳликнинг мақсадига етиб борган бўламиз.

Экотуристтик маршрутлардаги талабларни 3 қисмга ажратиб изоҳлаб бериш мумкин:

1.Экотуристтик маршрутларга чиқишдан аввал экотуристтик ташкилотлар ва экотуристлар учун қўйиладиган талаблар.

Экотуристтик ташкилотларга:

экотуристтик маршрутларнинг экологик йўналтирилганлигини аниқлаш, тегишли табиий шароитларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш;

экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш ва уни табиатни муҳофаза қилиш бўйича туман ёки шаҳар бўлинмаларида тасдиқлатиб олиш;

саёҳатчиар учун шахсий ва экологик хавфсизлик йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва уларга оид кўрсатмаларни чоп этиш;

саёҳатчиларни йўриқнома билан таништириш ва улардан тегишли талаблар билан танишганликлари ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштириш ва ҳ.к.;

экотуризмнинг илғор тажрибалари билан таништирувчи видео ва телекўрсатувларни намойиш этиш;

доимий алоқа воситаларини тайёрлаш;

профилактика нуқтаи назардан салбий характердаги видео ва телекўрсатувларни ҳам намоеён этиш ва ҳ.к.

Экотуристларга:

ўз имкониятлари, яъни саломатлиги, ёш жиҳатлари, ижтимоий фаоллиги, жамоа билан қўшила олиши каби ҳолатларни тўғри баҳолаш ва шунга яраша экотуристтик маршрутни танлаш;

экотуристтик ташкилотлар кўрсатмаларининг барчасига оғишмай амал қилиш;

тегишли йўриқномалар ва кўрсатмаларни талаб қилиб олиш ва унга тайёрланиш;

табиат ҳодисаларини инобатга олган тарзда тегишли анжомлар, кийим-кечак, ўта зарур бўлган ашёларни мужассамлаш;

2. Экотуристтик маршрутлар давомида:

Экотурларни олиб борувчиларга:

режалаштирилган сайёҳлик маршрутларига қатъиян амал қиилиш, зарурат бўлган тақдирдагина ва йўриқнома асосида унга ўзгартиришлар киритиш;

тегишли бошқарув ва назорат органлари, ёрдам кўрсатиш идоралари билан доимий алоқада бўлиш;

бошловчи ва якунловчи гидларнинг ўз вазифасини ва тегишли хавфсизлик қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

Экотуристларга:

ўзбошимчалик билан маршрутларга чиқиб кетиш;

табиат унсурларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлиш;

емишли ёки доривор ўсимликларни йиғиш ва уларни жамлаш;

минераллар ва тошлардан эсдалик совғаси сифатида олиб кетиш;

ўт ёқиш ёки кечки гулханрларни уюштириш;

хоҳлаган жойида чекиш ёки чиқиндиларни хоҳлаган жойга ташлаш;

маршрутларга радио ёки магнитофонларни, яъни табиат ва сайёҳ учун халақит берадиган нарсаларни олиш ва ҳ.к.

3. Экотурстик маршрутлардан сўнг:

Экотурларни якунловчи ташкилотларга:

экотурларнинг якунлаганликлари ҳақидаги хисоботни топшириш;

экотурларни ижобий ва салбий томонларини ёритиб бериш;

экотурларни яхшилаш мақсадида таклифлар бериш ва ҳк.

Экотуристларга:

экотурларнинг қандай ўтганлиги ҳақида ёзма ёки оғзаки ахборот бериш;

ахборотда экотуристтик маршрутларни яхшилаш ҳақида таклиф ва мулоҳазаларини билдириш;

кўрган кечирганлари ҳақида кундалик дафтар тутиш (тавсия тариқасида)

эсдалик альбомлари, видео кўрсатувлар ва дафтарларни яратиш (тавсия тариқасида) ва ҳ.к.

Юқорида келтириб ўтилган талаблардан ташқари экология ва туризмга оид қонун ҳужжатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тегишли қарор, фармон ва фармойишлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг кўрсатмаларини инобатга олиш керак бўлади.

2.3. Ўзбекистондаги экотуристтик ташкилотлар ва экотурлар

Ўзбекистон Республикасида умумий туризм индустриясининг жадал суръатларда ривожланиши экоутизмга ҳам ўз ижобий натижаларини ўтказди. Кейинги пайтларда бевосита экотуристтик маршрутлар билан шуғулланадиган марказлар ва ташкилотларнинг сони 12 тагача етди. Билвосита тарзда туризмнинг бошқа турлари билан бир қаторда экотуризм билан шуғулланадиган турташкитотларнинг сони 30 дан ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси юридик шахс мақомида фаолият юритаётган экотуристтик ташкилотлардир. Лекин юзлаб жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтган, ундан ҳам кўплари давлат рўйхатидан ўтмаган тарзда табиий туризм билан шуғулланмоқдалар. Тегишли туристик фаолиятни олиб бориш лицензиясига эга бўлмаган жисмоний шахсларнинг деярли ҳеч бирида соф экологик туризм фаолияти олиб борилмаяпти. Чунки уларнинг ҳаммаси давлат ва маҳаллий жамоат бирлашмаларига тегишли экологик тўловларни тўламайдилар, экологик билим ва маданиятга эга эмаслар, экотурлар тегишли экологик жихатдан сертификатланмаган.

Экологик туризмнинг халқаро маркази Экосан-тур ташкилоти асосий экотурларни тақдим этади. Улар асосан Нурота Давлат Қўриқхонаси, Зомин миллий боғи, Ғарбий Тянь-Шань тоғларига пиёда ва отларда экотуристтик маршрутлар. Экосан-тур Қизилқумга туяларда саёҳат, шунингдек тоғ ва текислик дарёларида рафтларда сузиш, Ўзбекистон бўйлаб овчилик ва балиқ овлашни уюштиради.

Экосан-турнинг асосий маршрутлари Ғарбий Тянь-Шанга тоғ тизмаларига тегишли бўлиб, уларга:

- Чимён - Тахта Джайлау довони треккинги;
- Чимён - Кичик Чимён чўққиси треккинги;
- Чимён - Оқ сой дараси - Қора Шаршара треккинги;
- Чимён-Қумли довон-Гулқамиш дараси треккинги ;
- Белдирсой-Нурекота-Оқсоғота-Кумушкон отдаги тури.



Ундан ташқари Экосан-тур туристларга Нурота давлат қўриқхонасига 6 кунлик треккинг ва отларда, Зомин миллий боғига 3 кунлик треккинг ва отларда, Қизилқумга 2 кунлик туяда саёҳат турларини тақдим этади.

Навоий шаҳридаги экскурсия ва саёҳат бюроси 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, у комплекс турларни тақдим этади. Навоий экскурсия ва саёҳатлар бюросига қаршли Навоий туристик база Айдарқўлда жойлашган. Унда асосан тўртта ўтов, иккита чодир ва иккита тепа томони ёпилган

ёпинғичлар киради. Фирмаларга қарашли 10 та туя бир суткада 100 та саёҳатчига хизмат кўрсата олади.

1999 йилда ташкил этилган Арк-Осиё хусусий фирмаси анъанавий экотуристтик саёҳатлардан ташқари комплекс (треккинг, тоғ чанғи, от ва туя, велосипедларда сайёҳат) турларни ҳам тақдим этади.

Қорақум-Тур (Хива) фирмаси ўзига хос кечки Қорақумга саёҳатларни тақдим этади. Бу саёҳатлар кечки 17.00 дан 22.00 гача ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги экскурсия ва саёҳат бюроларининг ўзига хос жиҳатлари мамлақатимизда қайтарилмас табиатига эга бўлган Устюрт платосига, Амударёнинг куйи оқимидаги кўлларга, Қорақалпоғистоннинг Қизилқум чўлларига қилинадиган экотурлардир.

Ўзбекистоннинг саёҳатчилар Ассоциациясига тегишли бўлган Рабат Малик экотуристтик ташкилоти томонидан ҳам экотурлар ишлаб чиқилган. Рабат Малик 2000 йил 15 мартда, яъни сайёҳатчилар кунда ташкил топган. Ассоциацияга 22 ташкилот аъзо. Уларнинг барчасида экотурлар уюштирилади. Булар асосан Ғарбий Тянь-Шянь тоғларига уюштириладиган - "Қумуш кўза", "Хумсон", "Қумушқон" каби экотуристтик маршрутлардир.

Европа Иттифоқи томониан қўллаб қувватланаётган "Ғарбий Тянь-Шянь биологик хилма-хиллигини сақлаш лойиҳаси" рукнида "Барқарор фаолият ривож ва экотуризм" дастурини ишлаб чиққан. Унда тоғ экотизимларини сақлаб қолиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни экотуризмни ривожлантириш орқали амалга ошириш мақсад қилиб олинган. Рабат Малик ассоциацияси маҳаллий аҳоли орасидан тур операторларни танлаб олади ва уларни гид сифатида тайёрлайди. "



2.5. Ўзбекистон □удудини экотуристтик районлаштириш

Географик фанларнинг предметида бири тадқиқот объектини турли мақсадларда районлаштиришдир. Районлаштириш орқали муайян табиий географик комплексларнинг ҳолати баҳоланади, тегишли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва тавсия этилади, уларнинг оптималлаштириш хусусиятлари назорат қилинади, келажак истиқболлари башоратланади. Ушбу худудий табақаланиш ёки қисмларга ажратиш нафақат Географияга, балки барча табиий, гуманитар, ижтимоий фанларга ҳам хосдир. Масалан, Конституциявий ҳуқуқда маълум бир давлат худуди унинг катта-кичиклиги, аҳолисининг зичлиги, миллий-этник таркибига қараб турли қисмларга табақалаш асосида бўлинади. Гарчанд бундай қисмлашни Ҳуқуқшуносликда «маъмурий бирликларга ажратиш», Тупроқшуносликда эса "тупроқлар

классификацияси" деб юритилса-да, лекин унинг асл мақсади ва моҳияти районлаштиришдан иборатдир.

Район сўзи амалиётда икки хил маъно касб этади. Биринчиси, муайян бўлинган географик, геологик, ботаник, иқтисодий ва шу каби худуд. Иккинчиси - собиқ Иттифоқ ёки ҳозирги Россия Федерациясидаги маъмурий бўлинма.

Географияда эса одатда “район” табиий географик ёки иқтисодий-географик бўлинма сифатида ишлатилади. Лекин ушбу географик таксономик бирлик айнан шу икки кўринишда бўлиши керак, деган сўз эмас. Чунки географик фанлар тармоғи жуда кенг ва уларнинг ҳар бирида ўзига хос бўлган районлаштириш ишлари олиб борилади. Масалан - рекреацион, геоэкологик, геоморфологик, геодемографик, геополитик, геокартографик, геоботаник районлар ва ҳ.к.

Ўзбекистон учун янги фан соҳаси - Экологик туризм (Экотуризм) жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. У ҳозирча ҳеч бир умумэътироф этилган фан тизимига кириши кераклиги ҳақида ягона фикр йўқ. Лекин, Экотуризм бевосита Географиянинг уч асосий предмети – табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг худудийлик, даврийлик ҳамда комплекслик хусусиятларини тадқиқ қилиш нуқтаи назардан қараши шубҳасиздир. Чунки сайёҳларнинг экологик йўналтирилган туризми – табиати турлича номоён бўлган худудларга, уларнинг табиат компонентларидан (тупроқ, сув, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғ жинслари, рельефи) комплекс фойдаланилган тарзда камида 24 соатлик даврга чўзиладиган ҳаракатидир. Бу ерда Географиянинг, хусусан Табиий географиянинг уч элементи номоён бўлмоқда ва шунинг учун ҳам уни географик фанлар тизимида кўриб чиқиш мумкин.

Экотуристтик районлаштириш – маълум бир худудни унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари нуқтаи назаридан бўлималарга ажратиш.

Ушбу тадқиқотда миллий маъмурий бирлик, яъни Ўзбекистон Республикасини, унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболларига қараб муайян бир районларга ажратиш мақсад қилиб олинган. Республика амалиётида ушбу йўналишдаги районлаштириш ишлари олиб борилмаган. Лекин, экотуристтик районлаштиришда миллий давлат чегараси ёки унинг бир қисмида олиб борилган тадқиқотлардан ҳамда амалиёт тажрибаларидан атрофлича фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Географияда одатда икки хил районлаштириш тури мавжуд - регионал ва типологик.¹ Регионал районлаштириш экотуристтик мақсадларда жуда қўл келишини тўрт ҳолат билан асослаш мумкин:

Ўзбекистоннинг муайян табиий географик комплексини сайёҳларга кўрсатиш билан иккинчи бир табиий географик комплексни ҳам

¹ Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование.- М.: Высшая школа, 1991. – 366 с.

таништирдик, дея олмаймиз, зеро туристик жихатдан табиат қайтарилмас ва беўхшашдир;

иктисодий самарадорлик нуқтаи назаридан кўпгина ҳолларда экотуризмни тарихий, диний, маънавий-маърифий туризм билан бирга олиб бориш аниқ бир имкониятдан келиб чиқади ва уни ҳозирча инкор этиб бўлмайди;

аҳолининг экологик онги ва маданиятини ҳар бир жойнинг ўзида амалга ошириш кўпроқ экологик самара беради;

туризм экологик характерда бўлиши учун албатта сайёҳликдан келган фойданинг маълум бир қисмини экотуристлик объектдаги табиатни муҳофаза ишларига қаратиш лозим.

Ўзбекистон ҳудудини регионал экотуристлик районлаштиришда унинг ҳудудий яхлитлиги, комплекс ёндошув, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик каби қоидаларга амал қилишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга яна қуйидаги геозкологик принципларга амал қилиш лозим деб топилди.

геотизимларнинг антропоген, табиий ва табиий-техноген ўзгарувчанлиги;

экотуризмни бошқа туризм турлари билан биргаликда олиб бориш самарадорлиги;

маданийлаштирилган ландшафтларда агроэкотуристлик имкониятларнинг юқорилиги;

экологик тадбирларни олиб бориш имкониятининг яратилганлиги ва ҳ.к.

Табиий географик жихатдан Ўзбекистон ҳудуди 9 районга, иктисодий географик нуқтаи назардан эса 8 районга бўлинади. Экотуристлик районлаштиришда биз қатъан табиий ёки иктисодий географик районлаштиришни асос қилиб олганимиз йўқ. Чунки экотуристлик районлаштириш, гарчанд табиатни объект сифатида қараса-да, лекин сайёҳлар ва уларнинг туристик ҳаракатлари ижтимоий характерга эга. Районларни номлашда бир пайтнинг ўзида ҳам табиий географик атамалардан, ҳам иктисодий-ижтимоий географик атамалардан атрофлича фойдаланишга ҳаракат қилдик. Экотуризмнинг мақсади эса ундан тушган сармояни табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклашга йўналтирилган моддий ва молиявий сарф-ҳаражатлардан иборатдир¹.

Экотуристлик районлаштиришнинг илмий асоси сифатида қуйидаги геозкологик таснифий белгилар олинди:

ҳар бир табиий географик комплекс қайтарилмас экотуристлик имкониятларга, яъни регионаллик хусусиятларига эга;

экотуристлик объект чегараси доим ҳам маъмурий чегарага тўғри келавермайди, яъни у табиий географик комплекс таъсир доирасида туради ва

¹ А.Нигматов, Н.Шомуротова. Экологик туризм — янги фағн соҳаси Ўзбекистон экологик хабарномаси. 6-сон, 2004 17-19-б.

шунинг учун ҳам ундан комплекс фойдаланиш имконияти очиб берилиши лозим;

табиатга уюштирилган сайёҳлик моҳиятида табиатни муҳофаза қилиш, туристларнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш масалалари туриши лозим;

экотуристик районларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг жозибadorлигини намоён этиш учун экотуристик маршрутларни тарихий, табиий, маънавий-маърифий, диний каби туристик саёҳатлар билан бирга олиб бориш имкониятини ҳисобга олиш;

экотуристларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятини юзага чиқариш ва ҳ.к.

Юқорида айтиб ўтилган илмий принцип ва асосларга биноан биз Ўзбекистон ҳудудини 14 та экотуристик районга ажратдик (10- расм):

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг экотуристик районларининг чегараси ва уларнинг катта-кичиклиги табиий географик районларга яқинроқ келади¹, лекин айнан ўзи эмас. Зеро экотуризмнинг объекти табиат ва унинг комплекслари, предмети эса унинг туристик имкониятларидир.

Агар биз Ер қурраси бўйича регионал экотуристик районлаштиришни амалга оширсак (афсуски, бундай тадқиқот ханузгача олиб борилмаган) Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг марказий қисмини эгаллаган бўлар эди. Унда икки катта – Ғарбий Тянь-Шань ва Помир- Олой тоғли ҳамда Қизилқум- Орол- Устюрт текислик қисмларни ажратиш мумкин бўлар эди. Лекин экотуризмнинг юқорида айтиб ўтилган илмий асослари мазкур районлаштириш даражасида бунинг имкониятини бермайди. Унга мисол қилиб Фарғона, Қашқадарё ва Сурхандарё экотуристик районларини олса бўлади. Қуйи таксономик экотуристик районлаштириш даражасида бунинг имконияти бор.


Ҳар бир ажратилган район ўзининг экотуристик ҳолати, имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради.

1. Устюрт экотуристик райони. Устюрт – Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий – Қорақалпоғистонда жойлашган плато (ер юзаси кам парчаланган ясси текислик). Унинг майдони жуда катта (200 минг км²), йўллари асфалтсиз, нотекис бўлгани учун ҳам экотуристик маршрутлар "джип" русумдаги машиналар, самолёт ёки вертолётларда олиб борилгани маъқул. Устюртнинг сайёҳларни ўзига жалб қиладиган экотуристик объектларига:

"Чинк" - дунёда энг катта ва ягона 60-150 метрлик тик қояли жарлар билан ўралган плато;

¹ Когай Н.А. Физико-географическое районирование // Узбекская ССР.- Т.: Энциклопедия, 1981.- С.54-59.

Узбекистон
Республикасининг
экотуристик районлари



доимий оқар сувларга эга бўлмаган, лекин ер ости сувларига эга супасимон текислиги;

даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта (1000 км²) тузли Борсакелмас шўрхоки. Унда ўсимлик дунёси деярли йўқ. Ош тузи ва балчикли тузнинг қатлами 16-27,5 м гача боради. Янги очилган Қўнғирот сода заводи айнан Босакелмас тузлари ҳисобига қурилган;

неолит давридан қолган "Устюрт макони". Унда қадимий одамлар яшаган 60 га яқин табиий объектлар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам тарихий, ҳам экотуристлик аҳамиятга молик "Темпа" макони бўлиб, ундан археолог С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедицияси 1300 дан ортиқ чақмоқтош қуроқларини топган.

II. Орол ва Оролбўйи райони экологик инқирозли экотуристлик ҳудуд бўлгани учун ҳам унда юзага келган экологик инқироз ҳолати асосий экотуристлик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристлик маршрутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида турган Орол атрофи ҳудудларини қамраб олиши зарур. Экотурларни нафақат трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга ошириш лозим. Зеро у юқоримасофадан туриб катта ва текис майдонни визуал кузатиш имкониятини беради. Орол денгизининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашаган ва кундан кунга катталашиб бораётган Борсакелмас ороли инсонларни атроф табиий муҳитга салбий таъсирини акс эттирувчи экотуристлик объектдир. Чунки унда нафақат кенгайиб борётган қуруқлик юзаси, балки собиқ СССРнинг ноэкологик фаолияти ҳам намоён бўлади. Унда Қозоғистон Республикаси Борсакелмас қўриқхонаси ташкил қилинган.

III. Амударё райони. Амударёнинг ўзанига яқин ҳар иккала соҳилларида тўқайзорлар мавжуд бўлиб, улар экотурлар учун жуда қизиқарли ноёб ландшафт кўринишлардан ҳисобланади. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилида тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадайтўқай қўриқхонаси ташкил этилган. Унга маърифий-маънавий мақсадда ташриф буюришни уюштириш лозим. Орнитофаунани сақлаш учун Хоразм буюртмахонаси ташкил этилган. Булардан ташқари Қизилқумнинг ғарбий қисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, кембрий ва кембрийгача бурмаланган тоғ жинслари очилмаларидан иборат, баландлиги 485 метрлик Султон Вайс тоғларига экотурлар уюштириш мумкин. Амударё районида Ўзбекистоннинг қўхна ўлкаларидан бири Хоразм жойлашган. Хоразмдаги архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири ҳисобланади. Экотурларни тарихий турлар билан комплекс олиб бориш тавсия этилади.

IV. Қизилқум райони чексиз қумликлардан иборат бўлса-да, лекин бой ўсимлик ва ҳайвонот оламига эга. Жилоланиб турадиган эол рельеф шакллари - қум марзалари, дўнг қумликлар фақатгина шу ерга хос бўлган гўзал табиат манзараларига эга. У "сахро кемаси" – туяларда экскурсиялар уюштириш экзотик туризмни эслатади. 1971 йилда ташкил этилган ва 10,3 минг га майдонда жойлашган Қизилқум Давлат қўриқхонасида тўқай ва чўл ландшафтига хос бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар муҳофаза этилади. Экотуристлик объектлардан бири бўлган қўриқхонада бухоро буғуси (хонгул),

тўнғиз, қирғовул, эчкемар, жайрон, қум чархилони, туркистон кобраси ва хаттоки, Пржевальский отлари сақланади. Кўркам табиат ўртасидаги овулларда меҳмон бўлиб, юлдузли осмон остида кечани ўтказиш сайёҳларга завқ бағишлайди. Қизилқумда баҳор ойларида кишиларга эстетик завқ бериб, ҳордиқ чиқарадиган чиройли гулли ўсимликлар - лола, чучмома, эремурус, бойғалча, лолақизғалдоқ, бойчечак кабилар ўзгача гўзаллик касб этади. Қизилқум райони йилнинг барча фаслларида ажойибдир. Туялар карвони эса унга яна-даэкзотик тус беради ҳамда унинг жозибадорлигини ортттиради.

V. Нурота райони ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота тоғ ёнғоқзор-мева кўриқхонаси мавжуд. Бу кўриқхонага "Экосан" ҳузуридаги "Экосантур" фирмаси томонидан кўплаб маршрутлар уюштирилган. Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган, шамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат харсанг тошли "Санжигумон", "Кориз қолдиқлари" каби табиат ёдгорликлари экотуризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади.

Нурота тоғ олдида жойлашган "Чашма булоғи" кўп асрлардан буён Нурота шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаш билан бир қаторда диний зиёратгоҳдир. Булоқ яқинида "Чилистун" масжиди, мадраса, Абул Хасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Чашмадаги балиқлар муқаддас ҳисобланади. Булоқдан таралаётган нур инсон нигоҳини лол қолдиради.

Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида "Сармиш дараси"даги қояларда аждодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.

Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м, майдони 163 м² келадиган "Майдон карст ғори", Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, абсолют баландлиги 1100 м, майдони 70 м² келадиган "Хонаихудо карст ғори"да спелеотуризмни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган "Работ Малик карвонсаройи" сайёҳларнинг тўхташ жойи, шунингдек савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работ Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданият ёдгорлиги – сардоба мавжуд. Ер ичига 12 м. ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

VI. Зарафшон районида Зарафшон дарёси қайирларида жойлашган тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштрилган "Зарафшон кўриқхонаси" мавжуд. Бухоро вилоятининг Шофиркон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорлик (Варданза шаҳар харобалари) давлатнинг алоҳида эътибори билан кўриқланади. "Варданза кўриқхонаси", "Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш буюртмахонаси", Қоровулбозор хўжалигида жойлашган "Жайрон-экомаркази", сув ва ботқоққа мослашган қушларни кўпайтирувчи "Денгизкўл буюртмахонаси", Зарафшон тоғ тизимларидаги Омонкўтон ва Темурланг карст

ғорлари, Зарабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмаларидаги кўп қаватли "Ғунтак ғори" кабилар. Зарафшон экотуристлик районида Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари Самарқанд ва Бухоро жойлашганлиги туфайли ҳам экотурлар якуни тарихий-диний архитектура ёдгорликларига қилинадиган сафарлар билан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

VII. Айдаркўл районидаги кўллар тизимининг пайдо бўлиши бевосита Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Сизот сувлари ҳамда зовур-дренаж сувларининг Айдаркўл ботиғи томон ҳаракатланиши натижасида ботикдаги Тузкон кўлининг кенгайиши Арнасой ҳамда Айдаркўл кўллариининг пайдо бўлишига олиб келади. Ботикдаги кейинги динамик ўзгаришлар Чордара сув омборидаги (1969) ортиқча сувларнинг ташланиши билан боғлиқ. Бу сувларнинг тўпланиши натижасида Арнасой кўллари бирлашиб ягона Айдаркўллар тизимининг пайдо бўлишига ва ундаги фаунани бойитиб берувчи "Арнасой буюртмахонаси"нинг ташкил этилишига олиб келди.

VIII. Сирдарё райони Сирдарё ўзанидаги тўқайзорлари билан ажралиб туради. Сирдарёнинг баъзи жойларида доимий ёки мавсумий оролчалар мавжуд бўлиб, унда жуда кўп қушлар йиғилади ва манзарали экотуристлик объект бўлиб ҳисобланади.

IX. Чирчиқ - Оҳангарон тоғли экотуристлик районида халқаро экологик резерват жойлашгани учун ҳам унинг ҳукуқий мақоми табиатга аралашмаслик принципига мослаштирилиши лозим. Ундаги экотуристлик саёҳатда вертолёт ва самолётлардан фойдаланишга рухсат берилмайди. Экотурлар олдиндан белгилаб берилган кичик йўлакчалар орқали, кам сонли туристик гуруҳларга бўлинган тарзда, йилнинг ҳайвонот олами урчимайдиган ва кўпаймайдиган даврларида пиёда ва отларда айланиш тарзида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур экотуристлик маршрутларда маҳаллий аҳолининг хизматидан атрофлича фойдаланиш уларнинг ноэкологик йўналтирилган турмуш тарзини ижобий томонларга ўзгартиради.

X. Фарғона райони экотуризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ундаги ландшафтларнинг турли-туманлиги марказдаги чўллардан тортиб, то мафтункор тоғ чўққиларигача барчани ўзига жалб этади. Тоғлардаги тез оқар ва баъзида кечув қийин бўлган дараларда рафтларда оқиш (рафтинг), Жанубий Фарғонадаги баландлиги 10 м келадиган, дам олаётган туяларни эслатувчи экзотик рельеф шаклларига ҳамда "Ёзёвон давлат табиат ёдгорлиги"даги ажойиб табиий қум массиви (1994 йилда ташкил этилган ва майдони 1,9 минг га) пиёда турлар уюштириш мумкин. Кўксув водийсида 120 йил аввал вужудга келган, оқ, кулранг қоялар билан ўралган тоза, муздек сувли кўк ва яшил кўллар ҳам экотуризм объектидир.

Фарғона фодийсида миллий хунармандчилик жуда ҳам ривожланганлиги туфайли уни экотуризм билан уйғунликда олиб бориш мумкин. Риштонда авлоддан-авлодга ўтиб келувчи кулолчилик санъати, Чустда дўппидўзлик, пичоқчилик ва темирчилик, Марғилонда атлас тўқиш каби миллий хунармандчилик асрлар давомида тараққий этиб келмоқда.

XI. Туркистон районида экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга уюштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу районда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 1959 йилда ташкил этилган, абсолют баландлиги 1760-3500 м. умумий майдони 21735 га бўлган "Зомин давлат кўриқхонаси", майдони 24110 га бўлган ноёб тоғ-арча экосистемаларини тиклаш, ва рекреация мақсадларида фойдаланиш учун 1978 йилда ташкил этилган "Зомин миллий боғи" мавжуд.

XII. Қашқадарё райони Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, у чўл, дашт, тоғолди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу районда ёз ва баҳор ойларида чўл ва даштларда, йилнинг барча фаслларида эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларига экотурлар уюштириш мумкин. Қашқадарё районида 1979 йилда ташкил этилган, 3938 га майдонга эга бўлган, МДХ давлатлари ичида ягона – "Китоб давлат геология кўриқхонаси", 1992 йилда ташкил этилган "Муборак буюртмахонаси", 1992 йилда ташкил этилган "Сеченкўл" буюртмахонаси" мавжуд. Қашқадарё районида экотуризмни тарихий, диний туризм билан биргаликда олиб бориш учун бирқанча архитектура ёдгорликлари ва диний қадамжолар мавжуд.

XIII. Ҳисор районида 1983 йилда ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув вазирлигига қарашли, абсолют баландлиги 1150-4349 м.бўлган, 870 хил ўсимлик, 140 хил ҳайвонот оламига эга, майдони 80,9 минг га бўлган Ҳисор давлат кўриқхонаси мавжуд. Бу районда экотурларни маҳаллий аҳолининг маданиятини акс эттирувчи "Бойсун" этнографик– фольклор ансамбли чиқишлари билан уйғунликда олиб бориш сайёҳларни ўзига кўпроқ жалб қилиш имкониятини беради.

XIV. Сурхондарё районида Кўҳитанг тоғли ҳудудда 1987 йилда ташкил этилган, 53,7 минг га майдонда 800 хил ўсимлик ва 290 та қуш ҳамда 20 дан ортиқ ҳайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган "Сурхон давлат кўриқхонаси" мавжуд. Сурхондарё райони Республикамининг ўзига хос районларидан бири ҳисобланиб, бу ерда қуруқ субтропик иқлим минтақаси ҳукмрон. Шунинг учун ҳам йилнинг кўп ойларида экотурлар уюштириш имконияти бор.

Хулоса қилиб айтганда, экотуристлик районлаштиришни жойнинг геоэкологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади.

III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-амалий машғулот. «Кимнинг экотуристлик маршрути атроф-муҳитни кўпроқ муҳофаза этади?».

Машғулот усули – ролли ўйин.

Машғулот мақсади – экотуристлик маршрутларни ташкил этишда альтернатив тарздаги экологик вариантларни излаб топиш.

Бу дарсда ўрганилади:

1. Экотуристлик маршрутларни тўғри ташкил этиш.

2.Ташкил этилган экотуристтик маршрутларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлларини излаш.

3. Маҳаллий аҳоли ва туристларга табиатни муҳофаза этиш ҳақида йўл-йўриқларни кўрсата билиш.

“Ақлий ҳужум”

1.Экотуристтик маршрутларни тўғри ташкил этиш ҳақида қандай фикрдасиз?

2. Атроф муҳитни муҳофаза этиш ҳақида нималарни биласиз?

3. Сиз турист ёки маҳаллий аҳоли вакилисиз, табиатни муҳофаза этишга ўз ҳиссангизни қандай қўшган бўлар эдингиз?

“Ролли ўйин”

Ролларда:

1. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

2. Хусусий туристик фирма директори.

3. ЭКОСАН ташкилоти вакили.

4. Туристлар.

5. Маҳаллий аҳоли.

Машғулотнинг бориши "Кимнинг экотуристтик маршрути атроф-муҳитни кўпроқ муҳофаза этади" мавзудаги амалий машғулотда экотуристтик маршрутларни ташкил этиш, ушбу маршрутлар орқали атроф-муҳитни кўпроқ муҳофаза қилиш йўлларини излаб топиш, туристларнинг саёҳат чоғларида табиатга путур етказмасликларини уқтириш, маҳаллий аҳолини ҳам табиат муҳофаза этишга ўз ҳиссаларини қўшиш ишларини ўрганамиз.

Табиат – объектив борлиқ бўлиб, бизни ўраб турувчи олам, кишиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат инсон фаолиятисиз келиб чиқан, лекин инсон кундалик ҳаётининг фаолиятларида бизни ўраб турувчи атмосфера ҳавоси, сув, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик, ва ҳайвонот дунёси каби табиат неъматларидан фойдаланади.

Экология тирик организмларнинг атроф муҳит билан бўладиган ўзаро алоқалари. Муносабатлари ўрганувчи фан соҳаси ва унга оид билимларни берувчи таълим соҳаси.

Туризм саёҳат қилиш, дам олиш билан бир каторда спорт ва умумтарбиявий ёки сиёсий-маърифий вазифаларни ва ҳаказоларни бажаришдан иборат.

Экотуристтик маршрутлар табиий сақланиб қолган, антропоген бузилган ҳудудларга саёҳат ва уларни англашга, яъни аҳолининг экологик маданияти ва онгини оширишда хизмат қилади.

Билдирилган фикр мулоҳазалар доскага ёзиб борилади.

1. Экотуристтик маршрутларни ташкил этишдан мақсад нима?

2. Экотуристтик маршрутлар асосан қайси объектларга қаратилган?

3. Экотуризмдан келаётган даромад ташриф этилган объект муҳофазасига қанчалик ҳисса қўшади?

4. Маҳаллий аҳолининг атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги улуши қандай?

Машғулот Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси иштирокидаги мажлисни ролли ўйин тарзида ўтказди.

Раис: Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга эътибор анчагина кўтарилди, бироқ шунга қарамай баъзи ташкилотлар, хусусий туристик фирмалар, туристлар, маҳаллий аҳоли бунга жиддий эътибор беришмаяпти. Шу қаторда ҳозирги кунда туристик фирмаларда уюштирилаётган экотуристтик маршрутлар табиатни қай даражада муҳофаза этаяпти? Шу ҳақда хусусий туристик фирма директориға сўз берамиз.

Хусусий туристик фирма директори: Ҳозирги кунда бизнинг фирмамизда асосан Ўзбекистоннинг тоғларига ва текисликларига, чўлларига пиёда, отда, туяда маршрутлар мавжуд. Булардан ташқари гидрообъектларига ҳам қайиқларда саёҳат ҳамда балиқ овларини ҳам уюштирганмиз. Уюштирилган экотуристтик маршрутлар табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб келаётган даромаднинг асосий қисми ташриф этилган объектлар муҳофазасига ажратилади.

Экосан вакили: Бизнинг ташкилот қошида ҳам "Экосан-тур" компанияси фаолият юритаяпти. Бизларда ҳам бир қанча экотуристтик маршрутлар ташкил этилган. Бизнинг экотуристтик маршрутларимиз нафақат бузилмаган, балки экологик инқирозли ҳудудларга, яъни Орол ва Орол бўйига ҳам уюштирилган. Бундан мақсад экологик инқирозли ҳудудларда яшовчи аҳолиға ёрдам кўрсатиш, уларнинг саломатликлари ҳақида қайғуришдан иборат.

Туристлар: Ўзбекистонда уюштирилган экотуристтик маршрутлар пиёда, отда, туяда, велосипедларда ташкил этилган. Алоҳида муҳофаза этиладиган теграларға: кўрикхоналарға, миллий боғларға, буюртма кўрикхоналарға, резерватларға маршрутлар ташкил этилган. Бизлар бундан миннатдормиз. Лекин уларнинг мазмун ва моҳияти замонийлаштирилса мақсадға кўпроқ мувофиқ бўлар эди. Овқатланиш жараёнини қайта кўриб чиқиш лозим.

Маҳаллий аҳоли: Экотуристтик маршрутлар бизлар учун нафақат атроф-муҳитни яхшилашға, балки ишға яроқли аҳолини иш билан таъминлашға хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу туристик фаолиятни кенгайтириш ва уларнинг янгилаини амалға тиадбиқ этиш зарур.

Ташкил этилаётган экотуристтик маршрутлардан табиат ва маҳаллий аҳоли қандай наф кўраяпти? Айтайлик туристлардан сўнг атроф муҳитға қанча чиқинди чиқади? Флора ва фаунаға қанча зиён-захмат етказилади? Булар ҳам инобатға олинганми? Булар қандай сабаб оқибатларға олиб келади? Бу саволларнинг барчасига иштирокчилар жавоб берадилар. Билдирилган фикр мулоҳазалар доскаға ёзилади. Сўнгра, уларнинг муаллифи томонидан қизиқарли маълумотлар ўқиб берилади.

Раис: Давра суҳбатида айтилган фикрлардан келиб чиққан тарзда қуйидаги қарорға келиш мумкин. Экотуристтик маршрутларни ташкил этишда табиатни муҳофаза қилишға алоҳида аҳамият берилсин, табиат

муҳофазасида барча фаол қатнашсин, турли йўналишдаги маршрутлар уюштирилсин ва унинг хизмат кўрсатиш даражаси оширилсин.

2 – амалий машғулот. “Кимсасиз оролда экотуризм”

Машғулот усули: узоқ муддатли вариантларини моделлаштириш.

Машғулот мақсади: чекланган табиий шароитда экотуризмни ташкил этишни моделлаштириш.

Машғулот учун керакли материаллар: А-1 форматдаги тоза қоғоз, рангли маркерлар.

Ўйин тавсифи:

I. Ўқувчилардан экотуристик принципларни санаб чиқишларини сўранг.

1. экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш масаласининг устиворлиги;
2. экотуризмдан тушган фойданинг экологик мақсадларга йўналтирилганлиги;
3. экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги;
4. табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириш;
5. ноэкологик ҳаракатларнинг қатъиан чекланганлиги;
6. экотуризмда экологик – ижтимоий – иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;

II. Ўқувчилар гуруҳи учта командага бўлинади.

III. Олиб борувчи вазиятни таништиради:

Сизнинг давлатингиз экологик ҳамда иқтисодий инқирозга юз тутган. Давлатда туризмни ва экотуризмни ривожлантириш учун имкон йўқ. Яқин атрофда эса кимсасиз орол мавжуд. Кимсасиз оролда экотуризмни ташкил этиб, ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд.

IV. Бир варақ қоғозга ҳар бир гуруҳ аъзолари кимсасиз оролда узоқ муддатга экотуризмни шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда ифодалашлари лозим. Чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш муаммоларини ҳал қилишлари лозим. Ундан ташқари, ўқувчилар олиб борувчининг қўйган саволларига ҳам жавоб беришлари керак. Шартли белгилар ёрдамида кимсасиз оролни чизиб, унга ном беришлари зарур. Шартли белгилар ёрдамида оролдаги барча экотуристик объектларни кўрсатишлари лозим (шартли белгилар ихтиёрий равишда олиниши мумкин).

V. Муҳокама тугаши билан гуруҳ “кимсасиз оролда экотуризм” ҳақидаги ахборотни барчага етказишлари учун иккита презентация қилувчи вакилни танлашлари керак.

VI. Командалар иш натижалари презентация қилинади ва берилган саволларга жавоб қайтарилади. Ҳар бир команда учун 3-5 дақиқа вақт ажратилади.

VII. Командалар ишларини презентациясидан сўнг “Кимсасиз оролдаги энг яхши ташкил этилган экотуризмни” ни таҳлил қилиш ва аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Яна ўқувчилар билан биргаликда экотуризмни ривожлантириш ва экотуристтик маршрутларни ташкил этиш ҳақида хулосалар қилинади.

Кимсасиз оролга тавсиф. Кимсасиз орол атрофи табиий пляжлар билан ўралган, бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга. Оролнинг бир қисми яйлов учун яроқли бўлган ўтлоқ билан қопланган. Унинг ғарбида саҳро ва қояли тоғлар жойлашган. Тоғларда карст ғорлари мавжуд. Қадимда инсонлар яшаганликларидан дарак берувчи маълумотлар ҳам мавжуд. Булардан ташқари – захарли ўсимликлар, совуқ қиш каби ҳолатлар бор. Шунинг учун ҳам оролда экотуризмни ташкил этиш имконияти мавжуд.

Асосий вазифа – экотуризмни ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантириш.

Бир варақ қоғозда оролнинг картасини чизиб, унга шартли белгиларни тушуриш.

Мазкур машғулотни яқунловчи хулоса тариқасида ҳар қандай шароитда экотуризм орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклаш имкониятларини излаб топиш мумкинлигини айтиб ўтиш жоиздир.

3 – амалий машғулот. Экотуризмнинг таснифланиши.

Машғулот усули: "Меню" методи.

Якка тартибда ёки кичик гуруҳ билан иш олиб боришда «меню» методидан фойдаланиш тавсия этилади. “Экотуризмнинг таснифланиши” мавзуси бўйича ўқитувчи экотурларнинг таснифи бўйича ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ тайёрлайди.

1. шакл
2. синф
3. тур
4. кўриниш
5. гуруҳ
6. даража

Ҳар бир гуруҳ топшириқ олади ва 3 минут давомида муҳокама қилишади, сўнгра ҳар гуруҳлардан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “меню” ни олиб қайтишади. Бу узун қирқилган - “тиллер” бўлиб, уларда экотурларнинг таснифи баён қилинган бўлади. Гуруҳ вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гуруҳига олиб келади, кейин бошқа талаба шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топшириқ муҳокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гуруҳ вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гуруҳ ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб беради.

4-амалий машғулот.. «Экотуристик тизимли ёки тармоқли фикрлаш».

Машғулот усули : «Кластер» ёки тармоқли фикрлаш.

Машғулот мақсади–тезкор ва аниқ равишда экотуристик атама ва терминлардан фойдаланишни ўргатиш.

Бу методдан фойдаланиш учун талабаларни кичик (3-5тадан иборат бўлган) гуруҳларга ажратиш талаб этилиди. Ҳар бир гуруҳча мавзуга оид алоҳида экотуристик тушунча, термин ва элементларига ишлов беради. Бунинг учун аудиторияда дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари ва бошқа ахборот манбалари етарли сонда бўлиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларни ўзлаштириш учун вақт ажратади (15-20 дақиқа).

Кластер тузиш босқичлари:

1. Аудитория ёзув тахтасига кичик гуруҳлар сонига қараб ватман осилади ва “калит” сўзлар (экотуризм, экология, туризм, ресурс) ўқитувчи томонидан ёзилади.

2. Мавзу бўйича ўқув элементларга тегишли фикрлар қоғозга ёзилади(Экотуристик концепциялар ва принциплар).

3. Асосий тушунча ва ғоялар ўртасидаги алоқадорлик чизмада кўрсатилади (табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий мажмуаларни қайта тиклаш).

4. Кичик гуруҳлардаги барча талабалар ўз вариантларини қоғозга туширишади.

5. Фикрлар «шажараси» умумлаштирилади ва якуний хулосалар қайд этилади.

6. Ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларининг фаолиятини назорат қилади ва объектив баҳолайди.

Бу методда экотуризмга оид тушунчалар мазмунан кетма-кетлик сақланган ҳолда ватман қоғозига ёзиб борилади ва фикрлар «ёйилмаси» чизмаси яратилади.

5 – амалий машғулот. “Экотуристик” альбом яратиш.

Машғулот усули: “Кичик гуруҳларда босма материаллар билан ишлаш”.

Машғулот мақсади: туристик сервисда керак бўладиган кўрғазмали қуролларни яратишни ўргатиш.

Бу амалий машғулотни бажариш учун аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбом, бюллетенлар олишади.

Зарурий материаллар: 24-варақли альбом, қайчи, елим.

Топшириқлар: А. газета ва журналлардан экотуризм тўғрисидаги ахборотларни топинг ва уларни жойлаштиринг.

1) экологик туризм

- 2) табиий туризм
- 3) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар
- 4) антропоген фаолият натижасида бузилган ҳудудлар

Б.Экотуристлик концепцияларни ёритиб беринг.

Ҳар бир гуруҳ топшириқ олади, газетадан керакли материалларни, мақолаларни, суратларни қирқиб олади ва альбомга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини аниқлайди ва улар иш якуни тўғрисида ҳисобот берадилар. Бошқа гуруҳ талабалари саволлар беришади ва ишни ўқитувчи ёрдамида баҳолашади.

Талабалардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қоғоз қирқиш, елимлаш, аудиторияни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1-семинар. Туризм ва экотуризм

1. *Туризм, экология ва экотуризм тушунчаларига бериладиган таърифлар.*
2. *Туризм ва экотуризмнинг умумий ва хусусий томонлари.*
3. *Ўзбекистон иқтисодиётида туризмнинг, жумладан экотуризмнинг тутган ўрни.*

Адабиётлар

- Александрова А.Ю. Международный туризм.- М.: Аспект преес, 2002.- 5 – 14-б, 29 – 32-б.
- Nigmatov A. Ekologiya nima?- Т.: Turon iqbol, 2005. 8 – 20-б.
- Окладникова Е.А. Международный туризм. География туристских ресурсов мира. М.: Омега-Л.,2002. 12-18 б.
- Солиев А., Усмонов А. Туризм географияси.- Самарканд, СамДУ, 2005. 5 -15-б.
- Таксанов А. Азбука туризма.- Т., 2005 – 74 с.
- Тўхтаев А., Ҳамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш.- Т.: Ўқитувчи, 1994. 5 – 6-б.
- Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003.-С. 5- 25.

2-семинар. Ўзбекистонда экотуристлик объектлар

1. *Экотуристлик объектларга қўйиладиган талаблар.*
2. *Ўзбекистонда экотуристлик объектларни ажратиш усуллари.*
3. *Республикамиздаги ижобий ва салбий кўринишдаги экотуристлик объектлар.*

Адабиётлар

• Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса.– М.: Финансы и статистика, 2003.- С. 7-52.

• Нигматов А., Шомуратова Н. Экологик туризм - янги фан соҳаси // ж.Экология хабарномаси ,2003. 6-сон. 14 -17-б.

• Рабочая программа развития экотуризма на участке Чимган-Белдерсай// Угам-Чаткальский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.- 41 с.

• Рабочая программа развития экотуризма на участке Хумсан-Акташ// Угам-Чаткальский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.- 42 с.

• Труды заповедников Узбекистана. Выпуск 4-5 .- С.168-358.

• Храбовченко В.В. Экологический туризм.- М.: Финансы и статистика,2003.- С. 15-41.

3-семинар. Ўлка табиати ва экотуризм

1. Ватанимиз табиати ва унинг қўйнига сайёҳат.

2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда экотуризмнинг тутган ўрни.

3. Ўзбекистон табиатини экотуристлик баҳолаш мезонлари.

Адабиётлар

• Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Т., “Ўқитувчи” 1996. 3-5. 135-147- б.

• Рабочая программа развития экотуризма на участке Чимган-Белдерсай// Угам-Чаткальский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.

• Рабочая программа развития экотуризма на участке Хумсан-Акташ// Угам-Чаткальский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.

• Солиев А.С., Усманов М.Р. Туризм географияси.- СамДУ, 2005. 60-64 б.

• Таксанов А. Азбука туризма. Ассоциация путешественников Рабат Малик.- Т., 2005. 18-20-б.

• Тетюхин Г.Ф., Маматкулов М., Батунская Б.А. Некоторые аспекты рационального использования и охраны неживой природы Узбекистана. - Т.: Фан 1987, 24-53 б.

• Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003. - С. 32- 53.

4- семинар. Экотуристтик сервис

1. Экотуристтик сервис тушунчаси ва турлари.

2. Республикамизнинг ўзига хос табиати ва ундан туризмда фойдаланиш имкониятлари.

3. Экотуризмда меҳмонхона сервиси.

Адабиётлар

- Александрова А.Ю. Международный туризм .- М.: Аспект пресс 2002, С.309-327.
- Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса.- М.: Финансы и статистика, 2003.- С.145-151.
- Соколова М.В. История туризма М.: Мастерство 2002.- С.309-327.
- Солиев А.С., Усманов М.Р. Туризм географияси. СамДУ, 2005. 100-108-б.
- Храбовченко В.В. Экологический туризм.-М.:Финансы и статистика, 2003.- С.135-140.

5–семинар. Экотуристик онг ва маданият

1. *Экотуристик онгни таълим орқали ривожлантириши муаммоси.*
2. *Экотуристик маданият - миллий маданиятнинг ажралмас бир бўлаги.*
3. *Миллий гурур ва ифтихорни шакллантиришида экотуризмнинг тутган ўрни.*

Адабиётлар

- Глобальные прогнозы развития туризма до 2000 года и в последующий период. Мир в целом.- Мадрид, 1994. С.3-68, 123-210.
- Davidov R. Torizm; - London, 1990.- 234 p.
- Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса.– М.: Финансы и статистика, 2003.- С. 53-73.
- Уокер Д. Введение в гостеприимство. Учебник.-М., 1999.
- Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003.- С. 104 -132.
- Ўзбекча русча -инглизча экологик изоҳли луғат.-Т.: Чинор ENK, 2004.- 303 -б.

V. МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Экотуризм: кеча, бугун ва эртага.
2. Экотуризм янги фан соҳаси.
3. Экотуризм мустақил туризм индустрияси.
4. Глобал миқёсдаги экотуристик муаммолар.
5. Регионал ва маҳаллий миқёсдаги экотуристик муаммолар.
6. Ўлкашунослик ва экотуризм.
7. Миллий истиқлол ғояси ва экотуризм.
8. Табиий туризм ҳамда экотуризмнинг умумий ва хусусий томонлари.
9. Экологик туризмда хизмат кўрсатиш соҳаси.
10. Ўзбекистонда экотуризм объектлари.
11. Орол ва Оролбўйи - экотуристик объект сифатида.
12. Давлатлараро экотуристик маршрутлар.
13. Ғарбий Тяншандаги экотуристик маршрутлар.

14. Ўзбекистоннинг эндемик ўсимликларидан фойдаланган тарзда экотуризмдаги табиий сервисни ташкиллаштириш.
15. Ўзбекистоннинг чўл минтақасида экотуризм.
16. Ўзбекистоннинг тоғ минтақасида экотуризм.
17. Антропоген ўзгарган ҳудудларда экотуризм.
18. Экотуризмда хавфсизлик турлари ва уларга таъриф.
19. Экотуристлик онг ва маданият.

VIII. ТЕСТ САВОЛЛАРИ

«Экология» сўзи грекчада нимани англатади?

- A) организмлар ҳақидаги фан
- B) ер ҳақидаги таълимот
- C) табиат ҳақидаги билим
- D) уй, яшаш жойи ҳақидаги таълимот
- E) табиат ҳақидаги таълимот

Туризм . . . муносабатлар туркумига киради?

- A) табиий
- B) иқтисодий
- C) ижтимоий
- D) сиёсий
- E) маънавий-маърифий.

Экотуризм предметиға киради ?

- A) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш
- B) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш
- C) бузилган табиат мажмуалари, тизимлари ва унсурларини қайта тиклаш
- D) ҳамма жавоб тўғри
- E) A, C

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?

- A) 1992 йил 8 декабрь
- B) 1993 йил 9 декабрь
- C) 1992 йил 9 декабрь
- D) 1993 йил 8 декабрь
- E) 1994 йил 8 декабрь

Экотуристлик концепцияларға қайси бир дунёқарашлар киради?

- A) барқарор риволаниш учун экотуризм
- B) натуралистик
- C) истеъмолчилик
- D) муҳофаза қилиш ва ривожланиш
- E) барча жавоблар тўғри.

Экотуризмнинг ривожланиш босқичлари нечтага ажратилади?

- A) 2

- В) 3
- С) 4
- Д) 5
- Е) 6

Экотуризмни мустақил туризм соҳаси сифатида юзага келиш даврини ажратинг

- А) XX асрнинг 50-йилларигача бўлган давр
- В) 1990-2000 йиллар
- С) 2000 йилдан кейинги давр
- Д) XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр
- Е) 1980-2000 йиллар

ТАСИС даситури асосида Ғарбий Тяньшань биологик хилма-хилликни сақлаш лойиҳаси нечанчи йилда ишлаб чиқилган?

- А) 2000 йил
- В) 2001 йил
- С) 2002 йил
- Д) 2003 йил
- Е) 2004 йил

Қачон ва қайси халқаро ташкилот ташаббуси билан “Халқаро экотуризм йили” деб эълон қилинди?

- А) 2001 йил ПРООН
- В) 2003 йил БТТ
- С) 2002 йил БТТ
- Д) 2004 йил ФАО
- Е) 2002 йил ЮНЕП

ЮНЕП бу

- А) БМТнинг озиқ-овқат бўйича дастури
- В) БМТнинг фан ва маданият бўйича ташкилоти
- С) БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури
- Д) БМТнинг саломатлик бўйича дастури
- Е) БМТнинг экология ва саломатлик бўйича дастури

Экотуристтик концепция бу-...

- А) табиат ва туризмнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги дунёқарашлар
- В) иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги қарашлар.
- С) табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати
- Д) жамият ва туризмнинг ўзаро муносабати
- Е) атроф-муҳит ва инсонларнинг муносабатлари тўғрисидаги қарашлар.

Экологик туризм ... экология фанлар тармоғига киради

- А) иқтисодий

- В) ижтимоий
- С) биологик
- Д) географик
- Е) ҳуқуқий

Экотуризмнинг объекти бўлиши учун сайёҳлик объекти қандай талабаларга жавоб бериши лозим?

- А) организмларнинг яшаш макони бўлиши
- В) табиий келиб чиққан ҳолда ўзгарган ёки ўзгармаган бўлиши
- С) инсон томонидан яратилган бўлиши
- Д) А,В
- Е) тўғри жавоб йўқ

Ўзбекистон ҳудуди нечта экотуристик районга ажратилади?

- А) 10
- В) 11
- С) 12
- Д) 13
- Е) 14

Экотуризм таснифлашда қандай иерархик қисмларга бўлинади?

- А) шакл – синф – кичик синф – тур – кичик тур – даража
- В) шакл – синф – тур – кўриниш – гуруҳ – даража
- С) синф – тур – кўриниш – хил – гуруҳ – даража
- Д) тур – синф – кўриниш – даража – гуруҳ
- Е) тўғри жавоб йўқ

Бутун жаҳан экотуристик саммит қаерда ва қачон бўлиб ўтди?

- А) Квебек шаҳрида 2002 йил 19-22 май
- В) Бермин шаҳрида 2003 йил 15-20 июнь
- С) Дублин шаҳрида 2001 йил 27-31 август
- Д) Копенгаген шаҳрида 2004 йил 5-10 сентябрь
- Е) Рио-де-Жанейро шаҳрида 2001 йил 3-14 июнь

Ўзбекистонда нечта давлат кўриқхоналари мавжуд?

- А) 7
- В) 8
- С) 9
- Д) 10
- Е) 11

Ўзбекистонда ўсимликларнинг нечта тури учрайди?

- А) 3000
- В) 3500
- С) 3800

- Д) 4000
- Е) 4200

Ўзбекистонда давлат рўйхатига олинган туристик корхоналарнинг нечта фоизи экотуризмга йўналтирилган?

- А) 5
- В) 7
- С) 9
- Д) 10
- Е) 12

Экотуристтик... – маълум бир ҳудудни унинг экотуристтик ҳолати, имконияти нуқтаи назардан бўлинмаларга ажратиш.

- А) концепция
- В) принцип
- С) районлаштириш
- Д) таснифлаш
- Е) мониторинг

Қўриқхона ва миллий боғ экотуристтик объект бўла оладими?

- А) ҳа
- В) йўқ
- С) қисман
- Д) агарда Олий Мажлисида тасдиқланса
- Е) тўғри жавоб йўқ

Экотуристтик... – экотуризмга йўналтирилган қоидалар.

- А) районлаштириш
- В) принцип
- С) концепция
- Д) рўйхатлаш
- Е) назоратлаш

Бузилган табиат комплекслари экотуризм объекти бўла оладими?

- А) йўқ
- В) қисман
- С) ҳа
- Д) Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан
- Е) тўғри жавоб йўқ

Экотуризмда қандай ҳаракатлар қатъиян чекланган?

- А) экологик
- В) ноэкологик
- С) иқтисодий
- Д) ижтимоий

Е) А,С

**Италияда кўпинча экотуризм қайси бир туризм тури билан бирга олиб
борилади?**

- А) агротуризм
- В) спелотуризм
- С) велотуризм
- Д) гидротуризм
- Е) тарихий туризм

**Барқарор ривожланиш илк бор қандай ҳужжат сифатида қабул
қилинган?**

- А) дастур
- В) режа
- С) концепция
- Д) халқаро ҳужжат
- Е) декларация

**Экотуризм фанининг ривожланиш босқичларини ажратаётганда қандай
кўрсаткичларга эътибор берилади?**

- А) янги босқичга кўтарилишига
- В) тизимланишига
- С) методологик асосларини кўриб чиқилишига
- Д) концептуал дунёқарашларни ўзгаришига
- Е) барча жавоблар тўғри

**Илк бор регионал миқёсда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид
конференция қаерда ва қачон чақирилган?**

- А) Швецарияда 1913 йил
- В) Канадада 1915 йил
- С) Австралияда 1916 йил
- Д) Италияда 1918 йил
- Е) АҚШда 1920 йил

“Жайрон” экомаркази Ўзбекистоннинг ... вилоятида жойлашган ?

- А) Самарқанд
- В) Қашқадарё
- С) Навоий
- Д) Бухоро
- Е) Сирдарё

Географиянинг уч асосий предметини аниқланг ?

- А) ритмиклилик, бир бутунлик, ҳудудийлик;
- В) регионаллик, ритмиклик, системалик;
- С) ҳудудийлик, ритмиклик, мажмуалик;

- Д) даврийлик, системалик, регионаллик;
- Е) ҳудудийлик, даврийлик, комплексик;

Экотуристтик районлаштиришда қандай қоидаларга амал қилинади ?

- А) ҳудудий бир бутунлик
- В) комплекс ёндашув
- С) генетик ўхшашлик
- Д) индивидуаллик
- Е) барча жавоблар тўғри

“Зарафшон” кўриқхонаси қайси бир экотуристтик районда жойлашган?

- А) Устюрт
- В) Қизилқум
- С) Зарафшон
- Д) Нурота
- Е) Ҳисор

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ривожланган районни аниқланг?

- А) Фарғона
- В) Қашқадарё
- С) Сурхондарё
- Д) Чирчиқ-Оҳангарон
- Е) Сирдарё

Халқаро экологик резерват жойлашган районни ажратинг ?

- А) Чирчиқ-Оҳангарон
- В) Устюрт
- С) Сирдарё
- Д) Туркистон
- Е) тўғри жавоб йўқ

Экотуризмнинг мақсади нимадан иборат?

- А) аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш
- В) барқарор ривожланишни таъминлаш
- С) атроф-муҳитни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш
- Д) А,В
- Е) тўғри жавоб йўқ

Экотуризм объектини аниқланг ?

- А) табиат унсур(компонент)лари
- В) табиий тизимлар
- С) табиат мажмуалари
- Д) антропоген мажмуалар
- Е) А,В,С

Орол денгизи экотуризм объекти бўла оладими?

- A) ҳа
- B) қисман
- C) йўқ
- D) B, C
- E) тўғри жавоб йўқ

Экотурларни таснифлашда "даража" нимага кўра ажратилади?

- A) иштирокчиларнинг ижтимоий ҳолатига кўра
- B) иштирокчиларнинг ёшига кўра
- C) иштирокчиларнинг иқтисодий имкониятига кўра
- D) иштирокчиларнинг онгига кўра
- E) ҳамма жавоб нотўғри

Экотурларни таснифлашда "гуруҳ" нимага кўра ажратилади?

- A) иштирокчиларнинг ижтимоий ҳолатига кўра
- B) иштирокчиларнинг ёшига кўра
- C) иштирокчиларнинг иқтисодий имкониятига кўра
- D) иштирокчиларнинг онгига кўра
- E) ҳамма жавоб нотўғри

EKOLOGIK TURIZMDAN ASOSIY ATAMA VA IBORALAR

L U G' A T I

Антропоген ландшафт

шафт – инсон фаолияти натижасида ўзгарган ва унга боғлиқ ҳолда ривожланаётган алоҳида бир кўринишга эга бўлган табиат мажмуаси.

Антропоген омил – атроф табиий муҳитга таъсир этадиган кишилар фаолияти қирралари.

Ареал муайян бир ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тури тарқалган ёинки жараён ва ҳодисалар содир бўладиган ҳудуд ёки сув акваторияси.

Баріарор ривожланиш – шахс ва жамият раётини ташкил этишнинг янги модели. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг ягоналигини эътироф этувчи дунёқараш

Табиат – объектив борлиқ, яъни бизни ўраб турувчи олам ва унинг хилма-хил шакллари. Амалиётда ёки табиий фанларда уни кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит деб қаралади. Фалсафий ёки астрономик нуқтаи назардан қараганда сон-саноксиз юлдузлар, осмон ва унинг чексиз унсурлари.

- Инсон** - Ер куррасининг жонли қобиғи – биосферада яшовчи организмлар туркумига кирувчи, лекин мураккаб ҳаётий фаолият юритувчи индивид. У онгининг юқорилиги, нутқининг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, такомиллашган меҳнат курулларини ярата олиши, ахлоқий, маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши билан бошқа тирик организмлардан тубдан ажралиб туради.
- Жамият** - инсонни бошқа инсонлар билан маълум бир ҳудудда тарихан қарор топган гуруҳи ёки уюшмаси.
- Атроф-муҳитни баҳолаш** – реал, аниқ ҳолатни стандартлаштирилган ўзгарувчан кўрсаткичлар бўйича идеал ва муваққат меъёр билан таққослаш.
- Атроф-муҳитни Ифлослантирилган-лиги учун тўлов** - корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари томонидан уларнинг салбий оқибатлар ва экотизмларни тиклаш учун қўшимча харажатларга олиб келадиган фаолияти натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарни қисман қоплаш учун тўланадиган пул тўловлари.
- Атроф-муҳит ҳолати ҳақидаги ҳисобот** – атроф-муҳит ҳолати ҳақидаги тизимли ахборот тўпламини ўз ичига олган расмий йиллик эълон.
- Атроф-муҳит муҳофазасини бошқариш** – атроф-муҳитга антропоген фаолият натижасида зарарли таъсирни чегаралайдиган ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, уларни қайта тиклашни таъминлайдиган меъёр ва талабларнинг бажарилишини таъминлаш.
- Атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни лимитлаштириш (чегаралаш)** – *атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган манбалар* ва *чиқиндиларнинг* маълум тавсифларини уларга риоя қилиш ва назоратини амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган ҳолларда вақтинчалик белгилаш.
- Атроф-муҳитга таъсир қилувчи манбаларни рўйхатга олиш** – умумий миқдори, жойлашиши, таъсир манбаларининг асосий тавсифларини белгиланган меъёрий ва лимитларга мослигидан келиб чиққан ҳолда (ш.ж. қўшимча ўлчовлар асосида) тузилган ҳужжат (расмий баён).
- Атроф-муҳитни ифлослантирилганлик учун жарималар** – мансабдор шахслар ва фуқароларга (юридик ва жисмоний шахсларга) хўжалик ва бошқа фаолияти натижасида экологик стандарт ва меъёрлани бузганликлари учун солинадиган пул жарималари.
- Атроф-муҳитни назорат қилиш** – инсон ва биота учун энг муҳим ва асосий бўлган атроф-муҳит компоненталарининг ҳолати ва уларнинг ўзгариши устидан назорат қилиш.

<i>Agrar zonalar</i>	qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishi bilan band bo‘lgan alohida bir ekoturistik holatga muhtoj hududlar.
<i>Alohida muhofaza etiladigan hududlar</i>	tarixiy-madaniy, iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va ekologik funksiyalarni bajaruvchi alohida huquqiy holat va davlat e‘tiboridagi hududlar va ob‘yektlar.
<i>Alohida muhofaza etiladigan tabiiy hududlar</i>	ekologik, madaniy-sog‘lomlashtirish, ilmiy, estetik, rekratsion (dam olish) funksiyalarni bajaruvchi alohida huquqiy holat va davlat e‘tiboridagi tabiiy hududlar va ob‘yektlar.
<i>Atrof tabiiy muhitning ifloslanishi</i>	insonlarni o‘rab turuvchi tabiiy muhit unsurlarini ekologik-huquqiy talablardan ortiq me‘yorda fizik va kimyoviy jihatdan o‘zgarishi.
<i>Atrof-muhitni xalqaro-huquqiy muhofaza qilish</i>	insonlarning ekologik xavfsiz muhiti va davlatlarning barqaror rivojlanishini ta‘minlovchi xalqaro huquq prinsiplari, normalari va munosabatlari yig‘indisi.
<i>Baliq ovlash</i>	baliq va umurtqasiz suv hayvonlarini sanoat, havaskorlik va sport maqsadida tutish.
<i>Baliq xo‘jaligi tegralari</i>	nodir va yo‘qolib ketayotgan baliq turlari va boshqa suv hayvonlarini muhofaza etish va ko‘paytirish maqsadida, shuningdek, baliq xo‘jaligi ehtiyojlari uchun foydalaniladigan suv ob‘yektlari yoki ularning bir qismi.
<i>Botanika bog‘i</i>	o‘simlik termalari (kolleksiyalari)ni tuzish, to‘ldirish va asrash, ilmiy, o‘quv-ta‘lim ishlarini olib borish yo‘li bilan mahalliy va jahon miqyosidagi o‘simliklar majmualarining nodir va muayyan turkumga xos turlarini maxsus yaratilgan sharoitda asrash, o‘rganish, iqlimlashtirish, ko‘paytirish hamda ulardan samarali va oqilona foydalanish maqsadida tashkil etilgan bog‘.
Генофонд ёки генетик фонд	(юн. <i>genos</i> – авлод, келиб чиқиш ва лот. <i>fundus</i> – асос) – индивидлар гуруҳи генлари тўпламидаги наслий ахборот.
<i>Davlat yer nazorati</i>	mahalliy hokimiyat va davlatning max-

- (inspeksiyasi)** sus vakolatli organlari tomonidan yer munosabati qatnashchilari (sub'yektlari)ning yer uchastkalaridan foydalanish va ularni muhofaza qilishga doir faoliyatlarini tekshirish.
- Davlat milliy bog'i** tabiatni muhofaza qilish muassasasi hisoblangan alohida ekologik, tarixiy va estetik qimmatga ega bo'lgan hamda tabiatni muhofaza qilish, rekratsiya, ma'rifiy-madaniy, ilmiy maqsadlarda foydalanish uchun mo'ljallangan tabiiy majmua.
- Davlat tabiat yodgorliklari** ekologik, ilmiy, estetik, madaniy jihatdan noyob, o'rnini to'ldirib bo'lmaydigan, qimmatli, kelib chiqishi tabiiy bo'lgan ob'yektlar.
- Deklaratsiya** ma'lum bir tashkilot, davlat yoki partiyalarning asosiy prinsip va me'yorlarini tantanali ravishda e'lon qilishga yo'naltirilgan xalqaro hujjat.
- Ekologik barqarorlik** inson faoliyati va tabiat «injiqlik»lari (zilzila, toshqin, sunami va h.k.)ning atrof-muhitga salbiy ta'sir etmaydigan darajasi, ya'ni ma'lum bir hudud, kenglik va mintaqada ekologik xavfsiz muhit holatini bir me'yorda ushlab turish.
- Егеръ** - овчи хўжаликларда *табиатни муҳофаза қилиш* қонунларига (хусусан, овчилик ҳақидаги қонунларга) риоя қилишни назорат қилувчи мансабдор шахс.
- “Ех situ” сақлаш** – биологик хилма-хиллик компоненталарини уларнинг табиий яшаш жойларидан ташқарида сақлаб қолиш (парваришхона, зоопарк ва б.)
- Ekologik ekspertiza** rejalashtirilayotgan yoki amalga oshirilayotgan xo'jalik va boshqa faoliyatning ekologik talablarga muvofiqligini belgilash hamda ekologik ekspertiza ob'yektini ro'yobga chiqarish mumkinligini aniqlash yoki mutaxassislar tomonidan xulosalash.
- Ekologik inqiroz** ekologik tizimda modda va energiya almashinuvining tabiiy holatda kechishining buzilishi yoki modda va energiyaning kichik va katta aylanish jarayonlarining ma'lum bir bosqichdagi uzilishi.
- Ekologik siyosat** muayyan davlatda yoki xalqaro miqyosda ma'lum bir yer, suv va havo kengligida yuzaga kelgan ekologik holatni hisobga olgan tarzda atrof-muhitni yaxshilash va sog'lomlashtirishga qaratilgan ichki va tashqi ijtimoiy-iqtisodiy harakat.

- Ekologik tanglik*** xalqaro hamjamiyat, davlat va jamiyat tomonidan global, regional va mahalliy miqyosdagi ekologik muammolar yechimini topishning qiyinlashuvi.
- Ekologik kadastr*** muayyan tabiiy ob'jektning geografik joylashuvi, huquqiy maqomi, miqdor, sifat tavsiflari va bahosi to'g'risidagi yangilanib turiladigan (o'zgaruvchan) ma'lumotlar va hujjatlar to'plami.
- Ekologik konsepsiya*** tabiat va jamiyatning o'zaro munosabati to'g'risidagi qarashlar tizimi, ya'ni bu moddiy dunyoda kishilarning o'rni, ahamiyati va mohiyatini aks ettiruvchi dunyoqarashlar.
- Ekologik monitoring*** atrof tabiiy muhit va tabiiy resurslarning davriy o'zgarishini (kadastr ma'lumotlariga asoslangan tarzda) kuzatib borish, hisobga olish, baho berish va istiqbolini belgilash tizimi.
- Ekologik nazorat*** ekologik munosabat sub'yektlarining tabiiy resurslardan oqilona foydalanishlari va atrof tabiiy muhitni muhofaza qilishlariga oid faoliyatlarini vakolatlangan davlat organlari, nodavlat tashkilotlari va jamoat birlashmalari tomonidan tekshirib borish va tegishli chora-tadbirlarni amalga oshirish tizimi.
- Ekologik-ijtimoiy javobgarlik*** ijtimoiy javobgarlikning bir turi bo'lib, u hozirgi zamon milliy yoki xalqaro huquq normalarida belgilanmagan, lekin millat yoki xalqlarning azaliy urf-odatlarini, an'analari orqali avlodlardan avlodga o'tib kelayotgan qoida va me'yorlar.
- Ekologik soliq*** tabiiy ob'yektlardan foydalanganliklari, shuningdek, atrof-muhitni ifloslantirganliklari uchun jismoniy va yuridik shaxslardan doimiy, muddatli yoki bir marotabalik to'lovlar.
- Ekologik xavfsizlik*** atrof tabiiy muhit holatini organizmlarning hayotiy zarur ehtiyojlariga javob bera olishi yoki insonlar uchun sog'lom, toza va qulay tabiiy sharoitga ega atrof-muhit holati.

Экотуристик хавфсизлик – экотуристик саёхатни режалаштириш, олиб бориш ва яқунлаш давомида кўзда тутиладиган ҳамда амалда реализация қилинадиган атроф табиий мухит ва саёхатчиларнинг табиий ҳамда антропоген омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси.

<i>Ekologik javobgarlik</i>	ekologik xavfsiz muhitni ta'minlashdagi davlat, jamiyat va shaxslarning hozirgi va kelajak avlodlar oldidagi burchlari va majburiyatlari hamda ularni bajarmasligi tufayli yuzaga keladigan ijtimoiy- iqtisodiy va yuridik xarakterdagi salbiy oqibatlar.
<i>Ekologik jamg'arma</i>	atrof-muhit muhofazasi va sanitar-gigiyenik holatini yaxshilashga qaratilgan tadbirlarni (dastur, reja, loyiha, konferensiya, munozara, uchrashuv, missiya) moliyaviy ta'minlash maqsadida tuzilgan pul jamg'armalari.
<i>Ekologik sug'urta</i>	sug'urtalanuvchilarning pul jamg'armalari hisobiga tashkil etilgan va ekologik xavfli oqibatlar yuzaga kelganda, ularning moddiy va ma'naviy zararlarini qoplash bo'yicha amalga oshiriladigan moliyaviy munosabat.
<i>Ekologiyaning maqsadi</i>	hozirgi va kelajak avlodlar uchun ekologik xavfsiz muhitni ta'minlash.
Ифлосланиш даражси	– мухитдаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг мутлақ ёки нисбий қиймати.
Ифлослантириш манбаси	– 1) ифлослантирувчи моддани атмосферага ташлаш нуқтаси; 2) ифлослантирувчи моддани ишлаб чиқараётган хўжалик ёки табиий объектлар; 3) кириб келаётган ифлослантирувчи моддани таркатаётган худуд.
Иқлим мослашиш акклиматизация	– организмларнинг (инсон, ҳайвонот, ўсимликлар) ўзгарган жўғрофий (асосан иқлимий) шароитларда яшашга кўникиш.
Йўл қўйилиши мумкин бўлган таъсир (меъёрий таъсир)	– экологик тизимни салбий ўзгариш рўй бермайдиган ҳолатидан (барқарорлик зонаси) чиқариб юбормайдиган таъсир.
“In situ” сақлаш	- биологик хилма-хиллик компонентларини уларнинг табиий яшаш жойларида сақлаб қолиш
Рафтинг	тоғ дарёлари бўйича махсус мосламалар орқали сузишга йўналтирилган тури
Саргушатли туризм	табиатни исон томонидан кам ўзлаштирилган ёввойи табиат қўйнига қилинадиган сайёҳат тури
Hayvonot dunyosidan foydalanuvchilar	hayvonot dunyosi ob'yektlarining foydali xususiyatlaridan o'z ehtiyojlarini qondirish maqsadida jismoniy va yuridik shaxslarning qonun hujjatlarida belgilangan shartlar va tartibda foydalanishlariga aytiladi.

- Jamoat ekspertizasi** fuqarolar, fuqarolar yig'ini, o'zini o'zi boshqarish organlari va nodavlat notijorat tashkilotlari mablag'lari hisobidan ekologik ekspertizani o'tkazish. Ularning xulosalari tavsiya kuchiga egadir.
- Jamoat yer nazorati** yerlarni muhofaza qilish hamda ulardan oqilona foydalanish borasidagi yer qonunchiligi talablariga rioya etishni nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolarni o'zini o'zi boshqarish organlari tomonidan tekshirish.
- Javobgarlik** muayyan shaxs, jamoa yoki davlatning o'zga shaxslar, jamoatchilik, davlat va davlatlar oldidagi burchi, majburiyati.
- Milliy ekologik boshqaruv** hokimiyat, organlar, birlashmalar, tashkilotlar va ularning tabiatni muhofaza qilish vakolatlari, funksiyalari va usullari majmuasi.
- Milliy ekologik qonunlar** Oliy Majlis tomonidan yoki umumxalq ovoz berish (referendum) orqali qabul qilingan, o'zida uning amal qilish muddati, hududi va shaxslar doirasida ekologik munosabat sub'yektlari faoliyatining umumiy ko'rsatkichlarini mujassamlashtirgan normativ-huquqiy hujjatlar.
- Nodavlat notijorat tashkiloti** jismoniy va (yoki) yuridik shaxslar tomonidan ixtiyoriylik asosida tashkil etilgan, daromad (foyda) kelishni o'z faoliyatining asosiy maqsadi qilib olmagan hamda olingan daromadlarni (foydani) o'z qatnashchilari (a'zolari) o'rtasida taqsimlaydigan o'zini o'zi boshqarish tashkiloti.
- Ov qilish** tabiiy erkinlik holatida yashaydigan yovvoyi hayvonlarni tutish maqsadida izlash, iziga tushish va quvlab borish, tutishga intilish va tutish (otish, tutib olish).
- Qizil kitob** yo'qolgan yoki yo'qolish arafasida turgan, yo'qolib borayotgan, kamyob va kamayib borayotgan o'simlik va hayvonot dunyosining genofondini saqlab qolish maqsadida tashkil etilgan ma'lumotlar ro'yxati (reyestri).
- Qonun** oliy yuridik kuchdagi milliy huquq normasi. Uning qoidalari va me'yorlari davlat tomonidan ishlab chiqiladi, o'rnatiladi, muhofaza etiladi, umummajburiy kuchga ega bo'ladi va yuridik oqibatlarni keltirib chiqaradi.
- Qo'riqlanma (oraliq) yoki** ijtimoiy-ekologik va qo'riqxona-eko-

<i>bufer tegralar</i>	logik turdagi alohida muhofaza etiladigan tabiiy hududlarga tabiiy texnogen jarayonlarning salbiy ta'sirining oldini olish maqsadida tashkillashtirilgan zonalar.
<i>Qo'riqxonalar</i>	alohida muhofaza etiladigan oddiy va noyob tabiiy majmualar, o'simliklar va hayvonlarning irsiy fondlarini saqlab qolish va o'rganish, tabiiy jarayonlar va hodisalar o'zgarishi ustidan monitoring o'tkazish maqsadidagi ilmiy-tadqiqot muassasasi.
<i>Rekratsiya tegralari</i>	turizm va aholining ommaviy dam olishini tashkil etish uchun qulay geografik va iqlim sharoitlariga ega hududlar.
<i>Suvdan oqilona foydalanish</i>	suvning foydali xususiyatlaridan jismoniy va yuridik shaxslarning qonun talablari asosida foydalanishi.
<i>Suvni muhofaza qilish mintaqalari (tegralari)</i>	daryolar, ko'llar, suv omborlari, kannallar, kollektorlar hamda boshqa suv ob'ektlarining o'zlariga tutash suvlarni muhofaza qilish maqsadida tashkillashtirilgan alohida muhofaza etiladigan tabiiy hududlar.
<i>Tabiiy ob'ektlarga nisbatan mulk huquqi</i>	tabiiy resurslar, tabiiy komplekslar yoki tabiiy hududlarni kimga tegishliligi va mulkdorning unga nisbatan qanday vakolat (huquq)ga ega ekanligi.
<i>Tabiat unsurlarining buzilishi</i>	atrof-muhit holatini inson yashashi uchun noqulay darajada o'zgarishi.
<i>Tabiat unsurlarining oriqlanib ketishi</i>	insonlarning hayotiy zarur ehtiyojlari iqtisodiy shaklda qondirilishi natijasida tabiiy resurslarning kamaya borishi.
<i>Tabiat unsurlarining vayron bo'lishi</i>	tabiiy ob'ektlarni tabiiy va texnogen jarayonlar natijasida tabiiy xossa va xususiyatlarining yo'qolishi.
<i>Tabiat unsurlarining yo'q bo'lib ketishi</i>	ayrim turdagi o'simlik va hayvonot dunyosini yer yuzida tur sifatida yo'qotilishi.
<i>Tabiat va kishilik jamiyati o'rtasidagi munosabatlar shakli</i>	ma'lum bir davrga xos bo'lgan kishilarning atrof tabiiy muhit bilan o'zaro uzviy bog'langan hayot tarzi.

<i>Туризм</i>	саёҳат қилиш, дам олиш билан бир қаторда спорт ва умумтарбиявий ёки сиёсий-маърифий вазифаларни бажариш.
<i>Треккинг</i>	туризмни бир тури бўлиб, у тоғда яёв сайр қилишдир
<i>Xalqaro ekologiya huquqi ob'yekti</i>	xalqaro huquq sub'yektlarining ekologik munosabatlar predmeti bo'lgan tabiiy ob'yektlar, ya'ni o'zining xususiyati, joylanishi va ahamiyati nuqtai nazaridan biron-bir davlat yuridiksiyasiga kirmaydigan yoxud nazoratida bo'lmaydigan, shuning uchun ham ikki va undan ortiq mamlakatlar yoki xalqaro hamjamiyat mulki bo'lgan tabiiy ob'yektlar.
<i>Xalqaro ekologik jamg'armalar (fondlar)</i>	tabiatni muhofaza qilish, atrof-muhitni sanitar va gigiyenik holatini yaxshilash va ekologik dasturlarni moliyaviy ta'minlash kabi vazifalarni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan xalqaro ekologik tashkilotlar. Faoliyat yurgizish va amaliy harakat qilish ko'lamiga ko'ra ular umumjahon, regional va regionlararo turlarga ajraladilar.
<i>Xalqaro shartnoma</i>	siyosiy ahamiyat kasb etuvchi va boshqa siyosiy, iqtisodiy, ma'rifiy-madaniy masalalar qatori atrof-muhit muhofazasiga oid xalqaro me'yorlarni o'zida aks ettiruvchi hujjat.
<i>Yer nazorati</i>	yerlarni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanishga oid yer qonun hujjatlari talablarini yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan bajarilishini davlat organlari, jamoat birlashmalari hamda vakolatlangan idoralar va shaxslar tomonidan tekshirish.
<i>Yerlarni muhofaza qilish</i>	ulardan belgilangan maqsadda oqilona foydalanish, tuproq unumdorligini, o'rmon fondi yerlarining samaradorligini tiklash va oshirish, qishloq xo'jalik obo-rotidan va alohida muhofaza etiladigan hududlarning yerlari tarkibidan yerlarning asossiz ravishda olib qo'yilishining oldini olish, ularni zararli antropogen ta'sirdan himoya qilishga qaratilgan huquqiy, tashkiliy, iqtisodiy, texnologik va boshqa tadbirlar tizimi.
<i>O'rmonlarni qo'riqlash</i>	vakolatlangan davlat organlari va jamoat birlashmalari tomonidan o'rmonlardan noqonuniy tarzda foydalanish, ularga zararli ta'sir ko'rsatishdan qo'riqlash.

- O‘rmon tuzish*** o‘rmonlarni muhofaza qilish, qo‘riqlash, o‘rmon xo‘jaligi va o‘rmonlardan foydalanishni oqilona yuritilishini ta‘minlashga qaratilgan tadbirlar tizimi.
- O‘rmonlarni ko‘paytirish*** o‘z ichiga daraxtzorlarning zichligini oshirish, nav tarkibini yaxshilash, qimmatli navlarni ko‘paytirish, boshqa yer fondi toifalaridan (masalan, qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlardan) o‘rmon fondi yer toifasiga kiritish kabi tadbirlar.
- O‘rmonlarni muhofaza qilish*** o‘rmonlarga zararkunandalar, kasalliklar, tabiiy-texnogen jarayonlar (eroziya, sel, deflyatsiya, yong‘in, qurish...) ning oldini olish chora-tadbirlarini qo‘llash.
- O‘rmonlarni tiklash*** kesilgan o‘rmon yoki o‘rmonsiz yer o‘rniga daraxt va butalar ekish, nav tarkibini yaxshilash, ularning mahsuldorligi va muhofazalash xususiyatini oshirish, genetik fondi va biologik xilma-xilligini saqlab qolishga yo‘naltirilgan tadbirlar.
- O‘rmonlarning mahsuldorligini oshirish*** o‘rmonlarni takroriy ko‘paytirish, nav tarkibini yaxshilashni o‘rmon melioratsiyasi va plantatsiyasini tashkil etish orqali amalga oshirish.
- O‘rmonlarning taqiqlangan mintaqalari*** bag‘oyat qimmatli va nodir o‘simlik turlarining irsiy fondini muhofaza etish va saqlab qolish, shuningdek, o‘rmon fondi maydonlarida qo‘riqxonalar, milliy bog‘lar va alohida muhofaza etiladigan o‘zga tabiiy hududlarning ish tartibini ta‘minlash maqsadida tashkillashtirilgan hududlar.
- O‘simlik dunyosi ob‘yekti*** tabiiy sharoitda o‘sadigan, takror yetishtirish va genetik fondini saqlash uchun ekib o‘stiriladigan yovvoyi o‘simliklar.
- O‘zbekistonning ekologik siyosati*** davlatning tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish borasida olib borayotgan ichki va tashqi faoliyat majmui.

VI. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Рахбарий адабиётлар

- Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
- Атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. -Т.: “Адолат”, 2004.
- Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза.- Т.: Chinor ENK, 2006.
- Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: фактлар ва рақамлар. 2000-2004 // Статистик тўплам.- Т, 2006.

Асосий адабиётлар

- Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2003.
- Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.- Т.: "O`zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006.
- Бочкарёва Т.В. Экотурзм: анализ существующего международного опыта. – М., 2003
- Александрова А.Ю. Международный туризм.- М.: Аспект преес, 2002.
- Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки. Москва-Санкт-Петербург «Невский Фонд», «Издательский дом Герда», 2001.
- Глобальные прогнозы развития туризма до 2000 года и в последующий период. Мир в целом.-Мадрид, 1994. –с.3-68, 123-210.
- Davidov R. Turizm; - London, 1990.
- Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса.– М.: Финансы и статистика, 2003.
- Nigmatov A. Ekologiya nima?- Т.: Turon iqbol, 2005.
- Нигматов А., Шомуратова Н. Экологик туризм - янги фан соҳаси // ж.Экология хабарномаси ,2003. 6-сон. 14 -17-б.
- Окладникова Е.А. Международный туризм. География туристских ресурсов мира. М.: Омега-Л.,2002.
- Рабочая программа развития экотуризма на участке Чимган-Белдерсай// Угам-Чаткалский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.
- Рабочая программа развития экотуризма на участке Хумсан-Акташ// Угам-Чаткалский национальный парк, Узбекистан.- Проект –июнь, Ташкент, 2005.
- Соколова М.В. История туризма М.: Мастерство 2002.
- Солиев А.С., Усманов М.Р. Туризм географияси. СамДУ, 2005.
- Таксанов А. Азбука туризма. Ассоциация путешественников Рабат Малик.- Т., 2005.

- Уокер Д. Введение в гостеприимство. Учебник.-М., 1999.
- А.Б. Косолапов, Н.Г. Мизь. Экологический туризм в Приморском крае и работа гида на маршруте (методические рекомендации).- Владивосток, 2002.
- Дроздов А.В. Экотуризм: определения, принципы, признаки, формы // Акт. пробл. туризма-99. Перспективы развития туризма в южном Подмосковье. Сб. докл. и тез. сообщений науч.-практ. конф. М., 1999. С. 32-41.
- Емельянов Б.В. Экскурсоведение. РМАТ, М., 2001.
- Петрасов И. Концепция устойчивого развития применительно к мировому туризму <http://www.publication.narod.ru/author/fpetrasov/fmain.htm>.
- Разработка и описание экотуристических маршрутов. МАНТ-ДВ, Хабаровск, 2000.

Қўшимча адабиётлар

- Аминов Б., Тилолов Т. Одам ва унинг саломатлиги.- Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
- Алиев М. Табиат ва тақдиримиз.- Т.: “Медицина”, 1989.
- Маманазаров М. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари // ж. Экология хабарномаси. №3, 2005. 26-27-б.
- Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т.: “Шарқ”, 1998.
- Тетюхин Г.Ф., Маматкулов М., Батунская Б.А. Некоторые аспекты рационального использования и охраны неживой природы Узбекистана.- Т., Фан 1987.
- Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
- Nigmatov A. Ekologiya. – Т.: Cho`lpon, 2006.
- Barqaror rivojlanishning geoeologik jihatlari / A.Nigmatov va boshqalar.-Т.: UzMU nashriyoti, 2006.
- Рафиқов А. Геоэкологик муаммолар.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
- Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология.- М.: “Россия молодая. Экология”, 1992.
- Эргашев А. Умумий экология.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
- Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.- Т.: “ЎзМЭ нашриёти” 1-11 жилдлар. 2000-2006 йй.
- Ўзбекча русча инглизча экологик изоҳли луғат.-Т.: Чинор ENK, 2004.

Веб сайтлар

- <http://site-ru.net/jh/kp/>
- http://uzforyou.com/q_a.htm
- <http://Fuzforyou.comFtoursFvelotur – pustinyaKizilkum.htm>
- <http://www.travelgroup.ru/ecotourism>
- <http://www.geographia.com/>
- <http://www.jonathanangelascott.com/>
- <http://www.videoglobetrotter.com/>
- http://www.crusadertravel.com/red_sea/
- <http://www.unitours.ru/>
- <http://www.constanttour.ru/>
- <http://www.goperu.ru/>
- <http://www.lonelyplanet.com/worldguide/destinations/south-america>
- <http://www.tourism.com/>
- <http://www.yandex.ru/yandsearch?text=beach&stype=www>
- <http://shalkamy-eg.com/>
- <http://www.bcrereservation.com/canoe.html>
- <http://www.famous-india.com/packages-tour-india/rajasthan-camel-safari-tour.html>
- <http://www.newride.ru/rafting.htm>
- <http://www.issyk-kul.com/>
- <http://www.newride.ru/index.html>
- <http://www.elbrusspeedclimb.com/?p=foto&m=menu2&l=ru>
- http://www.sustainabletravelinternational.org/documents/op_et_exective.html
- <http://www.ecoventura.com/photogallery/default.asp>
- <http://www.finchbayhotel.com/>
- <http://www.dodotraveltour.com/english/madagascar.cfm>
- <http://www.tokyolionhouse.ru/exkur.html>
- http://www.orexca.com/rus/nature_tyan-shan.shtml
- http://rabatmalik.freenet.uz/rus/eco_tour.html
- <http://www.qb.uz/russian/ecological/>
- http://www.orexca.com/rus/nature_tyan-shan.shtml
- <http://www.elenatour.uz/>
- <http://chatkal.freenet.uz/tour.phtml>